



UZREPORT TV



MINISTRY OF HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



IV INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

"ABU ALI IBN SINO (AVICENNA) AND INNOVATIONS IN MODERN PHARMACEUTICS"

May 20th, 2021

Tashkent city, Uzbekistan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА И ИНСТИТУТИ

ИБН СИНО ЖАМОАТ ФОНДИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ЗАМОНАВИЙ ФАРМАЦЕВТИКАДА ИННОВАЦИЯЛАР

**IV ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

АБУ АЛИ ИБН СИНО И ИННОВАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИКЕ

**СБОРНИК IV МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Тахрир хайъати

Раис: тиббиёт фанлари доктори К.С. Ризаев

Аъзолари:

Н.С. Нормахаматов - кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

М.Т. Муллажонова - фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Н.А. Махмудов - Ибн Сино жамоат фонди Бошқарув раиси

СЕКЦИЈА 1. ИБН СИНО ВА ЎРТА АСРЛАР ШАРҚИ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ФАРМАЦИЈА ШАКЛЛАНИШИГА ҚЎШГАН ХИССАСИ

OBSERVATIONAL STUDY TO EVALUATE THE EFFECT OF MUJOUSO (BITTER LEAF) ALONG WITH CINNAMON A WELL DOCUMENTED CONCEPT OF IBN SINA (AVICENNA) IN MANAGEMENT OF ECZEMA

Prof. Dr. Amina Ather

*Consultant and scientific director for traditional system of medicine, Medizin Park Ruhr, Germany
e-mail: prof.dr.amina.ather@gmail.com*

An observation study to evaluate the effect of mujouso (Bitter leaf *VERNONIA AMYGDALINA*) along with minimal concentration of cinnaomon a well documented concept of Ibn sina (Avicenna) in management of diabetic eczema.

The design of the study was observational clinical trial. Total 63 volunteers of europid 4 (Caucasian race) with German ethnicity, belonging to the age group between 40 and 58 years, suffering from moderate to severe diabetic eczema were included in the study after an informed concept and health education regarding diabetic eczema was given during the consultation visit. The total duration of the study was 7 weeks ; inclusive of one week of for the baseline period, 4 weeks of the treatment phase, and 2 weeks for the follow up. The volunteers were not given treatment during baseline phase. During the treatment phase, the volunteers were given cream, lotion and extract prepared with herb mujonsa Bitter leaf (*VERNONIA AMYGDALINA*) along with Cinnamomum supported by paul penders and prepared by planet herbs, Dehradun, India and last week was followed by follow-up after treatment. The assessment of the effects of the treatment on intensity of blood glucose level measured by glucometer, itching at the site of rashes, numbess, and comfort zone was done with the Visual Analog Scale, mood activity cart, diabetic eczema chart (supported by German diabetic association) at each phase. The vounteers were assigned numbers from 0 to 10 according to the severity of their conditions and effect of pre application and post application of the of the cream and lotion prepared from mujonsa and cinnamon and is effect during their day to day activity before and after application and the results were analyzed statistically. There was extremely significant relief of pain during the day today activity and also improvement in the diabetic eczema, one of the complication of diabetes is eczema and polyneuropathy which not only effects the day to day activity but also bears in a a psychology of the person of losing the fingers due to polyneuropathy and one who is being through it and more than that it have shown that the cream, lotion and extract prepared by mujonsa along with cinnamon is supporting the regeneration of peripheral nerve tissues on the external skin surface which acts as a healing componenet. Mujonsa as it has astringet properties it helps to regulate the bclood circulation as well as blood purification. As compared to pre application of the lotion and cream of mujonsa with cinnamon, the therapy along with health education of eczema and oral use of extract of mujnsa for diabetic condtion is proved as an effective, cheaper, better and safer alternative in the treatment neuro peripheral cells and avoid surface degeneration in diabetic eczema and it may be included in the pharmacotherapy of main-stream medicine and can be offered as part of the nursing and cosmetic care to diabetics suffering from eczema. Although the possibilities of the mechanism of action of mujonso along with cinnamon to be explored with a bigger study among 100 participants of different ethnicity, multicenter clinical trials among women with menopause and further to be discussed, these could be observational as well as randomized ; single / double blinded study, but further research is required to elucidate the exact mechanism and wider therapeutic dimensions. As of now this can be a potential remedy for diabetic excema. Ibn Sina made significant and long-lasting contributions to almost all fields of science, with an influence spanning over many centuries. Ibn Sina’s medical masterpiece, Al- Qanun (Canon) may be considered as a compilation of

his medical knowledge. Although the Canon was influenced by other prominent figures of ancient medical traditions, who were appraised throughout the text, it also included a considerable deal of original writings. Following the footsteps of previous traditions, the Canon also presented genuine observations and descriptions of diseases that had not been published before, showing Ibn Sina's ability for synthesizing existing knowledge with his own view in such a way as to influence the practice of medicine for centuries. The Canon is divided into five sections, each of which focuses on separate topics of medicine. The first book may be regarded as the most comprehensive one, discussing the four basic humors, i.e. the blood, phlegm, yellow bile, and black bile. The book also includes detailed anatomical descriptions. Similarly, in other sections of the Canon, anatomical changes that may occur in relation to pathological or disease states have also been described. Through this book, the reader can witness the significant and fundamental contribution to the science of anatomy as well as to the other fields of medicine. In this article, representative examples of his contribution will be presented. The Canon has been a fundamental textbook in schools of medicine in Europe and in other places in the Eastern World since the 12th Century up to the end of the 17th century. Not surprisingly, in Bologna, Padua and other locations throughout Europe, Sina's Canon has been a great inspiration for many scientists including Andreas Vesalius and William Harvey, among others.

On the measuring scale, the observation results shown with a mean value of 9.6 on VAPS of polyneuropathy which is highly significant and shows that the cream, lotion and extract provided by Paul Penders has a 96% of benefit value in the management of diabetic eczema. It can be used as a cosmetic range, but only after assertion of allergy test of cinnamon. Note :This observation study is only with consent from the volunteers no insurance coverage was involved and this was for the evaluation of the effect of mujonsa along with cinnamon, the samples provided by pal penders and prepared by plant herbs.

References:

1. http://en.wikipedia.org/wiki/Bitter_leaf
2. <http://www.mayoclinic.org/diseases-conditions/vaginal-dryness/basics/definition/con-20029192>
3. http://en.wikipedia.org/wiki/Diabetic_eczema
4. http://en.wikipedia.org/wiki/Caucasian_race
5. <http://www.mayoclinic.org/drugs-supplements/estrogen/description/drg-20069459>
6. <http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC3371352/>

ИБН СИНОНИНГ ЖАҲОНДАГИ ЯНГИЧА ТИББИЁТ АСОСЧИСИ СИФАТИДАГИ КАШФИЁТЛАРИ ВА НОВАТОРЛИКЛАРИ

Ҳамид Наййирободий

*Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқуллодда ва Мухтор элчиси*

Жон ва ақли яратган зот номи билан бошлайман.

Ҳаким Ибн Сино жаҳон тиббиёти тарихидаги машхур сиймолардан биридир. Унинг тиббиётга оид шоҳ асари «Тиб қонунлари» асари бўлиб, унда янгича тиббиёт асослари қўйиб берилган. У ўзининг ушбу асарида ушбу мутахассислик соҳасини ирим-сирим ва хурофотлардан тозалашга, касалликларни илмий тарзда ўрганиш, уларни аниқлаш учун экспериментал синовлар ва таҳлилларни амалга ошириш, касалликларни даволаш мақсадида шифобахш гиёҳлар ва уларнинг таркибларидан фойдаланиш орқали ўзининг тиббиёт соҳасидаги кашфиётлари ва янгиликларини тиббиёт ва фармацевтика соҳалари тадқиқотчилари ва талабалари эътиборига ҳавола қилишга уринган.

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ўз даврининг тиббиёт фани соҳасидаги энг мукамал қомуси сифатида ҳозирги кунга қадар ўн беш тилга таржима қилинган. Бир миллиондан ортиқ сўз ишлатилган ушбу асар тиббиёт тўғрисидаги умумий билимлар, алоҳида касалликлар, одам танаси аъзолари, одам танасининг умумий касалликлари, турли дори воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Абу Али ибн Сино ушбу асарда тиббиёт атамаларини яратиш, таърифлаш ва изоҳлашга катта эътибор берган, шунингдек ўрганиладиган соҳани мавзуларга бўлиш ва улардан ҳар бирини тав-

сифлашда ҳам мантиқий ва мақсадли усулни қўллаган. «Тиб қонунлари»ни Ибн Синонинг клиник экспериментлари ва кашфиётлари, Гален, Гиппократ ва Аристотелларнинг асарлари ва таълимотлари, Қадимги Эрон ва мусулмон ўлкалари табиблари асарлари таркибидан иборат бир асар деб аташ мумкин.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарини ёзишда тиббиёт фанига халақаро нуқтаи назардан ёндашгани, ўз даврида мавжуд бўлган барча тиббий билимларни бир жойга тўплаб, ўзига хос синтез яратгани кўзга ташланади. Ибн Сино ўз даврида машҳур бўлган ва бир-биридан фарқ қилувчи бир неча тиббиёт тизими, масалан, Юнонистон, Миср, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой тиббиёт тизимларини кенг ва чуқур ўрганиш натижасида шу хулосага келдики, ушбу тизимларнинг барчаси, айрим юзаки тафовутларни ҳисобга олмаганда, бир хил мавзулар ва клиник реалликлар устида ишлаганлар.

Табиб Ибн Синонинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг турли касалликлар тўғрисидаги клиник кузатувларидир. Тери ва ўпка касалликларидан тортиб асаб тизимидаги бузилишлару турли рухий хасталикларгача, профилактидан тортиб фармацевтикагача бўлган мавзулар ушбу кузатувлар доирасига кирган.

Абу Али ибн Синонинг ҳозирги тиббий асбоблар ва лабораториялар бўлмаган бир шароитда тиббиёт соҳасига киритган янгиликлари ҳайратланарли бўлиб, унинг мислсиз ақл-заковати ва истеъдодидан дарак беради. Бу эса барчамизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Унинг тиббиёт соҳасидаги айрим кашфиётлари ва янгиликларини куйидаги шаклда таснифлаш мумкин:

1. Она сутининг гўдак учун энг яхши озуқа эканлигини исботлаб берган.
2. Тан ва рух саломатлигининг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда жисмоний ҳаракат ва спортнинг инсон саломатлигидаги ўрнини кўрсатиб берган.
3. Тоза маъданли сувнинг инсонлар соғлигидаги аҳамиятига урғу берган.
4. Гигиена, спорт, тоза ҳаводан нафас олиш, қуёшланиш ва сувни ичишдан олдин қайнатиш тўғрисида тўғри ва мукаммал тавсиялар берган.
5. Тўғри овқатланиш, парҳез ва овқатланиш орқали даволанишга катта аҳамият берган.
6. Фасллар алмашинувининг турли касалликлар келиб чиқишидаги ўрнини аниқлаб берган.
7. Вабо каби юқумли касалликлар, шунингдек одамдан одамга ўтадиган инфекция, мавсумий ва фаслий касалликлар тўғрисида сўз юритган.
8. Болалар саломатлиги, касалликлари ва уларни даволаш тўғрисидаги билим – педиатриянинг асосчиларидан бири бўлган.
9. Сил касаллигининг уч босқичи ва уни даволаш усуллари тўғрисида мукаммал маълумотлар берган.
10. Ич кетишини даволаш учун сут зардоби (молочная сыворотка) ва эчки сутидан қилинган пишлоқ истеъмол қилишни буюрган. Бу эса бугунги кунда ич кетишини даволаш учун сут кислота ва курук сутларни истеъмол қилиш буюрилишига ўхшаб кетади.
11. Сил, қизамиқ ва чечак касалликларини яхши ўрганган ҳамда уларнинг сув ва ҳаво орқали юқишини кўрсатиб берган.
12. Жарроҳлик амалиётларида анестезия (оғриксизлантириш)га аҳамият берган ва кесиш жойини спиртли эритма билан артган.
13. Биринчи бўлиб кесилган асаб толаларини тиккан. У кесилган жойларни тикиш учун от юнгидан фойдаланган.
14. Сийдик йўлидаги тошларни йўқотиш учун чарм қопланган метал стулга ўтиришни тавсия қилган.
15. Бўғимлар ва суякларни яхши ўрганган бўлиб, синган жойларни тузатишнинг самарали усуллари кашф қилган.
16. Инсон танаси ва унинг аъзоларини ўрганишга оид фан – анатомияни янада ривожлантириб, кўзнинг турли қисмларининг илк батафсил тавсифини яратган.
17. Мохов каби юқумли касалликни ўрганиб, тавсифлаган.
18. Ўлатнинг сичқонлар ва бошқа турли жониворлар орқали юқишини билган.
19. Рухий касалликларни ўрганиш ва уларни даволаш усуллари ишлаб чиқишга эътибор берган, бу касалликка чалинганлар билан хушмуомала бўлишнинг аҳамиятига урғу берган.
20. Шифокорлардаги хуш кайфият ва хурсандчиликнинг касалларнинг даволанишидаги таъсирини аниқлаган.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино йирик доришунос ҳам бўлиб, дориларни кимёвий усулда ҳамда доривор гиёҳлар асосида тайёрлашга катта аҳамият берган. У кўплаб ўсимликларни доривор ўсимликлар сифатида эслатиб, касалликларни даволашда уларнинг алоҳида қисмлари ёки бир неча ўсимлик таркибидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиққан.

Ибн Сино тиббиёт фанини икки қисмга – назарий ва амалий қисмларга, касалликларни ҳам тана ва унинг аъзоларининг ҳолати ҳамда уларга етган шикастлар асосида икки турга – ички касалликлар ва ташқи касалликларга бўлган. Ибн Синонинг касалликларни аниқлаш ва даволаш ишидаги янгиликлари ва экспериментал усуллари уни янгича тиббиёт фанининг асосчиси сифатида дунёга танитди.

Абу Али ибн Синонинг вафотидан кейин минг йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, у томонидан асос солинган илмий, фалсафий ва ғоявий мактаб Эрон ва жаҳондаги илмий доираларнинг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Ибн Синонинг хулқ-атвори, илмий фаолияти ва тиббий амалиёти тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд. У ўз даврининг йигирматадан ортиқ олимлари билан ёзишмалар ва илмий баҳслар олиб борган. Ўз асарлари ва маърузаларида олимларни ҳамда ўз шогирдларини барча халқлар орасида мавжуд бўлган хурофот, жоҳилона мутаассиблик, юзакилик ва иккиюзламачиликдан сақланишга, касалликларни даволашда илмий ва экспериментал усуллардан фойдаланишга чақирган. Ибн Сино оғир ва тузалмас касалларни ҳам даволар, қашшоқ касаллардан пул ва хизмат ҳақи олмас, касаллар ва уларнинг ҳамроҳлари билан мулойимлик ва меҳрибонлик билан муомала қиларди.

Абу Али ибн Сино Эрон Ислом Республикаси халқи, жамоатчилиги ва илмий доиралари орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга бўлиб, кўплаб кутубхоналар, кўчалар, олий ўқув юртлари, мактаблар ҳамда бошқа маданий-гуманитар объектлар унинг номи билан аталади. Эронда ҳар йили ҳижрий-шамсий йил ҳисобига асосланган эронча таквимдаги шаҳривар ойининг биринчи куни (милодий йил ҳисобидаги таквимнинг 23 августига тўғри келади) Ибн Синонинг туғилган куни ҳамда шифокорлар куни сифатида нишонланади.

Ибн Сино тўғрисида келажак авлодларни хабардор этиш барчамизнинг вазифамиз эканлигини уқтирарканман, ўз сўзимни ушбу йирик тадқиқотчи ва тенгсиз донишманд табиб қаламига мансуб бўлган куйидаги шеърий парча билан поёнига етказмоқчи эдим:

Эй кош бидонамий, ки ман кистамий,
Саргашта ба олам аз пайи чистамий?

Мазмуни: Ўзимнинг кимлигимни билсам қанийди, бу дунёда нима учун юрганганимни билсам қанийди.

ГЕПАТИТ “В” КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН “АСТОШ” ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИЛМАСИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Асқаров И.Р.¹, Абдуллаев М.Н.², Мўминжонов М.М.²

¹Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар
“ТАБОБАТ” Академияси, Тошкент ш.,

²Андижон давлат университети

e-mail: tabobat_akademiyasi@mail.ru. тел.: (71) 241 18 63,

e-mail: mirjalolmominjonov0@gmail.com. Тел.: (97) 997 44 36

Гепатит “В” жигар касалликлари ичида энг мураккаб, даволаниши қийин бўлган касалликлардан биридир. Ушбу касаллик гепатит вирусини (ВГВ)нинг жигар гепатоцит хужайраларини барбод қилиб, фиброз тўқимага айлантириши натижасида жигар ва талокда шиш пайдо бўлиши билан кечади. Дунё бўйича бир йилда ўртача 600 миллион инсон ўткир ёки сурункали Гепатит “В” касаллиги оқибатида вафот этади. Ҳозирги кунда 360 миллиондан ортиқ инсонларда сурункали Гепатит “В” касаллиги мавжуд бўлиб, уларнинг 15-25%ида ўлимга олиб келувчи цирроз ва жигар раки касалликлари ривожланиш хавфи мавжуд [1]. Ушбу касаллик Гепатит “В” вирусини (ВГВ) бемор қони ва

соғлом инсон қони билан контактда бўлиш оқибатида юқади. Касалликнинг инкубатцион даври 30 кундан 180 кунгача давом этади. Оқибатда жигар ўз вазифасини тўлиқ бажара олмайди [2].

Дунё олимлари Гепатит “В” касаллигини самарали даволаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Натижада ҳозиргача мазкур касалликни даволашда ишлатиладиган Мирклудекс В, Тенофовир, Энтекавир, Пегасис каби бир нечта синтетик дори воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган [3]. Лекин, мазкур синтетик дори воситалари инсон организмда парчаланиши натижасида ҳосил бўлган, таркибида кучли зарарли таъсир этувчи функционал гуруҳлар тутувчи ёнаки моддалар қон орқали жигар, буйрак, ўт каби муҳим аъзоларнинг фаолияти бузулишига ва турли оғир касалликлар келиб чиқишига олиб келмоқда. Аслида, аксарият ҳолларда Гепатит “В” касаллигини ҳам келиб чиқишида синтетик дори воситаларини мунтазам қабул қилиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирда мазкур касалликни даволашда халқ табobati услубларидан фойдаланган ҳолда, табиий, зарарсиз, биологик фаол озик-овқат қўшилмаларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Ҳозиргача Гепатит “В” касаллигини Халқ табobati услублари билан даволашда табиий буз-ноч гули, кудратнорин, қора ҳалила, қон чўп, олтин томир, қуш қўнмас, ит тиканак, тирноқ гул, себарга, занжабил, эхинатция, рўян томири, дала чой, эрмон, момақаймоқ, лимон ўт, кийикўт каби гиёҳлардан фойдаланиб келинган ва самарали натижаларга эришилган. Шунингдек, мазкур касалликни зарарсиз, табиий йўллар билан, Халқ табobati услублари ёрдамида даволашда, синтетик дори воситаларининг салбий оқибатларини инобатга олган ҳолда, биз томонимиздан таклиф этилган “Астош”, “Аскальций” каби, синтетик дори воситаларини ўрнини босувчи, табиий биологик фаол озик-овқат қўшилмалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида расмий рўйхатга олиниб амалиётга жорий этилган. Мазкур табиий, биологик фаол озик-овқат қўшилмаларидан фойдаланиб, ҳозиргача Гепатит “В” касаллигига чалинган И.М. Умаров, И. Қодиров, А. Ғофуров, Т. Болтабоев каби юздан ортик 4беморларни даволашга эришилди [3].

Гепатит “В” касаллигини даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган, юқорида санаб ўтилган энг самарали, табиий озик-овқат қўшилмаларидан бири “Астош” ҳисобланади. Унинг асосий компонентларидан бири сули ўсимлигидир. Мазкур озик-овқат қўшилмасининг кимёвий таркиби ўрганилганда унда антимиқроб, антибактериал хусусиятга эга бўлган, кучли таъсир этувчи *авенацин ва кверцетин бирикмалари мавжудлиги аниқланди. Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида “Астош” таркибидан авенацин ва кверцетин моддаларини ажратиб олинди.*

Ажратиб олинган авенацин ва кверцетиннинг таркиби ва тузилишини аниқлаш мақсадида Agilent technology Cary 630 ИК русумли спектрометрда уларнинг ИҚ спектрлари, аниқланди. Шунингдек, мазкур бирикмалар молекуляр структурасининг тебраниш спектрлари замонавий инновацион усулда “Gaussian 98” квант-кимёвий ҳисоблаш дастурининг DFT/B3LYP методи 3-21G базисида оптималлаштирилган ҳолда ҳисобланди [5]. Натижада экспериментал ва квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида олинган ИК-спектрларида боғларнинг тебранишларига ҳос бўлган ютилиш соҳалари ўзаро яқинлиги кўринди. Шу билан бирга, авенацин ва кверцетиннинг таркиби ва тузилишини янада аниқроқ ўрганиш мақсадида уларнинг “AxION 2 TOF” русумли масс-спектрометрида олинган натижалари, стандарт масс-спектрлари билан таққосланди. Натижада экспериментал йўл билан аниқланган масс-спектрометрик анализи натижалари, стандарт масс-спектрлари маълумотларига тўла мос эканлиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ажратиб олинган авенацин ва кверцетин моддаларининг экспериментал йўл билан аниқланган ва квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида ҳисоблаб топилган ИҚ-спектрларидаги ютилиш соҳаларининг бир-бирига жуда яқинлигини кўрсатди. Шунингдек, олинган моддаларнинг масс-спектрометрик анализи маълумотлари, ИҚ-спектроскопик анализ натижаларининг тўғри эканлигини тасдиқлади. Бу эса, таркибида авенацин ва кверцет табиий, биологик фаол моддалар борлиги туфайли “Астош” озик-овқат қўшилмаси Гепатит “В” касаллигини самарали даволаш хусусиятига эга дейишга асос бўла олади.

Адабиётлар:

1. <https://privivki.uz/uz/deceases/382/>
2. Aspinall E. J., Hawkins G., Fraser A., Hutchinson S. J., Goldberg D. Hepatitis B prevention, diagnosis, treatment and care: a review. Occupational Medicine, Volume 61, Issue 8, December 2011, Pages 531–540, <https://doi.org/10.1093/occmed/kqr136>.

3. <https://www.gepatit.ru/gepatit-b-lechenie/>
4. Асқаров И.Р. Табобат қомуси. Мумтоз сўз. Тошкент – 2019. – 1590 б.
5. Frisch M. J., Trucks G. V., Schlegel H. B. at all. (1998) Gaussian 98, Revision A.5. Gaussian Inc., Pittsburgh (PA).

ИБН СИНОНИНГ МАЪНАВИЯТИМИЗ ВА ФАНЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Абдурахимова Д.М.

*Тошкент фармацевтика институту
e-mail: dilnozaabduraximova1@gmail.com*

Долзарблиги. Марказий Осиё маънавиятининг улкан арбобларидан бири ҳисобланган Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино бўлиб, Бухоро яқинидаги Афшана қишлоғида 980 йили таваллуд топган. Буюк даҳо Ибн Синонинг ҳаёти сарсонликда ўтган бўлсада, ўзининг маънавий, илмий фаолияти билан инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. Буюк аллома Абу Али ибн Сино жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд барча фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Ибн Синонинг фалсафий-ахлоқий асарларида ҳукмдорларни қонунсизликларга қарши курашишга, халқнинг талабларига қулоқ солишга, адолат юзасидан иш юритишга чақиради. Адолатни инсон хатти-ҳаракатининг яхши беагаи деб кўрсатади. Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ушбу асар орқали буюк олим амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солган. Бу асар қарийб 500 йил давомида дунёнинг етакчи университетларида ўқиб-ўрганиб келинган. Гарчи, уни “Авиценна” сифатида ғарбда машҳур қилган тиббий мероси “Тиб қонунлари” бўлса, “Шайх-ар-раис” номи энг аввал унинг буюк файласуфлигига ишоратдир. Дарҳақиқат, мутаффақир ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган буюк алломадир.

Мақсад. Дарҳақиқат, Абу Али ибн Сино бутун дунё эътироф этган буюк даҳодир. Уйғониш даврининг улкан вакили Дантенинг “Илоҳий комедия” асарида чизилган суратда Ибн Сино Авиценна номи билан Гиппократ ва Галлен билан ёнма-ён бирга тасвирланган. Ватандошларимизга ғурур уйғотадиган алоҳида жиҳати шундаки, Ибн Сино уларнинг ўртасида бошида тож кийган ҳолда тасвирланган. Демак, уни даҳоларнинг даҳоси, деб билишган. Ўтган асрда янги кашф этилган юлдузлардан бирига фалакиётшунослар томонидан Абу Али ибн Сино номи берилгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, буюк юртдошимиз ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлар ишланган. Умид қиламизки, буюк даҳо Ибн синонинг босиб ўтган сермазмун ҳаётий йўли, инсоният тарихида улкан из қолдирган беназир илмий фаолияти тўғрисидаги асарлар яратилиши ҳали олдинда.

Натижалар. Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланган Мурожаатномасида ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етиши муҳим омил эканлиги таъкидладилар ва ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянишимиз кераклиги ҳақида айтиб, “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”, - деб алоҳида таъкидладилар. Фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланишида “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш кераклиги ҳақида айтдилар.

Хулосалар. Мурожаатномада айтилганидек, “Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради”. Демак, олдимизда турган улкан мақсадларни амалга ошириш учун улкан вази-фалар турибти. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялаш давр талабидир. Бунда Ватанимиз-нинг кўхна тарихи, жаҳон цивилизацияси тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшган буюк аллома ва мутаффакирларнинг ҳаёти ва ижоди ёшларни тарбиялашда, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантиришда, муҳим аҳамият касб этади. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино, бундан минг йил олдин “Довюррак ва ботир инсонлар келажақда содир бўладиган қийинчиликлардан кўрқмайди”, деб бежиз айтмаган.

Адабиётлар:

1. <http://president.uz>-Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020.
2. <https://www.minzdrav.uz>.-Абу Али ибн Сино мероси-бебаҳо хазина.
3. <http://ferlibrary.uz>- Абу Али ибн Сино.

ИБН СИНОНИНГ ЁШЛАРНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР ТАРИХИГА КЎШГАН БУЮК ҲИССАСИ

Абдурахмонов Х.И.

*Тошкент фармацевтика институти
E-mail: ifk_tashfarmi@mail.ru*

Абу Али ибн Сино илмий фалсафий, ижтимоий ахлоқий, бадий меросининг тарбиявий аҳамияти юксакдир. Ибн Синонинг таълим беришича, илм ва ахлоқий фазилятлар ўз-ўзидан юзага келмайди. Йўқдан бор бўлмайди, имкониятсизлик тасодифан имкониятга айланмайди. Яратган инсон вужудини, унинг ички оламини зарурий бир тарзда ўз нури ила мунаввар қилади. Натижада илмий ва ахлоқий фазилятлар муайян қадриятларга айланиб, яратувчининг қараши сифатида унинг қудрати ва меҳрибонлигидан кишиларга сабоқ беради, чунки барча мавжуд нарсалар, мўъжизавий ҳодисалар беҳудага яратилмаган. Ибн Синонинг фикрича, тангри инсонга шундай куч инъом этдики, у орқали эзгуликни ёмонликдан, ақлий камолот, етукликни ёлғон-яшиқ, адашувдан фарқ эта олиш имкониятини пайдо қилди. Ақл туфайлигина инсон ҳаёти, кишиларнинг турмуш тарзи ҳайвонларнинг яшаш тарзидан фарқ қилади. Ахлоқий равнақ инсон зотигагина хос жараён дир, чунки у ақл-тафаккурнинг буюк қувватига таянган ҳолда ҳақиқат билан ёлғоннинг чегарасини аниқлаб қолмасдан, дўстни душмандан ажрата олади. «Тадбири манзил» рисоласида Ибн Сино инсон табиати азалдан ахлоқий ёки ахлоқсиз бўлмайди, деган ғоянинг муҳимлигини таъкидлайди. Одамлар аслида тайёр шахсий сифат, одат ва кўникмалар билан туғилмайдилар. Бундай хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётида секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ажодлар анъаналари, таълим-тарбия таъсирида шакллана боради. Болаларнинг тарбиясини барвақт бошлаган маъқул. Тарбия жараёнида уларга яхши ижобий одатларни сингдириб бориш, иштиёқ ва қизиқишларини синчковлик билан пайқаб олишга ҳаракат қилиш зарур. Ибн Сино азалий анъаналарга таянган ҳолда, таълим-тарбияни Қуръони Карим, диннинг мақсади ва тилнинг грамматик қонун-қоидаларини кунт билан ўргатишдан бошлашни маъқул деб билади. Ўрганилаётган билимларни ёд олиш, хотирада сақлаш ва кези келганда тез-тез такрорлаб туриш таълим ва тарбия жараёнида муҳим ўрин эгаллаб, бола хотирасини мустаҳкамлайди, илмлар чашмасига кириб боришни таъминлайди, тарбияланувчида муайян тартиб-интизомни шакллантиради, бахс-мунозара юритиш маданиятини юксалтиради. Ибн Сино инсонпарвар, маърифатпарвар олим сифатида инсон ахлоқий равнақининг чексиз имкониятларини эътироф қилади. Лекин унинг рўёбга чиқиши шахс ва жамиятнинг имкониятлари билан боғлиқдир. Кимки ўз камчиликларини ислоҳ қилишни, комил инсон даражасига етишни истаса, ўзида мавжуд бўлган салбий иллатлардан халос бўлишни ўз характери яхши билмоғи зарур бўлади. Бордию, бу талабга амал қилмаса, унинг барча саъй-ҳаракатлари зое кетади, ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Оқибатда, сўз ва амал бирлигига путур етади. Ибн Сино ижтимоий-ахлоқий ва фалсафий фикрлар тарихида

биринчилардан бўлиб аёлларнинг бола таълим-тарбиясидаги ўрнини чуқур билган буюк мутафаккирдир. Унинг яна бир фалсафий асари «Китоб ан-нажот», «Китоб аш-шифо» нинг қисқартирилган шакли бўлиб, у ҳам жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган.

Ибн Сино ўрта аср фалсафий, тиббий-илмий ижтимоий-сиёсий, ахлоқий фикрлар тарихига буюк ҳисса қўшди. Форобий ўз хизматлари, қомусий ақли учун Шарқда “ал-муаллимус - соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотел “биринчи муаллим “ деб юритилган) деган ном билан машҳур бўлган бўлса, уни яна “ Шайхур раис “ (олимлар бошлиғи) деб ном билан хурмат билан тилга олишади. Ибн Синонинг таржимаи ҳоли унинг шогирди Абу Убайд Жузжоний томонидан устози тилдан ёзиб олинган. Ўз илмий меросида Ибн Сино турли соҳаларда эришилган илмий ютуқларни фалсафий умумлаштириш, уларни изчил баён этиш ва тартибга солиш билан бирга, фаннинг турли масалаларида ажойиб ютуқларни қўлга кирита олди. Бу қомусий олим ўз даври учун илғор ғояларни олға сурди.

Ибн Сино ўз замонасининг машҳур шоири ҳам эди. Унинг қаламига турли бадиий қиссалар билан бирга шеърлар-рубойи, қитъа, ғазаллар ҳам мансуб бўлиб, улар олим қизиқишлари ва истеъдодининг ниҳоятда кенг эканлигидан далолат беради. Бу шеърлар ҳам асосан унинг илмий-фалсафий, ижтимоий қарашларини ифодалаш учун хизмат қилган:

Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,
Жуда оз сир қолди мафҳум бўлмаган,
Билимим ҳақида чуқур ўйласам
Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Ибн Синонинг ранг-баранг илмий фалсафий, ижтимоий ахлоқий, бадиий мероси нафақат Ўрта Осиё, мусулмон Шарқи, балки бутун дунё маданиятига ноёб олтин хазина бўлиб қўшилди. У илмий-фалсафий, маданий тараққиётга, Ўрта аср Европаси маданиятининг сўнгги юксалишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Али ибн Сино илмий фалсафий, ижтимоий ахлоқий, бадиий меросининг тарбиявий аҳамияти юксақдир. Зеро, биз бугунги кунда миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, Абу Али ибн Сино меросининг бебаҳо эканлигини англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. С.Р. Рахимов. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сины Т., “Ўқитувчи”, 1979, 120-141-бетлар.
2. А. Ирисов. Абу Али ибн Сино. “Фан”, 1980, 165-171-бетлар.
3. М.М. Хайруллаев, Х. Алиқулов. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. -Т.: “Ўзбекистон” 1995. 59-70-бетлар.
4. Ф. Рўзиева. Абу Али Ибн Сино қомусий олим. Методик биографик қўлланма. Тошкент. 2004 й.

АБУ АЛИ ИБН СИНО. БЕСКОНЕЧНЫЙ ВКЛАД НАШЕГО ВЕЛИКОГО ПРЕДКА В ВОСТОЧНУЮ И ЗАПАДНУЮ МЕДИЦИНУ

Алланазарова М.Б.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail:allanazarovamohira338@gmail.com*

Актуальность:1040-летие со дня рождения Абу Али ибн Сины, нашего великого предка, великого ученого и мыслителя, султана медицины, философа, математика, психолога, музыканта, поэта, внесшего достойный вклад в развитие 29 областей науки. Была проведена международная научно-образовательная онлайн-конференция на тему «Абу Али ибн Сино - гордость Узбекистана и достояние мира». В мероприятии, инициированном Общественным фондом Ибн Сины, приняли участие ведущие эксперты, парламентарии, эксперты, врачи, фармацевты, историки, востоковеды, философы, биологи и химики из Германии, Бельгии, Франции, Израиля, Турции, Индии и Узбекистана.

Цель: известно, что Абу Али ибн Сина - один из великих ученых, оставивших яркий след в истории, и его богатое научное наследие до сих пор является предметом гордости человечества. За его большое влияние на развитие науки, просвещения и культуры на Востоке и Западе он был удостоен титула «Шейх ур-Раис», «Главный ученый», «Король врачей». «Законы медицины» веками были всеобъемлющей медицинской энциклопедией. Научное наследие Ибн Сины можно разделить на четыре части: философскую, естественную, литературную и медицинскую, в каждой из которых ученый оставил глубокий след. Однако, если мы посмотрим на количественное соотношение работ Ибн Сины, мы увидим, что интерес и внимание ученого было больше сосредоточено на философии и медицине. Хотя именно его медицинское наследие сделало его известным на Западе как Авиценна, особенно законы медицины, имя Шейх-ар-Раис в первую очередь является отсылкой к его великой философии.

Методы и материалы: величайший и важнейший труд ученого по философии - «Китаб аш-шифо». Он состоит из 4 частей: 1) логика - разделена на 9 частей: аль-мадхал - введение в логику; аль-макулот - категории; аль-бура - толкование; ал-кийас - силлогизм; ал-бурхон - доказательство, доказательство; ал-джадал - споры, диалектика; ас-сафшата - софистика; ал-хитоба - риторика; аш-ш`р - поэтика (искусство поэзии); 2) природа (здесь минералы, растения, животные и люди рассматриваются в отдельных разделах); 3) математика - разделена на 4 дисциплины: арифметика, хандаса (геометрия), астрономия и музыка; 4) метафизика или теология. Части этой работы были опубликованы на латинском, ассирийском, иврите, немецком, английском, французском, русском, персидском и узбекском языках.

«ЗАКОНЫ МЕДИЦИНЫ» (первоначальное название «Китаб аль-Канун фиттиб») - медицинский труд Абу Али ибн Сины. «Законы медицины» - это обширная медицинская энциклопедия своего времени, в которой логично описаны все вопросы, связанные со здоровьем и болезнями человека. В прошлом медицина была в основном профессией, и врачи мало уделяли внимания теоретическим вопросам и ограничивались ее практическим применением. Ибн Сина, с другой стороны, поднял медицину до уровня науки и, основываясь на опыте и мнениях врачей Греции, Рима, Индии, Ближнего и Среднего Востока, разработал как теоретические, так и практические вопросы в Законах медицины. Ибн Сина написал первую книгу законов медицины во время своего пребывания в Горгане, а остальные - в Рэе и Хамадане (1015-1024).

Ибн Сина в написании «Законов медицины» греческих врачей Гиппократ, Диоскорида, Галена, Орибазы, Павла, индийских врачей из арабского перевода трудов Чараки; Он использовал в качестве источника медицинские труды ученых с Ближнего Востока, таких как Абу Джурайдж, Масих ад-Дамаск, Ибн Мосавайх, Сабур ибн Сахл, Сахарбухт, Абу Бакр ар Рази, Абу Сахл аль-Масихи. Каждая книга законов медицины разделена на разделы (наука), главы (предложения), статьи (статьи) и параграфы (главы).

Книга 1 описывает теоретические основы медицины и общие вопросы прикладной медицины, определение медицинской науки, ее функции, характер и доктрину клиента. Затем следует краткий анатомический набросок «нормальных» частей человеческого тела - костей, суставов, нервов, артерий, вен, суставов, связок и мышц. Приведены причины, проявления, виды заболеваний и общие методы их лечения. Охватываются учения о питании, образе жизни и здоровье на всех этапах жизни. Есть несколько глав о депортации, репатриации и сборе крови.

Книга 2 описывает более 800 лекарственных растений, животных и минералов того времени, их терапевтические свойства и способы их использования. Помимо лекарств из Средней Азии, Ближнего и Среднего Востока, автор цитирует множество лекарств и веществ из Индии, Китая, Греции, Африки, Средиземноморья и других стран. Многие лекарства, рекомендованные Ибн Синой, до сих пор используются в фармакопее.

Книга 3 дает информацию о «частных» или «местных» заболеваниях человеческого тела с головы до ног. Другими словами, эта книга посвящена конкретной патологии и терапии. Он включает заболевания головного мозга (включая неврологические и психические заболевания), глаз, ушей, носа, рта, языка, десен, губ, горла, легких, сердца, груди, пищевода и желудка, за которыми следуют печень, желчный пузырь и селезенка. Сообщается о заболеваниях кишечника, прямой кишки, почек, мочевого пузыря, мужских и женских половых органов. Эти 4 книги посвящены «распространенным» заболеваниям, не относящимся к каким-либо органам человека. К ним относятся различные

лихорадки (кризы во время болезни), опухоли (включая рак), сыпь, раны, ожоги, переломы и растяжения костей, травмы нервов и травмы черепа, груди, позвоночника и предплечий. В пьесе также рассматриваются хронические и очень заразные болезни: оспа, корь, проказа, чума и бешенство; Также описаны основные вопросы учения о ядах и отравлениях (токсикологии). Отдельный раздел книги посвящен сохранению красоты человека и косметике. В частности, Ибн Сина рекомендует средства для предотвращения выпадения волос и предотвращения ожирения или потери веса. 5 книг - это фармакопея, в которой рассказывается о приготовлении и применении сложных лекарственных препаратов. Его первая гемила использовалась в различных тариках (противоядиях), майонезе, хабдори, пилюлях (таблетках), ситах, соках, отварах, вине, мазях и т. Д. Во втором разделе описаны конкретные органы - голова, глаза, уши, зубы, горло, грудная клетка и живот, суставы и лекарства, которые использовались и тестировались для лечения различных кожных заболеваний.

Многочисленные рукописи законов медицины, написанные в начале 11 века, стали наиболее полным трудом в области медицины. Его популярность на Востоке подтверждается большим количеством рукописей в различных библиотеках по всему миру. Книга иранского ученого Яхья Махдави «Каталог копий Ибн Сины» содержит 130 экземпляров «Законов медицины». В Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни также есть три рукописи «Законов медицины». Самая старая из них - полная копия, скопированная в 1308 году.

Выводы: многие ученые на Востоке, в частности Мухаммад Илаки Фахриддин Рази, Мухаммад Нахчывани, Ибн ан Нафис, Кутбиддин Шерази, Махмуд Чагмини, Абдулла Ксарои, Садидиддин Козаруни, Абдурахан Хаммаил Исакиман Мисри, Абдурахан ибакиман Алифхан Мисри, другие, Они написали к нему комментарии, сократили его и написали небольшое руководство под названием «Закон». Арабский текст «Законов медицины» был впервые опубликован в 1593 году. В Риме, а затем в Каире (1873, 1877, 1879), Тегеране (1889), Лакхнау (1906) и Лахоре (1905) был опубликован траур, и вскоре Закон стал популярным на Западе. 1130 г. была сформирована группа переводчиков, и Герард Кремонский (1114–1187) начал переводить «Законы медицины» с арабского на латынь, но позже эту работу завершил Герард, живший в 13 веке. В целом «Законы медицины» публиковались на латыни более 40 раз. Публикация некоторых частей бесконечна.

Литература:

1. 100 мыслителей из Центральной Азии.
2. Комитет по координации развития науки и технологий Республики Узбекистан. Ташкентский исламский университет. ЯНГИ НАШР, 2011 г.
3. Из книги Абу Али ибн Сино «Звезды духовности» (Издательство национального наследия Абдуллы Кадири, Ташкент, 1999).
4. Использованы данные Википедии, открытой энциклопедии.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ҚАРАШЛАРИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Болтаева Б.Х., Ашурова Н.Х.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: barnoxomidjonovna@mail.ru*

Барчамизга маълумки инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оила ҳисобланади. Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, катта руҳий куч ва неча асрлик тарихга эга бўлган анъаналарини, маънавиятини авлоддан-авлодга етказишда хизмат қилади. Холбуки маънавият инсон ҳиссиёти, туйғу ва иродавий хислатларининг хоссалари билан алоқадор бўлиб, унинг қадриятлари, идеали, гуруҳ ва жамиятнинг моҳиятини белгиловчи ҳамда инсоннинг борлиғи масаласи билан бевосита чамбарчас боғлиқ тушунча ҳисобланади. Агар шахснинг шаклланишида биологик, табиий, маданий муҳит, ижтимоий тажриба, одамлар билан муносабат каби омиллар муҳим аҳамият касб этишини инобатга оладиган бўлсак, буларнинг барчаси оилада мужассамлашгандир. Шу билан бирга, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникмалар мажмуи асосан оилада шакл-

ланади. Шунинг учун ҳам, оила маънавият кўрғони ҳисобланиб, юқорида таъкидланганидек оила қайси миллатга тааллуқли бўлса, ўша миллатнинг маънавиятини ўзида акс этади. Шарқ оилаларида тарбияланган фарзандларимиз қатъиятли, матонатли, мақсадга интилувчан, масъулиятли ва ўзига нисбатан талабчан, меҳнатсевар, дўстпарварлиги билан ажралиб туради. Уларга ҳиссиётларни бир маромда тутиш, мулоҳазалилик, содиқлик, турли қийинчиликларга чидамли бўлиш, хушчакчаклик, ҳар хил шароитларга тез мослашиш хусусиятлари ҳам хос фазилатдир.

Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайин Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиёда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса, эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд, шунингдек оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилган [1].

Шарқ мутафакрларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён этилган оилавий турмуш қоидалари, шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртақлари, дostonлари, афсоналари, ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мерос эканлигини кўрамиз [1].

Шу муаммога оид мулоҳазалар Абу Али ибн Синонинг (980-1037) «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Тиб қонунлари», «Уй хўжалиги» каби қатор асарларида Марказий Осиё халқлари ахлоқ-оқибати, тарбия психологияси, фалсафа ва таъбабат оламида алоҳида ўрин тутганлигини инобатга олсак, Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи эрнинг олдидаги масъулиятли вазифаларга эътиборини қаратиб ўтади. Абу Али ибн Синонинг қарашларида, биринчи навбатда эр оиладаги тарбиявий ишларга доир ҳам назарий, ҳам амалий маълумотларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Фақат шундагина, у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олиши мумкин. Демак, эр-хотин муносабати тенглик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб ўтиб, “Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, шунга бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакнинг яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир” деб ёзади Абу Али ибн Сино ўз асарларида. Ибн Сино ўзининг “Уй-жон тутиш тадбири” ҳақидаги асарида аёлларнинг ўн етти хислатини санаб ўтади. Унга кўра, дастлаб аёл оқила ва имонли, шарм-ҳаёли ва ор-номусли, дидли ва фаросатли, ораста, ўз эрига садоқатли, итоаткор, дилкаш, бехархаша, покиза, вазмин, мулойим ва ўзини тутиб олган жиддий ва улуғвор, ҳар бир хатти-ҳаракатида яхши хислатлари сезилиб турадиган тежамкор, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла оладиган мушфиқу меҳрибон бўлиши зарурдир.

Ҳулоса қилиб айтганда, Ибн Сино бу ерда аёлларнинг донолигини мақтаб ўтади. Унинг фикрича, агар аёл оқила бўлса, ўз эрининг ишончли дўсти ва ҳамдарди бўла олади, у бевафоликни қоралайди, оилани ҳалокатга олиб борадиган нарса, ўша бевафолик, дея таъкидлайди. Ибн Сино киши доимо эркин ва озод ҳаракат қилиши лозимлиги, хатти-ҳаракатлари учун инсонга масъулият, бурч юклатилган, деб айтади. Ибн Сино бола тарбиясига оид ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирар экан, бола тарбиясини унга исм қўйишдан бошлашни лозим топади ҳамда болаларга яхши, муносиб исм танлашни ота-онанинг даслабки олижаноб вазифаларидан ҳисобланиб, оилада, жамиятда ўз ўрнини топишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Адабиётлар:

1. И.А. Жабборов “Замонавий таълим/Современное образование” 2019, 3(76), 76-б.

МУТАФАККИР ОЛИМ АБУ АЛИ ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕЪРОСИДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Болтаева Б.Х., Султонова Л.Б.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: barnoxomidjonovna@mail.ru*

Тарихий илдизлари уч минг йилдан кўпроқ қадимиятга бориб тақалувчи ўзбек давлатчилиги кўп маротаба юксалишлар ва эврилишлар даврини бошдан кечириб ўтган. Ўз даврида ҳозирги замон илм-фанининг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган аждодларимиз қадим-қадимлардан Ғарб ва Шарқ халқлари яратган тафаккур, ғоя, кашфиётлар ва донишмандлик синчиклаб ўрганилган. Шу сабабли ҳам ўрта асрларда Ғарбда “Нур Шарқдан таралади” деган ибора ишлатилгандир.

Араблар босқинидан кейин Ўрта Осиёлик олимлар Александрия кутубхоналарида сақланаётган тиббиётга оид китоблар билан таниша бошладилар ҳамда уларни араб тилига таржима қилдилар. Ушбу имкониятдан фойдаланган олимлар орасидан тиббиёт соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган Абу Мансур Ҳасан ибн Нух ал-Қамарий, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Ҳасан Алқуттоний Марвазий, Ҳаким Азракӣ, Бадруддин Муҳаммад ибн Баҳром Қалонасий каби табиблар етишиб чиқдилар.

Абу Али ибн Сино дунёқарашини Форобий асарлари таъсирида шаклланди, у ижтимоий-фалсафий масалаларда Форобий қарашларини давом эттириб, илгор фалсафий оқимни янги табиий-илмий фикрлар билан бойитиб системалаштирди ва янги босқичга кўтариб чиқди. Ибн Синонинг таъкидлашича, фалсафанинг вазифасига мавжудотни-барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтишини ҳар томонлама текшириш учун зарурият, имконият, воқелик, сабабият принципларини асос қилиб олади. Оламда мавжуд барча нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд ва имконий вужуд. Яъни, зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали, қудратли, доно Тангридир, қолган ҳамма нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд-Тангридан келиб чиқади. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин-сабаб ва оқибат муносабатидадир, - дейди. Бу жараён эманация тарзида, яъни куёшдан чиқаётган нур шаклида аста-секин амалга ошиб боради. Ушбу тартибда имконият шаклидаги мавжуд бўлган ақл, жон ва жисм, улар билан боғлиқ ҳолда осмон сфералари келиб чиқади, мавжуд нарсаларга айланиб кетади. Булар ҳаммаси субстанциядир. Булардан ташқари борликда акциденция -нарсаларнинг белгилари, ранг, ҳажми, ҳиди ва бошқа ҳислари ҳам мавжуддир. Жисм шакл ва моддадан ташкил топади, Худо абадий, унинг оқибати бўлмиш материя ҳам абадийдир. Унинг ўзи бошқа конкрет жисмларнинг асосидир, нарсаларнинг конкрет кўринишлари, шакллари ўзгаради, лекин уларнинг моддий асоси йўқолиб кетмайди. Материя доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан аввал мавжуд бўлиб, бу нарсалар уларни ташкил этувчи материяга муҳтож бўлади. Материянинг энг содда, бўлақларга бўлинмайдиган шакли тўрт унсур: ҳаво, олов, сув, тупроқдан иборатдир. Уларнинг турлича ўзаро бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади ҳамда мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг моддий асоси бўлган тўрт унсур йўқолмайди, абадий сақланиб қолади. Унинг фикрича, аввал тоғ-тошлар, сўнг ўсимлик дунёси, ҳайвонот ва таракқиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келгандир. Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқланиб, реал ҳодисаларни чуқур билиш, фан билан шуғулланиш инсонгагина хосдир. Ибн Сино «Рисолатун фи тақсим ал-мавжудот» асаида бутун борликни таркибий қисмларга бўлиб, бирма-бир санади ва уларга таъриф бериб ўтади. Вужуди вожиб, вужуди мумкин, субстанция, акциденция, материя, шакл, ақл, унсур, жисм, кувват, сезиш, минерал, ҳайвон, нутқ, лисон каби категориялар бу рисолада қисқача таърифлаб ўтади. Инсон билимлари нарсаларни билиш ёрдамида вужудга келади ҳамда билиш, ҳиссий билиш ва тушунчалар ёрдамида фикрлашдан ташкил топади. «Сезиш,- деб ёзган у,- бу шундай таъсирки, у ташқи нарсаларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг ҳисларимизда вужудга келиб шаклланади. Ҳис эса моддий образнинг ойнаси бўлиб, моддий шаклларнинг бўйи, эни билан бирга ифодаланганлиги сабабли, уларни инсон моддий асоссиз инъикос эта олмайди ва жисмларни билолмайди». Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойитилади, ривожланади. Ақл эса ҳар қандай билишнинг ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида талқин этилади. «(Ақл) тарозисида ўлчанмаган ҳар қандай билим,- деб ёзади ибн Сино,- чин бўлолмайди, демак, у ҳақиқий билим эмас». Ўрта асрда

Якин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Марказий Осиё фалсафасида ҳам ақл назарияси жуда муҳим ўрин эгаллаб келади.

Абу Али ибн Синони тиббиёт оламида дунёга машҳур қилган асари “Тиб қонунлари” беш томдан иборатдир. Асарнинг қиммати шунчалик юқори бўлганки, XII асрдаёқ кременлик Герард томонидан латин тилига таржима қилиб олган. Европада Авиценна номи билан танилган, ўз фаолиятида 450 дан ортиқ асар ёзган қомусий олим Абу Али ибн Сино таълимотлари ҳам бугун ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Ибн Синонинг илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар унинг асарларини ўқиб, хайратланишган. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” деб аталган фундаментал асари Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида ўқитиб келинади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 14-16 май 2014 й.

ПОЭМА ИБН СИНЫ О МЕДИЦИНЕ: УЧЕНИЕ О МИЗАДЖЕ

Бурнаев Ш.Н., Абдурахимова Д., Олимов Х.К.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: pharma@pharma.uz*

Актуальность: до сих пор в научной медицинской литературе встречается понятие о мизадже, а что это такое и как его понимал сам Ибн Сино почти забыли. Мы решили это вспомнить, обращаясь к его поэме о медицине, где Ибн Сино говорит о разных видах мизаджа.

Цель: показать вклад Ибн Сины в медицину как поэта, ученого и лекаря.

Методы: диалог, объяснение, сравнение.

1. Galskova N. D., Modern methods of teaching foreign languages. M: 2000.
2. Milrud R. P., Maximova I. R., Modern design principles of communicative teaching. // Foreign languages at school, № 4, 2000.
3. Pavlov I. Y., Methodology of teaching foreign languages lectures in English): Review of modern teaching methods - 2nd ed., St. Petersburg. Univ., 2003.

ИБН СИНО ДАҲОСИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Қодиров А.К.

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
e-mail: uzmtdp@exat.uz*

Абу Али Ибн Сино инсоният тарихида ёрқин из қолдирган даҳолардан бири. Унинг илмий меросидан инсоният асрлар давомида фойдаланиб келмоқда ва бу жараён давом этмоқда. Таъкидлаш лозимки, Ибн Сино тиббиёт оламида бурилиш ясаган шифокор, табобат илмининг нуқтадониди, доно файласуф, буюк математик, руҳшунос, мусикачи, беназир шоир сифатида фаннинг роппа-роса 29 та соҳасининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Ибн Сино Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатганлиги боис, ўз даврида “Шайх ур-раис”, “Олимлар бошлиғи”, “Табиблар подшоҳи” каби юксак мақомларга сазовор бўлган. Унинг доривор ўсимликлар ҳақида тўплаган бой тажрибаси замонавий фармацевтика-дори тайёрлаш, сақлаш ва беморларга бериш ҳақидаги амалий фанлар мажмуаси яратилишига асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ибн Сино ботаника масалалари билан ҳам жуда кўп шуғулланди, чунки табобатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг аксарияти ўсимликлардан олинади. У “Китоб аш-шифо” нинг “анна-бот” (“Ўсимликлар”) қисмида ўсимликларнинг турлари, пайдо бўлиши, озикланиши, ўсимлик аъзолари ва уларнинг вазифалари, кўпайиши ҳамда ўсиш шароитлари ҳақида ёзади, илмий терминология яратиш соҳасида ҳам иш олиб боради.

Ибн Синонинг доришуносликдаги тадқиқотларининг амалий аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш лозим. У ўзининг бу соҳасидаги ишлари билан Антик олимларнинг фармацияси асосида мусулмон Шарқида пайдо бўлган янги фармациянинг шаклланишига яқун ясади. Табобатда сано, кофур (камфара), ровоч, тамрхиндий (хинд хурмоси) каби дориларнинг ишлатилиши, асал ўрнида кўп дориларнинг қанд (шакар) асосида тайёрланиши ҳам Ибн Синонинг хизмати дор.

Унинг доривор ўсимликларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш усуллари ҳозирги доришуносликдаги усулларга жуда яқиндир. Табиий дорилар билан бир каторда Ибн Сино биринчилардан бўлиб кимёвий усулда тайёрланган дориларни ҳам ишлатган. Касалликнинг турига қараб аввал содда, сўнг мураккаб таркибли дори билан даволаган. У озик-овқатларнинг шифобахш таъсирига катта аҳамият берган. Даволашни шундай маҳсулотлардан (мева, сабзавот, сут, гўшт ва ҳақозо) бошлаган. Дори тайинлашда беморнинг мижози (иссиқ, совуқ, хўл, қуруқ), ёши, иқлим шароитини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди. Ибн Сино фармацияси жуда пухта ўйланган фармакологик тадқиқот усулига асосланганлиги боис ўрта аср Европа фармациясидан анча ўзиб кетди ва замонавий доришуносликка яқинлашди. Олим ишлатган дориларнинг бир қанчаси ҳозирги фармакопейалардан мустаҳкам ўрин олган.

Диний ва дунёвий илмлар ривожининг йирик намояндаси сифатида Ибн Сино ҳақиқий ахлоқий фазилятларга ва идеал жамиятга эришиш мумкинлигини ўз қарашларида эътироф этади. Жамиятда инсонлар ўзаро, бир қарашда оддий кўринган қоида, бир-бирига ёрдам бериш асосида яшашлари кераклигини уқтиради ва ўзи шу ғояга содиқ иш юритади. Ибрат кўрсатади. Бу каби хусусиятларга эга бўлиш, албатта, инсонларнинг соғлиги ва саломатлиги билан шуғулланишни ўзининг ҳаётий фаолияти сифатида қабул қилган доришунослар учун ҳам муҳим эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Эътироф этиш зарурки, бу тинчлик осойишталикни таъминлаш, халқнинг фаровонлиги йў-

лида ҳаракат қилаётган жамиятлар учун ниҳоятда зарур. Яна бир муҳим жиҳат, унинг қарашлари ёшларни шу руҳда тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади. У ўзининг ахлоқ тўғрисидаги асарларида, хусусан, “Ақсом ал-улум алақлия” (“Ақлий илмлар таснифи”)да инсонларнинг кундалик ишларидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга яъни, камтарлик, иззат-хурмат, жасурлик, тўғрилиқ, софдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини маъқуллайди. Тарбиянинг асоси бўлган ушбу инсоний фазилатларни айни кунда мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимига “Тарбия фани”ни жорий этиш орқали киритилганлиги барчамизнинг ютуғимиз сифатида баҳоланиши тўғри бўлади.

Ушба масалада ташаббус кўрсатган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси учун юқоридаги мулоҳазалар ниҳоятда қадрли. Қадриятларни, анъаналарни, тарихимизни, буюк маънавий ва моддий, маданий меросимизни асрашда консерватив, бироқ жамиятда ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммоларни бартараф этишда либерал ёндашувга эга сиёсий партия чорак асрдан бери Ибн Синодек алломанинг илмий меросини кенг татқиқ этиш, ёшларни унинг ибратли ҳаёти руҳида тарбиялаш борасида ўз олдида аниқ мақсадларни қўйиб олган.

Партия халқ таъбири соҳасида ечимини кутаётган масалаларни ўзининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди Дастирининг алоҳида бандида “Халқ таъбирини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уни замонавий тиббиёт даражасига етказишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Халқ таъбири тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистонда халқ таъбирини ривожлантириш Концепциясини яратиш бўйича муҳим вазифаларни киритган ва бу борада ҳамкорлар билан биргаликда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Дунё тан олган олим ўқувчилик даврини эсга олиб “Мен савол берувчиларнинг энг яхшиси эдим”, деган экан. Бу сўзлар мени ҳануз ўзи устимда ишлашга руҳлантиради.

Дарҳақиқат, миллий маънавиятни аждоқларимизнинг бой маънавий мероси негизида юксалтириш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлини, жамият ривожини ҳақиқат қарашларини ёшларимизга сингдириш улар тарбиясида муҳим ўрин тутди. Зеро, билмаганимиз сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

IBN SINO ILMIY MEROSINING TIBBIYOT SOHASI RIVOJLANISHIDA QO'SHGAN XISSASI

Qodirova N.T., Yalg'asheva Sh.O', Samig'ova N.H.

*Toshkent farmasevtika instituti
e-mail: nazokat_farmi@mail.ru*

Ilmiy ishning dolzarbligi: Hozirgi kunda buyuk ajdodlarimizning buyuk ishlari, ilmiy faoliyati va boy merosini chuqur o'rganish, ulardan xalqimizni bahramand etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'rta asrlarda yashab o'tgan, ilm-fanning barcha yo'nalishlari, xususan, tabobat nazariyasi va amaliyoti rivojiga yuksak ulush qo'shgan Abu Ali ibn Sino ana shunday ajdodlarimizdan biridir. Bu yil uning tavalludiga 1041 yil to'ladi. Shu munosabat bilan buyuk allomaning ilmiy va ijodiy merosini keng tadqiq qilish, asarlaridan xalqimizni yanada kengroq bahramand etish borasida ishlar olib borilmoqda. Darhaqiqat, Ibn Sino o'z davrida ilm-fanning deyarli barcha sohasida chuqur iz qoldirgan qomusiy olimdir. Uning falsafa, mantiq, tibbiyot, kimyo, fizika, astronomiya, matematika, musiqa, adabiyot, tilshunoslik va boshqa sohalarga bag'ishlangan 450 dan ortiq asar yaratgani haqida ma'lumotlar mavjud bo'lib, bulardan butun dunyo mamlakatlari olimlari tibbiyot sohasida keng foydalanib kelmoqdalar. Ibn Sinoning bizgacha 242 asari yetib kelgan.

Maqsadi: Ibn Sino shug'ullangan ilmlar doirasi nechog'li keng, tadqiqot darajasi chuqur bo'lmasin, allomaning nomi avvalo buyuk tabib sifatida tilga olinadi. «Tib qonunlari» haqida gap borar ekan, ko'pchilikni uning qachon yozilgani qiziqtirishi tabiiy. Muallifning o'zi bu haqda biror ma'lumot qoldirmagan. Ammo olim bilan 25 yil hamkorlikda ishlagan shogirdi va do'sti Abu Ubayd Juzjoniyning guvohlik berishicha, Ibn Sino «Tib qonunlari»ning birinchi kitobini 1012 yilda yozishga kirishgan. Albatta, bunday katta qomusiy asarni yozishga olim oldindan tayyorgarlik ko'rgan, yillar mobaynida material yig'ib yurgan.

Shu taxlit asar 1012-1024 yillar mobaynida yozilgan. Kitobning xattotlar tomonidan ko'chirilgan nusxalari tezlik bilan tarqaladi va ko'plab tibbiy asarlarni siqib chiqara boshlaydi. Chunki bu asar o'z davridagi tabobat fanining mufassal qomusi bo'lib, unda kasalliklar va inson salomatligi bilan bog'liq barcha masalalar mantiqiy tartibda to'liq bayon etilgan. Kitob Sharq mamlakatlarida shu qadar yuksak shuhrat qozonadiki, tabobat ilmini usiz tasavvur qilib bo'lmaydi. O'nlab yirik olimlar va tabiblar kitobga sharh yozgan, ba'zilar uni qisqartirib, "Qonuncha" nomi ostida kichik qo'llanmalar tuzgan. Tarixdan ma'lumki, XII asrdan boshlab Yevropada Sharq fani, adabiyoti va madaniyatiga qiziqish kuchayadi. "Tib qonunlari" lotin tiliga tarjima qilinib, tibbiyot amaliyotiga joriy etiladi. XV asrda kitob bosish ixtiro qilingach, ushbu manba dastlabki nashrlar qatorida chop etiladi va Yevropaning yetakchi universitetlarida qariyb 500 yil davomida tibbiyot ilmi aynan shu asar asosida o'qitib kelingan.

Ibn Sino merosining bu qadar keng ommalashishining mohiyati shundan iboratki, u o'zidan oldin o'tgan barcha olimlarning ilmiy faktlari va mulohazalarini izchillik bilan bir tizimga solgan va bu merosni o'zining puxta kuzatishlari, amaliyotda qozongan yutuqlari bilan boyitgan. Ulug' hakim tib nazariyasi, xususan, anatomiyaning mukammal bilimdonidir. Uning ba'zi kasalliklarga tashxis qo'yish usullari hozir ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Masalan, a'zoga urish orqali tashxis qo'yish usuli bugungi kunda fanda perkussiya deyiladi. Tabobat tarixida birinchi bo'lib Ibn Sino vabo bilan o'latni farqlagan, yuqumli kasalliklarga chalingan bemorlarni boshqalardan ajratish g'oyasini ilgari surgan.

Usul va uslublar: Jarrohlik sohasini rivojlantirishda ham Ibn Sinoning ulkan xizmatlari bor. Yelka suyagining chiqishini oddiy bosish bilan davolash usuli hozirgacha "Avitsenna usuli" deb ataladi. Alloma umurtqaning qiyshayishini o'zi ixtiro etgan yog'och moslama yordamida tuzatgan. Bu usulni XV asrda fransuz tabibi Kalo qayta kashf etgan. Suyakni gipslash usuli ham Ibn Sino tomonidan keng qo'llangan, lekin u keyinchalik unutilib, yevropalik tabiblar tomonidan 1852 yilda amaliyotga yangi ixtiro sifatida qaytarilgan. Alloma ba'zan bir kasallik ikkinchi kasallikni keltirib chiqarishga sabab bo'lishini ham tushuntirib berdi. U hatto kasallikning yuz berishi kasallikning sababi ham bo'la oladi. Masalan, kuchli og'riq hushdan ketishga sabab bo'ladi, qattiq og'riq - og'riq sohasida shishning hosil bo'lishiga sabab bo'ladi. Ba'zan xastalikning yuz berishi o'z-o'zidan kasallikka aylanadi, isitmadan paydo bo'lgan bosh og'rig'i kabi, bu ko'pincha o'rnatilgan mustahkam bo'lib oladi, hatto kasallikka aylanib ketishini aniq dalillar asosida isbotlab bergan.

Natijalar: Abu Ali ibn Sino ta'limotiga asosan xastaliklar, ularning kelib chiqish asosiy sabablari ham ko'rsatib berilgan. Ekologiya, ya'ni organizm bilan tashqi muhit o'rtasidagi munosabat haqidagi fanining yuzaga kelishini va «Ekologiya» («oikos» - yunoncha xonadon, yashash joyi, «logos» - fan) iborasining qo'llanilishi XIX asrda yashab o'tgan nemis tabiatshunos olimi Ernest Gekkel' (1834-1919 y) nomi bilan bog'liq va u ekologiya fanining otasi deb hisoblanadi. Vaholanki, biz "ekologiya fanining otasi" degan ibora aynan Gekkelga mansub ekanligiga haqli ravishda e'tiroz bildirishimiz mumkin. Gap shundaki, bundan qariyb 1000 yil avval tibbiyot dahosi Abu Ali ibn Sino hozirda «Ekologiya» deb yuritilayotgan ta'limotga asos solgan edi. Bobimiz atrof-muhilning deyarli barcha omillari ularga insonning, jonzotlarning ta'siri va nihoyat bu omillarning inson va jonzotlarga aks ta'siri to'g'risidagi mashhur iboralarni yozib qoldirganlar. «Chang bo'lmaganda inson 1000 yil yashagan bo'lar edi», yoki «Havo toki muvozanatlangan va toza bo'lsa. unga (pnevma) begona qo'shimchalar qo'shilmasa, u salomatlik garovi bo'ladi, aks holda turli kasalliklarga sabab bo'ladi», kabi ekologiyaga oid iboralarning muallifi aynan Abu Ali ibn Sino bobomizdir! Sabab - bu oldin paydo bo'ladigan va odam gavdasida qandaydir bir holatni keltirib chiqaruvchi yoki bu holatni turg'unligicha saqlab turuvchidir.

Xulosa: Bir so'z bilan aytganda, Ibn Sino insonning eng bebaho boyligi bo'lgan salomatlikni asrash uchun qat'iy kurashgan qomusiy olim, haqiqiy fidoyilardan biri bulgan va u o'z davrida bu ishlarni amalda qo'llab insonlarni davolagan.

Adabiyotlar:

1. Nurboyev F.E. "Ibn Sino ta'limoti" o'quv qo'llanma. "Tib-kitob" nashriyoti. T-2010 yil.
2. Abu Ali ibn Sino "Tib qonunlari 1-5" kitoblar Toshkent. - 1980 yil.
3. Madraximov A.S. "Ibn Sino shifobaxsh o'simliklar haqida" "Mehnat" nashriyoti. T-1990 yil.

ИБН СИНО МАЪНАВИЯТИ

Қўнғиров И.Х.

Тошкент фармацевтика институту
e-mail: qo'ng'irov.ibodulla@mail.ru

Долзарблиги: Бутун инсоният Абу Али ибн Синони (980 – 1037) Шарқ илк Уйғониш даврининг буюк тафаккур титани, йирик файласуф олими, дунёга донғи кетган табиатшунос, математик, хукукшунос, сиёсатшунос, ахлоқшунос олим ва буюк шоир сифатида тан олади.

Ибн Сино юксак маънавиятли инсон бўлганлиги билан, уша даврда яшаб ўтган қомусий олимлардан ажралиб туради. Шарқда «Шайх ур-раис», яъни «Донишмандлар раиси», Ғарбда эса “Авиценна” номлари билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топади. Аллома илмнинг ўша замондаги деярли барча соҳаларида улкан муваффақиятларга эришади ҳамда авлодлар учун ажойиб қомусий асарлар ёзиб қолдирди. 57 йиллик умрининг кўп вақти қувғинда, дарбадарликда, тазйиқда, зиндон азоб-уқубатларию ўлим хавфи остида ўтган бўлса-да, илм-фанининг хилма-хил соҳаларига оид 450 дан ортиқ асар ёзди. «Донишнома» («Билим китоби») номли машҳур фалсафий китоби эса беш хил илмни – мантик, тиббиёт, илми нужум, мусика ва илоҳиётни ўз ичига олади.

Мақсад: Олим илмга ва билимдонларга ихлос-эътиқод билан қарайди, маънавиятли, билимдон кишиларни жасоратли кишилар деб ҳисоблайди, ўз билимини оширишни қаҳрамонлик деб билади. «Кўзи кўрлар қуёшни кўролмагани каби, жоҳиллар ҳам тўғри йўл байроғи (илм)ни кўролмайдилар», – деб ишонган мутафаккир: «Мен илмда энг юқори чўккиларга етаман ё ўлим мени тинчитади», – деб ёзган эди.

Илм туфайли инсон ҳаётда қоқилмайди, хавф-хатарли йўлдан юрмайди. «Маърифатчи (ориф), – дейди улуғ мутафаккир, – ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди? У барча беҳуда нарсаларга ҳирс қўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир, шундай бўлмай ҳам бўлармиди? У ўз нафсонияти билан улуғвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди?» [1]

Усул ва услублар: Абу Али ибн Сино, илм-фан, нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишдан иборатлигини таъкидлаб шундай деган эди: «Билим деб нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир. Бордию бу далиллар очиқ-ойдин бўлсаю, исботлар чинакамига бўлса, у ҳолда бунга ҳикмат – донишмандлик дейилади.» [2].

Буюк мутафаккирнинг «Бурч ҳақида рисола», «Нафсни покиза тутиш ҳақида», «Тиб қонунлари», «Саломон ва Абсол», «Ҳикмат булоқлари» каби асарларида яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, саҳийлик ва баҳиллик, донолик ва жоҳиллик, севги ва нафрат, поклик ва нопоклик, вафодорлик ва бевафолик, камтарлик ва такаббурлик сингари маънавият билан боғлиқ масалаларига кенг ўрин берилган.

Ибн Синонинг «Ҳайб ибн Яҳзон» асарида баён этилишича, очкўзлик, зулм қилиш, алдаш, рашк, ўч олиш, бўҳтон, тухмат – булар ёмон хислатлардир. Уларнинг бари кишини ўз таъсирига тортиб, инсон табиатида бор бўлган яхшилик-эзгуликнинг ривожланиб, қанот ёйишига йўл бермайди, унга халақит бериб, инсоннинг иймон-этиқоди ва дунёқарошига, мафкураси ва маслагига зид қусурларга майлини орттиради-дея, одамларни маънавиятли бўлишга чақиради. [3].

Натижа: Абу Али ибн Синонинг аксарият асарларида инсонларнинг бир-бирлари билан дўст-биродар бўлиб яшаш, дўстликнинг қадрига етиш ҳақидаги маънавият билан боғлиқ, эзгу ғоялар ўзининг чуқур илмий ифодасини топган. У ҳақиқий дўст ўз дўстини ҳеч вақт кулфатда қолдирмайди, ҳаётда бирор қийинчиликка учраб қолса ҳаммиша ёрдамлашади, яқиндан ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Ҳақиқий дўстликнинг қаромати улқандир, киши дўстлик билан юксалади, куч бирликдадир, яхши дўст дўстнинг ойнасидир, дейди.

Алломанинг таъкидлашича, Дўстлик инсоннинг шундай бир ҳолатидирки, бунда яхшиликни ўзи учун истамайди, биров учунгина истайди, холос. Шу ҳолатда кишида бошқага нисбатан яхшилик қилишга чақирувчи хусусият пайдо бўлади. Дўст бу – яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандчилигига, қайғу ва шодлигига шерик бўлади. «Эҳ, қани энди сенга қўнғида кири йўқ холис дўст топила қолса – деб, ёзган эди Ибн Сино «Рисолату тайр» асарида. – Агар ҳожат тақозосига қа-

раб, худди савдогарчиликка ўхшатиб, дўстга мурожаат қилинса, сўнг хожат тугагач, у дўст назардан ташланса, у қандай дўст бўлди энди!?!...

Дўст ўзига ёмон ҳодиса юз бергандан бошқа вақтда дўстини ҳеч зиёрат қилмаса, зарур бўлиб қолганда эслашдан бошқа ҳеч эсламаса, у қандай холис дўст бўлди энди?!» [4]- деб, одамларни юксак маънавиятга асосланган инсоний фазилатларга эга бўлишга чақиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк ватандошимиз ўз замонасида инсонлар қалбида, маънавият машъалини ёқиб, кишилар онгини ёритди, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маърифатпарварлик ғояларини тинмай тарғибот-ташвиқот қилади. Ибн Сино юксак маънавияти туфайли. Илм фан осмонида сўнмас юлдузга айланади. Қисқа қилиб айтганда, Ибн Сино ўз асарлар орқали одамларнинг йўлини ёритиб, уларни маънавиятли бўлишга даъват этганлиги учун ҳам бутун башарият қалбида мангу яшаб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Ҳикматларга тўла бу дунё. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Ирисов А.- Т.: «Ўқитувчи», 1997, 35-бет.
2. Ирисов А. Ибн Сино – Ўзбек педагогикаси антологияси.- Т.: «Ўқитувчи», 1995, 137-бет.
3. Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг «Саломон ва Абсол» қиссаси.-Т.: «Ўқитувчи», 1996, 24-бет.
4. Ҳикматларга тўла бу дунё. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Ирисов А.- Т.: Ўқитувчи, 1997, 40-41-бетлар.

РОЛЬ ИБН-СИНЫ В РАЗВИТИИ МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ И ФАРМАЦИИ

Қысмуратова Ж.Т.

*АО «Южно-Казахстанская медицинская академия», г. Шымкент, Республика Казахстан
e-mail: jumagul.74@mail.ru*

Высшего развития наука Средневекового Востока достигла в творчестве Ибн-Сины, который внес неопределимый вклад в развитие медицины не только своего времени, но и оказал значительное влияние на развитие медицины в Западной Европе.

Абу Али Хусейн ибн Абдаллах ибн Сина – крупнейший врач средневековья и один из наиболее выдающихся врачей мировой истории. В своей автобиографии великий ученый писал: «Затем я пристрастился к науке врачевания и стал читать книги, посвященные ей. А медицинская наука не из трудных наук, и, конечно, я преуспел в ней в кратчайшее время так, что известные врачи того времени стали приходить ко мне за советом. Посещал я и больных, и в результате достигнутого мною опыта открылись передо мной такие врата исцеления, что это не поддается описанию. А было мне в это время 16 лет».

Ибн-Сина оставил многочисленные труды по разнообразным отраслям знания: философии, математике, физике, астрономии, химии, но мировую славу ученому принесло его главное медицинское сочинение «Канон врачебной науки», законченное автором около 1020 г.

«Канон врачебной науки» – одно из самых известных энциклопедических сочинений, где дано описание свыше 800 лекарственных веществ растительного, животного и минерального происхождения с указанием их лечебных свойств и способов применения. Помимо лекарственных средств, производившихся в Средней Азии и других странах Ближнего и Среднего Востока, автор указывает немало лекарств, привозимых из Индии, Китая, Греции, Африки, островов Средиземного моря и других районов земного шара. Многие из них стали известны прямо или косвенно средневековой Европе по сочинениям Ибн-Сины, что само по себе характеризует значение «Канона» в истории лекарствоведения. Многие лекарства, предложенные Ибн-Синоу, прочно вошли в фармакопею и применяются по сегодняшний день.

Описывая целебные средства, ученый внимательно изучает их действие на организм, дает правила внешнего применения, практически обосновывает необходимость их применения, останавливается на действии различных противоядий.

В этом труде Ибн-Сина предположил, что заболевания могут вызываться какими-то мельчай-

шими существами. Он первый обратил внимание на заразность оспы, определил различие между холерой и чумой, описал проказу, отделив её от других болезней, изучил ряд других заболеваний.

Труд Ибн-Сины способствовал быстрому расцвету медицины XVI-XVII веков и был переведен с арабского языка на латинский, разошелся в многочисленных арабских, еврейских и латинских копиях по всей Европе и, когда появилось книгопечатание, был напечатан в Европе более 30 раз.

Кроме «Канона врачебной науки» («Китаб ал-Канун фи-т-тибб») Ибн-Сина посвятил свою жизнь для создания ещё ряда научных работ по медицине:

- «Лекарственные средства» («Ал-Адвият ал калбия»), где подробно приведены роль сердца в возникновении и проявлении пневмы, особенности диагностики и лечения заболеваний сердца;
- «Удаление вреда от разных манипуляций посредством исправлений и предупреждений ошибок» («Дафъ ал-мазорр ал куллия ан ал-абдон ал инсония би-тадорик анвоъ хато ан-тадбир»);
- «О пользе и вреде вина» («Сиёсат ал-бадан ва фазоил аш-шароб ва манофиъих ва мазорих»);
- «Поэма о медицине» («Урджуса фит-тиб»);
- «Трактат о пульсе» («Рисолайи набзийа»);
- «Мероприятия для путешественников» («Фи тадбир ал-мусофирин»);
- «Трактат о сексуальной силе» («Рисола фил-л-бох»), где описаны диагностика, профилактика и лечение сексуальных нарушений;
- «Трактат об уксусомёде» («Рисола фи-с-сиканджубин»), где великий ученый описал приготовление и лечебное применение различных по составу смесей уксуса и мёда;
- «Трактат о цикории» («Рисола фил-хиндабо»);
- «Кровеносные сосуды для кровопускания» («Рисола фил-урук ал-мафсуда»).

Проанализировав жизнь и труды Ибн-Сины, с полным основанием можно считать, что Ибн-Сина оказал на развитие медицины и фармации на Западе и Востоке в средние века большое и продолжительное влияние.

Литература:

1. Ибн Сина (Авиценна). Избранные философские произведения. М: Наука, 1980.
2. Медицина в жизни Абу Али ибн Сины/Ф.И. Фатыхова, Л.С. Худайбердиева, Н.А. Маматова [и др.]. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 3 (83). – С.976-978.
3. Хусейнов К., Рахманкулов Д.Л., Кимсанов Б.Х. Воззрение Авиценны на приготовление фармацевтических средств. Проблемы строительного комплекса России: Мат. VII Между-нар. науч.-техн. конф. – Уфа: Изд-во УГНТУ, 2003. - С. 324.

ИНТЕРЕСНЫЕ ФАКТЫ О ВЫДАЮЩЕМСЯ ТРУДЕ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ «КАНОН ВРАЧЕБНОЙ НАУКИ»

Махмудбекова Г.У.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: pharmi@pharmi.uz*

Актуальность: Ибн Сина является величайшей фигурой в мировой истории, и его творчеству посвящены сотни фундаментальных научных исследований, статей. Настоящая статья посвящена анализу монументального труда «Канон врачебной науки».

Цель: данная работа имеет своей целью изучение интересных сведений труда Авиценны.

Медицина и фармацевтика являются древнейшими науками и, фактически произошли с возникновением человечества. Одновременно с развитием общества совершенствовались способы и методы лечения различных болезней, определение, нахождение и приготовление лекарственных средств, которые первоначально излагались в устной форме, а затем письменно.

Древняя восточная медицина считается одной из богатейших и древнейших составляющих мировой медицины и занимает достойное место в сокровищнице мировой цивилизации благодаря выдающимся трудам Абу Али ибн Сина или Авиценна. Гениальный представитель эпохи Возрождения Микеланджело писал: «Лучше ошибаться, поддерживая Галена и Авиценну, чем быть правым,

поддерживая других».

Авиценна оставил многочисленные труды по самым разнообразным отраслям знаний: по философии, математике, физике, астрономии, химии. Но самыми значительными были его работы в области медицины и лекарствоведения, прежде всего, получивший мировую известность «Канон врачебной науки». Этот труд в течение многих веков служил руководством при изучении медицины не только в странах Востока – в арабском варианте, но и в латинском переводе во всех западноевропейских университетах.

Более тысячи лет назад, когда ещё отсутствовало какое-либо понятие об инфекции великий учёный Ибн Сина в «Каноне» с большой точностью описал клинику, течение, распознавание, лечение и профилактику ряда инфекционных заболеваний. Представленные в труде данные об инфекционных заболеваниях, составленные на основе многолетнего личного опыта ученого и огромного фактического материала, остаются поныне уникальным описанием этих болезней и имеют определенное значение в практической медицине.

Также в трудах Авиценны представлены вопросы развития, воспитания и лечения детей, что позволило историкам медицины считать его одним из основоположников педиатрии. В «Каноне врачебной науки» говорится о необходимости всестороннего воспитания ребёнка, чтобы из него вырос добрый, умный, умелый и физически здоровый человек.

Авиценна представил возрастную периодизацию человеческой жизни. Был выделен возраст роста или юности – до 30 лет, который он также разделил на 3 этапа. Воспитанию здорового ребёнка Авиценна посвящал особые главы «Канона»: «О режиме ребенка с момента его рождения и до того, как он встанет на ноги», «О режиме кормления грудью и отнятии от груди», «О заболеваниях грудных детей и их лечении». Многие суждения поражают своей глубиной, а разумные советы не утратили актуальности.

Описывая вскармливания новорождённых, Авиценна подчеркивал преимущество грудного молока: оно походит на ту пищу, которую ребёнок получил внутриутробно. Писал он и о том, что «практикой установлено предотвращение различных страданий у ребенка при сосании соска матери». Естественным периодом кормления в «Каноне» назван срок 2 года. Эти воззрения великого врача нашли отражение в трудах российских и белорусских педиатров А.Ф. Тура, Г.Н. Сперанского, И.В. Коршун.

Хотя медицина того времени была ещё далека от асептики и антисептики, выдающиеся врачи уже тогда искали средства, которые способствовали бы заживлению ран. Не имея понятия о мире микробов, Авиценна при лечении ран использовал вино, считая его достаточно эффективным дезинфицирующим средством.

Ибн Сина требовал производить предварительную проверку действия лекарств на больных животных и только после этого давать больному человеку.

Успех «Канона врачебной науки» был вызван ясностью, убедительностью, простотой описания клинической картины болезней, Точностью терапевтических и диетических предписаний. Завершенность и логичность выводов и умозаключений Авиценны – великого мыслителя, ученого, гуманиста – сделали его учителем для всех последующих поколений.

Мысли и идеи Авиценны продолжают служить современности, помогают глубже и шире изучать мир. Его учение вечно, имя – бессмертно!

Литература:

1. Л.А. Гравченко, Л.Н. Геллер «История фармации». Иркутск, 2014 г.
2. Вестник Авиценны. Том 19, № 3 2017 г. Душанбе.
3. Петров Б.Д. Абу Али ибн Сина. М. 1998 г.

«ЕСЛИ БЫ НЕ БЫЛО ПЫЛИ И ПЕЧАЛИ – ЧЕЛОВЕК ЖИЛ БЫ ТЫСЯЧА ЛЕТ»

Османова М.С.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: tuychieva_saodat@mail.ru*

Актуальность темы. Абу Али Ибн Сина является одним из великих мыслителей, которые оставили отпечаток в истории мировой науки. Абу Али Ибн Сина называют самым великим врачом в истории человечества. Он- гений, который принадлежит всему миру. Он был талантлив, имел сильную память и острый ум, поэтому он быстро овладел столь важными науками, как медицина, математика, логика, философия.

Цель. Всему миру известно, что Ибн Сина помимо изучения работ восточных мыслителей, усердно изучал природное и философское наследие древней Греции, в частности прозвирания Аристотеля, Евклида, Галена, Гиппократ, Пифагора. К. Галена считал своим учителем. В 16-17 лет он становится известным врачом. Он выдвигает гипотезу, что существуют мельчайшие живые организмы в воздухе, входящие в состав нашего тела и пневмы, они могут вызвать такие опасные заболевания, как воспаление легких, туберкулёз, чахотка. В своих медицинских трудах он описывает влияние на тело человека окружающего воздуха. Воздух есть элемент, входящий в состав нашего тела, нашей пневмы. Через воздух человек может быть заражён инфекционными заболеваниями.

Итоги исследования: В век стремительного развития современной медицины и внедрению новых технологий лечения, потребность в наследии Абу Али Ибн Сины не уменьшилась. Ученые-медики всего мира еще и еще раз обращаются к фундаментальному труду ученого “Канон врачебной науки”. Это произведение изучают и студенты Ташкентского фармацевтического института на занятиях по русскому языку. Необходимо отметить то, что студентам очень интересно познавать свою профессию через изучение жизни и наследия великих предков. При этом мы стараемся использовать педагогические технологии, которые дают возможность студентам быстро запомнить материал. “Карта разума” - интерактивный метод, который даёт возможность студентам, прочитав текст «Канон врачебной науки», поэтапно проанализировать по частям. Особое внимание при этом уделяется второй и первой книге, где описываются использование лекарств растительного, животного и минерального происхождения. В итоге занятия каждый студент делает вывод, что эта книга должна быть настольной.

Литература:

1. Ибн Сина / Б.Я. Шидфар. – М.: Наука, 1981. – 184 с.: мягк. – (Писатели и ученые Востока).

АБУ-АЛИ ХУСЕЙН ИБН АБДУЛЛАХ ИБН СИНА

Рахимова Д.О., Рахимов Б.С., Сидаметова З.Э., Хасанова Б.Ж.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: pharmi @pharmi.uz*

В одном из своих стихотворений Авиценна написал такие строки [3]:

“Всему живому свой отпущен век,
– Имеет время жизни человек”.

В историю он вошел под именем Авиценны. Родился Авиценна в поселении Аршан близ Бухары в 980 году, а с 985 года его отец Абдуллах ибн Хасан и мать Ситара переехали со всей семьей в Бухару – столицу богатого Саманидского государства, где отец получил работу сборщика налогов.

Авиценна при рождении был назван Хусейном. С младенческих лет он проявлял недюжинные способности и тягу к знаниям. Обладая исключительной памятью, он к 10 годам наизусть выучил Коран – священную книгу мусульман. Уже в 15-летнем возрасте Хусейн (будущий Авиценна) ознакомился со знаменитой книгой Аристотеля “Метаморфозы” и комментариями к ней выдающегося средневекового мыслителя Абу Насра Фараби. Изучал он также сочинения Платона, познав систему

мироздания (астрономию), а также геометрию и музыкальное искусство. Вслед за этим он увлекся трудами Гиппократов, Галена и восточных врачей – Ар-Ризи и Ибн-Аббаса, после чего твердо решил стать врачом, овладеть наукой врачевания, поступив на учебу к известному в Бухаре лекарю Камари.

Известно, что Авиценной написано около 400 научных трудов, из которых дошли до наших дней – 300. Главная книга Авиценны “Канон врачебной науки” уже в XII веке была переведена на латинский язык, а после изобретения книгопечатания стала одной из первых опубликованных печатных книг в Европе, будучи изданной в Милане в 1473 году, а затем и в Азии.

Главные научные достижения Авиценны.

1. Говоря о задачах медицины, Авиценна утверждал [3]:

“Здоровье сохранять – задача медицины,
Болезней суть понять и устранять причины”.

2. Авиценна считал, что для занятий медициной человек должен располагать особыми качествами:

“Врач должен обладать глазами сокола, руками девушки, мудростью змеи и сердцем льва” [1].

3. О здоровье человека:

“Когда изъянов тело лишено.
И каждый орган полон совершенства,
Для человека жизнь – одно блаженство.
Но если в организме есть разлад,
Несчастный свету божьему не рад”.

4. О причинах болезней:

“В ряду причин – огонь душевных мук,
Тяжелый труд, усталость ног и рук,
Гнев и обида, нагноенье, голод.
Закупоривший поры кожи холод”.

5. О клинических симптомах:

“Кто мудрость врачевания постиг,
Симптомов может понимать язык”.
“В определенный час осмотром тела
Симптомы устанавливают смело”.
“Врач смотрит, слушает и обоняет,
Наощупь познает недугов ряд,
Как, например, при ране инфильтрат”.
“Познай, что есть, и предскажи, что будет, –
Врач по симптомам о болезни судит,
Затем из них выводит он причины,
И в том – основа нашей медицины”.
“Нормальны чувства и подвижно тело,
И мозг владеет разумом умело.
Расстройство данных функций подтверждает,
Что болен мозг и ткань его страдает”.
“Пульс равномерный, четкий – вот основа
Того, что сердце молодо, здорово...
По нарушению сердцебиенья
Недуг распознается без сомненья”.
“Щади премного печень. От нее
Всех органов зависит бытие.
Запомни: в ней основа всех основ –
Здоров дух печени – и организм здоров” [3].
“Когда больной лицом от крови пылок,
Пиявки след поставит на затылок.
Он мало пищи должен есть мясной,

Не пить вина ни капельки одной.
А перед сном тепло не укрываться,
И соком розы утром умываться.
Все исключить от гнева до испуга,
И ворот не застегивать свой туго”.

6. О лечении:

“Искореняются симптомы те и эти
Благодаря лекарствам и диете”.
“Питанье – неперменное условие
Того, чтоб было в целости здоровье”.
“Ты пьешь вино, – в нем не ищи забвенья,
Не доводи себя до опьянения.
Коль своему здоровью ты не враг, –
Нельзя пить каждый день и натошак, –
Довольствуйся лишь малым...”
“Спишь очень мало – духу повредишь:
Иссякнут силы, если мало спишь”.

7. О медикаментозной терапии:

“Пить назначает врач обыкновенно
Отвар дымянки, повилики, сенны,
Мироболана черного корой
Целебный насыщает он настой.
Характер всех отваров одинаков –
Очистить желчь они должны от шлаков”.
“Простым лекарством пользуют больного,
Пока оно свое не скажет слово.
А к сложным обращаться не спеши, –
Они тогда лишь только хороши,
Когда болезнь сложна: пои с оглядкой,
Улучь лекарство, пищу сделай сладкой”.
“Когда лекарство пользы не дает –
Усиль его, чтоб был ему проход
К больному органу...
Создай удобство,
Чтоб проглотить лекарство было просто.”

8. О побочном действии лекарств:

“Бывают у лекарств такие свойства,
Которые приносят беспокойство”.
“Будь осторожен: берегись угрозы,
Которую лекарство принесет,
Коль у врача неправильный расчет”.

Авиценна, помимо медицинских книг, оставил крупный след в литературе, написав многочисленные стихи и 9 поэм (урджузы), из которых 8 посвящены медицине (ал-урджуза фи-т-тибб), в том числе самую крупную из них (2052 строки) – “Поэму о медицине”, которая по значению в его научном наследстве стоит на втором месте после “Канона врачебной науки”. Она была переведена на латинский язык еще в XII веке Герардом Кремонским (1114–1187), а затем – на многие европейские языки. Авиценна представил описание 2600 лечебных препаратов [4].

Врач и философ, естествоиспытатель и математик, поэт и литературовед - Авиценна был подлинным энциклопедистом своего времени, оставив человечеству огромное наследие, сохраняющее значение по сей день.

Литература:

1. Авиценна, или Абу-Али Хусейн Ибн Абдаллах Ибн Сина. В кн.: Сухомлинов К. Медики, изменившие мир. М., Эксмо, 2014: 48-55.

2. Авиценна. Канон врачебной науки, кн. 1-2. Ташкент, 1954-1956.
3. Авиценна. Избранное. Поэма о медицине (урджуза). Ташкент, 1981: 39-107.
4. Борисов А.Я. Авиценна, как врач и философ. Известия АН СССР, 1938.

ИБН СИНО ИЖТИМОЙ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Салимсакова Н.С., Хошимова Г.Ф., Хусанбаева Ю.Б.

Тошкент фармацевтика институти
guzalkhasimova@gmail.com

Долзарблиги. Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолни ижтимоий ҳимоя қилиш айниқса пандемия шароитида долзарб бўлди. Ижтимоий ҳимоя масаласи Моварауннаҳр заминидан қадимдан мавжуд бўлган. Буюк мутафаккир Ибн Сино ижтимоий – фалсафий қарашларида ёритилганини кўрсатиш муҳимдир. Ижтимоий ҳимоя масаласи ҳар бир давлатнинг кун тартибидаги асосий масаласи бўлиб келган. Демократик давлатлар ўз фуқароларининг яшаши ва фаолияти учун етарли ижтимоий шароитларни яратиши зарур. Давлатимиз асосий Қомусининг IX бобида: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас [1]. Фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқлари давлат ижтимоий сиёсати орқали рўёбга чиқарилади. Бунда давлат турли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, молиялаштириш нормативларини белгилаш, ижтимоий-иқтисодий андозалар, қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш каби воситалардан кенг фойдаланади. Ҳозирги кунда ижтимоий муҳофаза ижтимоий таъминот, ижтимоий ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш шаклларида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида камбағалликка қарши кураш иқтисодий ривожланиш сиёсатимизда устувор вазифа этиб белгиланди. «Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир», деб таъкидланган эди мурожаатда. Мамлакат аҳолисини Биринчи Президентимиз И.А. Каримов ижтимоий ҳимоя зарурлигини куйидаги фикрларда таъкидлаб ўтганлар “Ижтимоий ҳимоялаш ва уни қафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин”[2].

Буюк мутафаккир Ибн Сино ўзининг ижтимоий қарашларида Форобий ғояларига қўшилган бўлиб, орзудаги фозил жамият тарафдори эдики, унинг бошида маърифатпарвар, одил подшо турар эди. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари лозим эди. Бажарадиган вазифаларига қараб уларни Ибн Сино уч гуруҳга бўлади: маъмурий хизматдагилар, ишлаб чиқарувчилар ва ҳарбийлар. Ибн Сино кишиларнинг ижтимоий ҳолатларидаги фарқларни табиий ҳисоблайди. Агар барча кишилар подшо ёки қарам бўлганларида, улар яшай олмас ва ҳалок бўлган бўлар эдилар, ва агарда ҳамма мулк ва бойлик бўйича тенг ва бир хил бўлганларида, одамларнинг бир қисми бошқаси учун ишламай қўяр ва натижада бир-бирига ёрдам кўрсатиш тўхтаган бўлар эди. Агарда барча кишилар камбағал бўлганларида, у вақтда улар ҳалок бўлган бўлур эдилар. Демак, мулкий ҳолат ва эгаллаб турган мансаб жиҳатдан мавжуд бўлган фарқ муқаррардир. Ибн Сино фикрича кишиларнинг ўзаро муносабатлари асосида қонун ётиши лозим: «Кишилар ўртасида шундай битишув зарурки, унда адолат меъёрлари белгиланган ва шу билан фарқланувчи қонун қабул қилинган бўлиши керакки, уни сўзсиз бажариш қонун чиқарувчи томонидан мажбуриятга айлантирилган бўлсин». Барча аъзолари учун бажарилиши шарт бўлган қонунлар бор бўлган жамиятда, адолатсизлик бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзосининг адолатсизлигини жазолаш лозим. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши кўзғолиш оқланган ва жамият томонидан қўллаб-қувватланган бўлади. Мазкур мулоҳазаларга кўра таъкидлаш керакки, ижтимоий ҳимоя манзилли ва

адолатли бўлиши зарур. Ижтимоий муҳофаза борасидаги давлат дастури мазкур қатлам аъзоларини қисқартириб борилишини асосий тамойил қилиши ва бу борада тинмай фаолият юритиши керак. Ўз меҳнати эвазига даромадларни ортиб бориши унда таълим ва ижтимоий ҳимоя органларининг уйғун фаолият юритишини тақозо қилади. Шунингдек соғлиқни сақлаш тизимини жисмоний маданиятни юксалтириш билан бирга шу мақсад сари интилиши ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қисқартирилишига олиб келади. Давлат зиммасидаги айрим ижтимоий муҳофаза органлари ваколати доирасидаги вазифаларни ташаббускор хусусий ташкилотларга ўтказилиши фуқаролар фаоллигини ошириб боради.

Хулоса. Али ибн Сино фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда ижтимоий муҳофаза давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, ҳозирги кунда давлат дастурлари ижтимоий муҳофазанинг объективлиги ва манзилли бўлишини талаб этади. Унда аҳолининг фаоллиги талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 3/21/671/0093-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. ЎзАА.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996. 119-бет.
4. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. - Тошкент, 2015, 264 б.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФАРМАЦЕВТИК ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Туйчиева С.М., Умурзакова Р.З.

Тошкент фармацевтика институти

e-mail: tuychieva_saodat@mail.ru, rohz.doc1/01@gmail.com

Долзарблиги. Бугунги кунда фармацевтик таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим” деб таъкидлаб ўтганлар. Ушбу сатрларда буюк алломамиз Абу Али ибн Сино номининг тилга олинishi бежиз эмас. Зеро, X-XI асрларда яшаган Бухоро тупроғида таваллуд топган, Хоразмда буюк файласуфлар, шоирлар, олимлар даврасида ўз билим ва малакаларини янада такомиллаштирган бу мутафаккирни ижоди ва ҳаёти XXI асрда ҳам ниҳоятда долзарб.

Мақсад. Ушбу мақола орқали бўлажак фармацевтларни тайёрлашда Абу Али Ибн Сино қолдирган меросдан оқилона фойланишга доир фикрлар баён этилади.

Материаллар ва методлар. 2020-2021 ўқув йилидан республикамизнинг 10 дан зиёд олий таълим муассасалари кредит-модул тизими ва ўз-ўзини молиявий бошқаришга ўтди. Бу дегани ҳар бир муассаса келажакда тайёрлайдиган мутахассисларини юқори малакали бўлишини сифат жиҳатдан қафолатлайди. Фармацевт-провизор касби қандай касб? Унинг тарихи ва уни ривожланишига асос солган буюк мутафаккирлар мероси қачон ва қаерда ўқитилиши керак? Фикримизча, бу ўринли саволлар. Кўплаб Ғарб ва Шарқ давлатлари тиббиёт ва фармацевтика оламида деярли Абу Али Ибн Синони танимаганлар йўқ. Унинг таълимоти ва у қолдирган меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича кўплаб фондлар, институтлар ва Марказлар фаолият юритмоқда. Ибн Синони бутун дунёда тарғиб қилган олимларга Ғарбда мукофотлар таъсис этилмоқда, халқаро конференциялар

ўтказилмоқда, фондлар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Натижалар. Биз бу буюк мутафаккир ижодидан мутахассис тайёрлашда етарли фойдаланаяпмизми? “Тиб қонунлари” китобини олий таълимда ўқиш жараёнида бирор марта тўлиқ ўқиб чиққан талаба ёки магистрант борми? Ушбу китобни ўқиган талабани маънавий рағбатлантираяпмизми? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида кичик ижтимоий сўровнома ўтказган эдик. Битирувчи магистрантларнинг 83% фақат балавриятнинг 1-босқичида рус тили фанидан, бакалавр босқичининг 1-курс касбий таълим йўналиши талабалари Ибн Сино ҳақида рус тили ва “Замонавий фармацияда Ибн Сино таълимоти” фанидан буюк мутафаккирнинг асарлари ҳақида маълумот олганини эслай олди, 6% ҳар йили республикада ташкил этиладиган анъанавий Ибн Сино анжуманларида иштирок этишини ва қолганлар келажакда албатта танишиб чиқиши ҳақида фикр билдирди. Ушбу масала ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент фармацевтика институтининг 2020-2021 ўқув йилидан кредит-модул тизими асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув режасидаги фанлар орасида ҳам Абу Али Ибн Сино ва унинг буюк мероси “Тиб қонунлари” китобини ўрганишга мос келадиган фақат биргина фан “Замонавий фармацияда Ибн Сино таълимоти” фани мавжудлиги, у ҳам фақат 36 соат фармация факультети касбий таълим йўналишидагина танлов фан сифатида киритилганини кўриш мумкин. Қолаверса, буюк аллома ва Ўрта Осиёнинг илк фармацевтининг “Табибнинг уч қуроли бор: сўз, ўсимлик ва тиг”, “Қалб мисоли шиша шамчирок, билим ёниб таралаётган нур, ақл эса шамчирок ёғидир. Агар шамчирок ёнса сен тириксан, ўчса, демек сен ҳам ўчасан”, “Табиб бургут қараши, аёл қўллари, илон донишмандлиги ва шер юрагига эга бўлиши керак”, “Умидсиз касаллар эмас, умид бера олмайдиган табибларгина мавжуд” каби ажойиб иборалари, “Тиб қонуни” даги тиббий амалиётда 811дан зиёд қўлланилишга тавсия этилган доривор воситалар ва ўсимликлари ҳақидаги маълумотларни бўлажак тиббиёт ходимларига, фармацевтларга етказиш керак эмасми? “Тиб қонуни” китобидан махсус курс, синовлар ёки ҳеч бўлмаса тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари ўртасида олимпиада ёки “Ибн Сино асарлари билимдони” каби танловларни ўтказиш имконияти йўқми? Қўйилган саволларга жавоб келажакка йўналтирилган ва фикримизча замонавий мухассислар учун ишлаб чиқилаётган ўқув режаларда биз қуйган масалага эътибор қаратилиши лозим.

Хулосалар. Ўзи яшаётган юрт, Ватанга муҳаббат, ўзи танлаган касбга садоқат ва фидокорлик таълим-тарбия жараёнида сингдирилади. Учинчи Ренессансни қурадиган авлодга Ўрта Осиё Ренессанси намоёндалари ҳақида маълумот бермаслик, бўлажак мутахассисларни ўз касбига бўлган интилишига мотивацион ёндашмаслик бизни қаерга олиб келади? Ҳозир туб бурилишлар даврида рақобатбардош кадр тайёрлашда кўр-кўрона Ғарбга эргашмасдан, жиддий ўтириб узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинини қайта кўриб чиқиш вақти келмадимикан? Яна бир фикр, Ибн Синонинг отаси илми қўллаб қувватлайдиган зиёли инсон бўлган. Бугун кўплаб ота-оналаримиз фарзандларини сифатли таълим олиши тарафдори.

Адабиётлар:

1. А.С. Ефимова. Учение Авиценны в контексте проблемы укрепления и сохранения здоровья студентов медицинских вузов. Сборник международной научной конференции «Авиценна: мыслитель, учёный, гуманист». Минск., 2013 г., 258-260 стр.
2. И.И. Халымина. О лекарствах в «Поэме о медицине» Авиценны. Сборник международной научной конференции «Авиценна: мыслитель, учёный, гуманист». Минск., 2013 г., 256-258 стр.

БУЮК АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ: ФАРМАКОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ РИВОЖЛАНИШИ

Турсунова З.Б.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: zuxra.tursunova.72@mail.ru*

Долзарблиги. Ўрта асрларда сайёрамиз қандай юксак натижаларга эришгани ҳаммага аён. Бу давр инсоният тарихига “Мусулмон Ренессанси” номи билан кириб, ўрта асрларда жами одамзот тарихида санокли бўлган буюк юксалишлардан бири юз берди. Маълумки, Мусулмон Ренессанси

вакиллари Европа Ренессансининг пайдо бўлиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. XIV–XVI асрларда Европа университетларининг ривож топишига асосий сабаб бўлган табиий ва фалсафий фанларнинг негизида ибн Сино (Авиценна) ва ибн Рушд (Аверроэс)ларнинг илмий концепциялари ётган.

Мақсад. Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақасидаги илмий-маданий юксалиш IX–XII ва XIV–XV асрларда Шарқ уйғониш даври (Ренессанси) сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилган.

Шу тарихий даврда Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, фармакология, тиббиёт, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида яққол намоён бўлганини кўраимиз.

Усул ва услублар. Мовароуннахрнинг устувор мавқега эга бўлиши Суғд илм-фанининг, жумладан, тиббиёт илмининг ривожланиши учун асосий омил бўлган. Шу даврдан эътиборан, тиббиёт илми билан бевосита боғлиқ бўлган фармацевтика соҳаси ҳам шакллана бошлаган. Бу даврга келиб Ўрта Осиё шаҳарларида махсус дорихона ва шифохоналар мавжуд бўлгани Пойкентда олиб борилган қазималар давомида тасдиқланган. Қадимий шаҳарда очилган хоналарнинг бирида тиббиётда ва фармацевтикада қўлланадиган асбоблар жамланмаси қайд этилган. Топилманинг аҳамияти шундаки, улар орасида бугунги кунда тиббиётда мураккаб жарроҳлик амалиётларида қўлланадиган асбобларга ўхшаш асбоблар учрайди. Бу ўрта асрларда Ўрта Осиёда тиббиёт илмининг ривожланиши натижасида мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Фарбда “Нур Шарқдан таралади” деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас. Бу борада Абу Наср Форобийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Унинг “Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз” каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. У Европа олимларидан бир неча аср аввал физиология фанига илмий асос солганлигининг ўзиёқ жаҳон илм-фани тараққиёти бешигини кимлар тебратганини исботлаб турибди. Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг очилиши» деган асарида Ўрта Осиё олимлари, мутафаккирларини тилга олар экан, фан тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Ибн Сино номини алоҳида таъкидлаб: «Улардан энг машҳури, «врачлар подшоҳи» деган номни олган бухоролик Ибн Сино (Авиценна)дир» деган эди.

Натижа. Умрининг кўп қисми дарбадарликда ўтишига қарамай, Ибн Сино инсонни ҳайратда қолдирадиган даражада кўп ва ажойиб илмий мерос қолдирган. Ҳозирги замон илм фанида олим кўпроқ буюк табиб, тиббиёт илмининг султони сифатида таништирилади.

Жузжонийнинг гувоҳлик беришича, Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобини 1012 йилда ёзишга киришган. Шу тахлитда олим ўз «Тиб қонунлари»нинг қолган китобларини Рай ва Ҳамадонда эканлигида (1015-

1024 йиллар мобайнида) ёзилганлиги ҳақида маълумотлар бор. «Тиб қонунлари» ўзининг асосий дарслик ва қўлланма сифатида қимматини 500 йилдан ортиқроқ вақтгача сақлаб қолди.

«Тиб қонунлари»нинг бешинчи китоб мураккаб дорилар ҳақидадир. Китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш, истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу китоб доришунослик илмига - фармакологияга бағишланган.

Хулоса. Абу Али ибн Синонинг илмий мероси битмас-туганмас хазинадир. Унга мурожаат этган сари оламни ва одамни янада чуқурроқ идрок этамиз. Мустақиллик шарофати билан миллий маънавий меросимизни ўрганиш янги босқичга чиқди. Хусусан, Ибн Сино ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама тадқиқ этиш, ўрганиш ва жаҳонга кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимларимизнинг ана шу йўналишдаги изчил изланишлари натижасида «Тиб қонунлари» ўзбек тилида бир неча марта мукамал ҳолда қайта нашр этилмоқда. Аввалги нашрларда ўзбекча берилмаган баъзи дори номлари аниқланди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 – йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони / Тошкент. 2019-йил, 8-октябрь.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: ЎзМЭ, 2002.
Натижалар. Оддий сачратқи илдизи ва ер устки қисмидан олинган қуруқ экстракт тўқ жи-гарранг ўзига хос хидга ва тахир таъмга эга полидисперс гигроскопик кукун бўлиб, қолдиқ намлиги $6,8 \pm 0,6\%$. Кукун қониқарсиз технологик кўрсаткичларни намоён этди: нисбатан кичик сочилувчан зичлик - $280,0 \pm 2,07 \text{ кг/м}^3$, қониқарсиз сочилувчанлик - $1,2 \pm 0,83 \cdot 10^{-3} \text{ кг/с}$, юқори прессланувчанлик – $90,0 \pm 5,0 \text{ Н}$ ва зичланиш коэффициентини - $3,8 \pm 1,2$. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, оддий сачратқи қуруқ экстрактини капсулаларга жойлаш учун қўшимча тарзда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш ва грануляция усулини қўллаш керак. Тажрибаларни ўтказишда улар сонини камайтириш, вақт ҳамда материалларни иқтисод қилиш мақсадида биринчи тартибдаги лотин параллелепипеди асосидаги тўрт омилли носимметрик касрли пландан фойдаланилди [3, 4]. Математик моделлаштириш натижалари бўйича сачратқи қуруқ экстракти капсулалари учун қуйидаги таркиб ишлаб чиқилди:

Сачратқи илдизи қуруқ экстракти	0,30
МКЦ «Пахта целлюлозаси»	0,135
Қуритилган крахмал (3% намлик сақлаган)	0,06
Кальций стеарат	0,005
Этил спирти 96% муътадил намликкача	
Бир капсуладаги массанинг ўртача оғирлиги	0,500 г

Технологияси: оддий сачратқи қуруқ экстракти майдаланиб, тешик диаметри 150 мкм ли элакдан ўтказилади ва олдиндан майдаланган МКЦ “Пахта целлюлозаси”, ва 3% қолдиқ намликкача қуритилган крахмал билан аралаштирилади ва 96% этил спирти билан муътадил намликкача намланди. Ҳосил бўлган масса тешик диаметри 2500 мкм элакдан ўтказилади ва 40-50°C ҳароратда қуритгич жавонида HS 62 А қуритилади. Сўнг қуриган масса тешик диаметри 1000 мкм гранулятордан ўтказилади [5]. Тайёр гранулалар олдиндан тешик диаметри 100 мкм элакдан ўтказилган кальций стеарат билан упаланди. Капсулаланадиган массанинг технологик хоссалари ўрганилади олинган натижалар ижобий, капсула тўлдирувчи MF 30 машинада 1-рақамли капсулаларга тўлдирилади.

Хулосалар. Олинган оддий сачратқи ўсимлиги курук экстрактининг технологик хоссаларини ўрганиш ҳамда тажрибаларни математик моделлаштириш натижасида капсула таркиби ва технологияси тавсия этилди.

Адабиётлар:

1. Абу Али Ибн Сина (Авиценна). Канон врачебной науки. Избранные разделы. М.: “МИКО Коммерческий вестник”, Тошкент: Фан АН Республика Узбекистан, 1994.-400 с.
2. Абу Али Ибн Сино. Алвохия. Избранные произведения. - Т. 2.- Душанбе: Ирфон. - 1980. - С. 317–395 (на таджикском языке).
3. Тенцова А. И., Грошовый Т. А., Головкин В. А. и др., Оптимизация фармацевтической технологии методами планирования эксперимента, Запорожье (1981). - С.127-132.
4. Маркова Е.В. Руководство по применению латинских планов при планировании эксперимента с качественными факторами.- Челябинск, 1971.- 135 с.
5. Чуешов В. И. Промышленная технология лекарств: Учебник. В 2-х т. арств: Том 2 / Под редакцией профессора В. И. Чуешова. - Харьков. НФАУ, 2002. -185 с.

ДЕКСПАНТЕНОЛДАН КАПСУЛА ДОРИ ШАКЛИНИ ИШЛАБ ЧИКАРИШДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Зияева К.А., Хаджиметова С.Р., Хамдамов М.М.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: Mirzabotir@inbox.ru*

Долзарблиги. Витаминлар тирик организм учун зарур моддалар ҳисобланади. Витамин сақловчи препаратлар ҳозирги кунда турли хил касалликларни профилактикаси ва даволашда кенг қўламда қўлланилади. Кенг қамровли терапевтик таъсирга эга витаминлардан витамин В5-кальций пантотенат ёки пантотен кислотасидир.


Пантотен кислотаси ҳамма ерда мавжуд деган маънони англатади. Пантотен кислотаси организмга қисман озик-овқат маҳсулотлари орқали тушади, қисман эса ичак микрофлорасида синтезланади. Пантотен кислотаси пиво ачиткисида, тухум сариғида, жигар, буйрак, балиқ икрасида, ёнғоқ, ноҳот, дуккакли маҳсулотлар ва сутда кўп учрайди.

Пантотен кислотасининг одам организмидаги физиологик аҳамияти унинг кенг қамровли метаболик таъсири билан боғлиқ. Пантотен кислотаси синтез жараёнини тезлаштириб ва ўзгармас компонент сифатида Ко энзим ацетил КоА таркибига киради. Организмда универсал боғловчи ва модда алмашинувини боғловчиси ҳисобланади. КоА трикарбон кислота циклида ва хужайраларни нафас олиш жараёнида иштирок этади, ацетиллаш реакциясини амалга оширади, углевод, оксил, липидлар алмашинувида, ацетилхолин синтезида иштирок этади, тўқима метаболизи ва тўқима мембранаси структурасини меъёрлайди. Шунингдек ацетил КоА ишлаб чиқарувчи сифатида холестериндан олдин туради ва жинсий гормон, глюкокортикостероид, менаролкортикоид ва фосфолипидлар синтезида иштирок этиб, антитела ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади, антибиотикларни ноҳўя таъсирини камайтиради.

Организмда пантотен кислотаси етишмовчилигида тез чарчаш, асабийлашиш, кўриш ва эшлаш қобилиятини пасайиши, дерматоз, ошқозон-ичак тизимини бузилиши кузатилади. Пантотен кислотаси етишмовчилигида тери тез қарийди, буришади, ажинлар пайдо бўлади, сочлар жиловдорлигини йўқотади, синувчан, сийрак, тез оқарадиган бўлиб қолади. [1]

Декспантенол ўзи билан провитамин В5 ни намоён этиб, пантотен кислотасининг синтетик ҳосиласи ҳисобланади. Унинг молекуласидаги кислотали гуруҳ спиртли гуруҳга алмашган ҳолда бўлади

Кимёвий тузилиши:



Молекуляр формуласи: C₉H₁₉NO₄

Кимёвий номланиши: D-(+)-2,4-дигидрокси-N-(3-гидроксипропил)-3,3-диметилбутирамид. М.М.205,25

Декспантенолни ичишга қабул қилинганда, нейротроп, антиаллергик, иммуномодуловчи, антитоксик, шамоллашга қарши, артериал босимни пасайтирувчи, липид, углевод ва оксил алмашинувини фаолловчи, ичак перисталтикасини яхшиловчи ва миокард қобилиятини қисқартирувчи хусусиятларга эга. Декспантенол сурункали жигар касалликларида, жигарнинг ёғ босишида, сурункали панкреатитда, шунингдек турли интоксикацияларда яхши таъсир кўрсатади.[1,3]

Ҳозирги вақтда декспантенол тиббиётда кенг қўламда қўлланилмоқда. Декспантенолга Британия, Европа, Япония, Хитой ва АҚШ миллий фармакопейларида мақолалар келтирилган. Декспантенол асосан синтетик усулда олинади. Декспантенол субстанцияси Германия, Хиндистон, Украина, Хитой ва Россияда ишлаб чиқарилади.

Чет элда декспантенолни дори шакли перорал ва парентерал ҳолда мажмуавий даволашда ва алоҳида касалликлар учун кенг қўлланилади.

Мақсад. Шуларни инобатга олиб биз, декспантенол сакловчи препаратларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бораётганлигини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистонда биринчи марта декспантенол капсула дори турини яратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Усул ва услублар. Декспантенол рангсиз ёки оч-сарғиш, қовушқоқ суюқлик, сувда жуда яхши эрийди, спиртда осон, эфирда қийин эрийди. Декспантенол соф моддага ҳисобланганда 98%-102% бўлади. Нур буриш бурчаги +29.0 – +32.0, рН кўрсаткичи <10.5, таркибидаги сув миқдори 1.0%. сульфатлар 0.1% рухсат этилади. [2]

Натижалар. Декспантенол субстанциясини физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш натижалари:

Ўрганилаётган кўрсаткичлар, ўлчов бирлиги	Белгиланган меъёрлар	Олинган натижалар
Тасвирланиши	Декспантенол рангсиз ёки оч сарғиш, қовушқоқ суюқлик ёки оқ аморф кристаллсимон кукун	Декспантенол рангсиз, қовушқоқ суюқлик
Эрувчанлиги	Сувда жуда яхши эрийди, спиртда осон, эфирда қийин эрийди	Жавоб берди
Чинлиги	NaOH ва CuSO ₄ эритмаси билан кўк ранг ҳосил қилади	Жавоб берди
рН	< 10,5	9,90
Нур буриш бурчаги, α_D^n	29,0 - 32,0	30,7
Оғир металллар, ppm	< 20	-
Сув миқдори, %	< 1,0	0,1
Сульфатлар, %	< 0,1	0,1
Соф моддага ҳисобланган миқдори, %	98 - 101	98,7

Хулосалар: Декспантенол сакловчи капсула дори турининг фойдаланишга қулайлиги, аниқ дозага эга эканлиги, каби жихатлари билан устунликга эгадир. Шу мақсадда тажрибаларнинг кейинги босқичида физик-кимёвий хоссалари урганилган декспантенол субстанцияси асосида капсула дори турини технологиясини ишлаб чиқиш устида сифат тажрибалар давом этмоқда.

Адабиётлар:

1. Горбачёв В.В., Горбачёва В.Н. Витамины микро- и макроэлементы. Справочник Минск, 2002. - С. 147-154.
2. European pharmacopoeia. Strasburg. 2005. -P. 1407-1408.
3. Бурбелло А.Т., Шабров А.В. Современные лекарственные средства. Москва, 2007. -С. 239.

СУЮҚ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА УЛАРНИ ТАРКИБИНИ АНАЛИЗ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Иноғомов С.Ё., Саттаров Ш.Ш.

Тошкент фармацевтика институти
e-mail: sabitjan1957@mail.ru

Долзарблиги. Метрология фанининг мақсади – инженер-технолог мутахассислиги бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун метрологик таъминот, электрик ва ноэлектрик метрологик параметрларни стандартлаштириш асосларини ўзлаштириш, ўлчов ҳамда ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ўлчов асбобларини ишлатишда чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлган бакалаврлар тайёрлаш, ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида, саноатда, техникада, иқтисодиётда, дори воситалари ишлаб чиқаришда назорат ва истеъмол билан боғлиқ бўлган турли соҳаларда меъерий хужжатлар ва стандартлар билан ишлаш борасида етарли билим ва малака ҳосил қилишдан иборатдир.

Мақсад, дори воситалари ишлаб чиқаришда ҳозирги вақтда саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган суюқ дори препаратларини анализ қилиш ва уларни қўлланилиши билан таништиришдан иборат. Маълумки технологик жараёнларни температура, босим, сарф ва сатҳ каби параметрларга кўра бошқариш, кўпинча, талаб этилган сифатдаги маҳсулотлар олишга кафолат бера олмайди. Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таркибини автоматик тарзда назорат қилиш зарурати туғилади. Умумий ҳолда суюқликлар таркибини анализ қилиш дейилганда уларнинг элементар, функционал ёки молекуляр таркибини аниқлаш тушунилади. Суюқликлар таркибини аниқлаш учун ишлатиладиган ўлчаш асбоблари анализаторлар деб аталади. Муҳитда фақат битта компонентнинг миқдорини аниқлаш учун мўлжалланган анализаторлар концентратомерлар деб аталади [1].

Усул ва услублар. Анализ қилинадиган суюқликларнинг турли-туманлиги ва уларнинг таркиби ҳамда хоссаларининг кенг диапазонда бўлиши анализ қилиш усуллари турлича бўлган автоматик асбоблар ишлаб чиқаришни тақозо этади. Асбобсозлик саноати хилма-хил суюқликларни анализ қилувчи хилма-хил автоматик анализаторлар ишлаб чиқаради. Суюқликларни анализ қилишнинг саноатда энг кўп тарқалган усулларига кондуктометрик, потенциометрик, оптик, автоматик титрлаш ва радиоизотопли усуллар киради (схемага қаранг).

Натижалар. Электролит эритмаларининг концентрациясини уланинг электр ўтказувчанлигига кўра ўлчаш лаборатория шароитида ҳам, саноат шароитида ҳам автоматик назорат қилиш учун кенг қўлланилади. Кондуктометрик концентратомерларнинг ишлаш принципи эритмалар электр ўтказувчанлигинининг уларнинг концентрациясига боғлиқлигига асосланган. Кўпгина ҳолларда кондуктометрик усулдан бир компонентли эритмаларни назорат қилиш учун фойдаланилади. Потенциометрик усул муайян индикатор электродлар ҳосил қилган электр юритувчи кучни ўлчаш йўли билан ионлар концентрациясини аниқлашга асосланган. Бунда концентратомерни бевосита потенциаллар фарқини ўлчаш билан аниқлаш мумкин.



Оптик анализаторларда анализ қилинаётган суюқлик таркиби билан шу суюқлик орқали ёруғликнинг тарқалиш қонунлари ўртасида боғланишдан фойдаланилади. Эритмаларни анализ қилишнинг оптик усуллари суюқликлар оптик хоссаларининг синдириш ва қайтариш коэффициенти, оп-

тик зичлиги, кубланган нурнинг бурилиш бурчаги ва ёруғликнинг суюқликдан ўтганда сочилишини ўзгаришига текшириладиган модда концентрациясига боғлиқлигига асосланган. Энг кўп тарқалган оптик анализаторларга фотоэлектрик, рефрактометрик, фотоэлектрик колориметрлар, фотоэлектрик нефелометрлар ва фотоэлектрик поляриметрлар киради. Рефрактометрларда анализ учун ёруғликнинг бир муҳитдан иккинчи бир муҳитга ўтишида ўз йўналишини ўзгартириш хусусиятидан фойдаланилади. Фотоколориметрларда эса суюқликларни анализ қилиш рангли эритмаларни текширишга мўлжалланган бўлиб, эритманинг нур ўтказувчанлиги ёки оптик зичлигини ўзгаришига асосланган. Суюқликларда эримай қолган муаллақ зарралар концентрациясини назорат қилиш учун лойка муҳитларда ёруғликнинг сочилишини ўлчашга асосланган. Концентрацияни аниқлашнинг поляриметрик усули оптик жиҳатдан актив моддаларнинг улардан ўтаётган кубланган ёруғликнинг бурилиш бурчагини ўзгаришига асосланган. Оптик актив моддаларда кубланган нурнинг бурилиш бурчаги эритма қалинлиги $d = \text{const}$ бўлганда шу эритманинг концентрациясига тўғри пропорционал боғланган:

$$\alpha = \alpha_0 \cdot d \cdot C$$

Бу ерда, C - эритманинг концентрацияси.

Автоматик титрлаш усули эритмаларни титрлаш асосида, радиоизотоп усули эса радиоактив нурларни суюқликдан ўтганда интенсивлигини ўзгаришига асосланган.

Хулосалар. шундай қилиб, юқорида келтирилган саноат миқёсида ишлаб чиқарилган суюқликларни таркибини анализ қилиш усулларида суюқ дори препаратлари ишлаб чиқаришда ҳам кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Маҳкамов С.М., Азимова У.С. Метрология ва стандартлаштириш асослари. Тошкент – «Талқин», 2006 й.-104 б.

GEPATOPROTEKTOR XOSSASIGA EGA BO'LGAN OSIMLIK HOM ASHYOSI ASOSIDA KAPSULA DORI SHAKLI YARATISH BOYICHA IZLANISHLAR

Ismatova F.V., Azimova N.A.

*Toshkent farmatsevtika institute
e-mail: f.ismatova@list.ru*

Dolzarbliigi. O'zbekiston aholisini samarali va xavfsiz dori vositalari bilan ta'minlash farmatsiyaning ustuvor vazifalaridan biridir. Shu nuqtai nazardan, terapevtik ta'sirning keng doirasi va sintetik dori-darmonlarga qaraganda bir qator afzalliklarga ega bo'lgan dorivor o'simlik preparatlari alohida ahamiyatga ega. Dorivor o'simlik preparatlari sintetik preparatlarga qaraganda allergiya rivojlanishining nisbatan past xavfi, yumshoq terapevtik ta'siri va xavfsizligi bilan ajralib turadi. Bu borada oddiy ola o't o'simligi alohida e'tiborga ega [*Silybum marianum (L.) Gaertn., Oila. Compositae - Asteraceae*].

Inson organizmida jigar filtr vazifasini bajarib, barcha iste'mol qilingan moddalar jigarda filtrlanadi va so'ng qonga o'tadi. Jigar sog'ligi endokrin, hazm, teri va immunitet tizimlari, teriod bezi va metabolizm sogligi uchun juda muhim. Hozir kunda jigar kasalliklari O'zbekiston aholisida ko'p uchraydigan kasallik hisoblanadi. Jigar kasalliklarini davolashda gepatoprotektiv holeretik va boshqa xususiyatlarga ega bolgan o'simlik hom ashyolaridan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Shu jihatdan oddiy ola o't o'simligining mevalari va undan tayyorlangan preparatlar jigar kasalliklarni, xususan o'tkir va surunkali gepatit, serroz, jigarning toksik metobalik shikastlanishlarini, shuningdek o't pufagi va o't yo'llarini davolash uchun ishlatiladi [1,2]. Oddiy ola o't (*Silybum marianum (L.)*) ni urug'lari gepatoprotektiv dorilarni olish uchun xom ashyo hisoblanadi. Oddiy ola o't (*Silybum marianum(L)*) ning mevalari tarkibidagi asosiy faol moddalar flavanoidlar va ularning xosilalari (silibin, silisristin, silidianin, eriodiktiol va boshqalar) yog'li moy (32%gacha), efir moyi (0,08%), alakaloidlar, saponinlar, yog'li moy (16-28%), biogen aminlar (tiramin, gistamin), mikroelementlar, oqsil va boshqa moddalar tashkil qiladi. Bundan tashqari Oddiy ola o't homashyosi kuchli antioksidant hisoblanib, turli toksinlarni yo'qotish qobilyatiga ega [3].

Maqsad. Yuqoridagilarni nazarda tutgan holda ilmiy ishimiz maqsadi gepatoprotektor tasiriga ega bolgan mahalliy osimlik xom ashyosidan olingan oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktidan foydalanib kapsula dori shakllarini olish uchun uning texnologik xossalarini organishga qaratildi.

Usul va uslublar. Gepatoprotektor tasiriga ega bolgan kapsula dori shakllarini yaratish uchun mahalliy o'simlik xisoblangan oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktning texnologik xossalarini: tashqi ko'rinishi, sochiluvchanligi, sochiluvchan zichligi, zichlanish ko'rsatkichi, qoldiq namligini adabiyotlarda keltirilgan usullardan foydalanib aniqlandi.

Natijalar. Izlanishlarimizning avvalida oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktning hususiyatlarini aniqlash maqsadida uning tasqi ko'rinishiga baxo berdik. Bunda oddiy ola o't (Silybum marianum(L)) quruq ekstraktining tashqi ko'rinishi och sariq rangli, o'ziga hos kuchsiz hidli gigroskopik kukun ekanligi ma'lum bo'ldi. Yaratmoqch bo'lgan kapsulamizning sifatiga ta'sir qiluvchi omillardan biri bo'lgan kapsula massasining sochiluvchanligini aniqlaganimizda u 3,98 kg/s tashkil qildi. Oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktning sochiluvchan zichligini aniqlash bo'yicha olib brogan tadqiqotlarimiz natijasi uning 548,3 kg/m³ ekanligini, oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktning zichlanish ko'rsatkichi 0,68 sm³ ekanligini ko'rsatdi. Qurq ekstraktning sifatiga baho berishda yana bir muhim ko'rsatkichlardan biri uning qoldiq namligini aniqlashdir. Oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktning qoldiq namligini aniqlashda qoldiq namlikni aniqlashda og'irliklar farqini aniqlashga asoslangan «Kett» namlik o'lchagich apparatidan foydalanildi. Natijalar oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktning qoldiq namligi 3,7% ekanligini ko'rsatdi. Bu ko'rsatkich quruq ekstraktlarga qo'yilgan reglament talariga (5%) mos ekanligidan dalolat beradi.

Xulosa. Gepatoprotektor tasiriga ega bolgan mahalliy osimlik xom ashyosidan olingan oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstraktidan foydalanib kapsula dori shakllarini yaratish maqsadida olib borilgan izlanishlarimiz natijalari oddiy ola o't mevalaridan olingan quruq ekstrakt o'zining texnologik xossalari bo'yicha kapsula olish uchun qo'yilgan talablar darajasida ekanligi va undan kapsula olishda qo'shimcha yordamchi moddalar talab etilmasligi aniqlandi.

Adabiyotlar:

1. Аюпов Р.Х доривор о'симликлар улardan foydalanish. Toshkent. - 2015. 344 b.
2. Губергриц, Н.Б. Фармакотерапевтические эффекты и клинические возможности эталонного препарата силимарина / Н.Б Губергриц П.Г. Фоменко, Г.М. Лукашевич, О.А. Голубова // Фарма-тека – 2012.– №.2. – С.24–31.
3. Минина С.А., Каухова И.Е., Химия и технология фитопрепаратов.-М.: GEOTAP-Мелиа, 2009. -560 с.

ХЛОРОФИЛЛИПТ ВА ХЛОРГЕКСИДИН САҚЛОВЧИ МАЖМУАВИЙ СТОМАТОЛОГИК ПОЛИМЕР ПАРДАЛАРНИНГ МЎЪТАДИЛ ТАРКИБИНИ АСОСЛАШ

Ишонқулова Н.Ф., Туреева Г.М.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: galiya_tureeva@mail.ru*

Долзарблиги. Турли стоматологик касалликларини самарали даволаниши доривор моддаларни замонавий дори шаклларида қўллашга боғлиқ. Кўпчилик адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, дори моддаларни стоматологик полимер пардалар шаклида қўллаш қатор афзалликларга эга эканлиги кўрсатилган. Хусусан, дори шаклининг турғунлигини оширишига, оғиз бўшлиғида дори моддасини таъсирини узайтирилишига, салбий таъсирларини камайишига, дори воситаларини қўллаш сони камайтирилишига, даволаш ҳаражатларини қисқартирилишига эришилади. Шунинг учун стоматологик пардаларни яратиш ва уларни ассортиментини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган изланишлар ўз долзарблигини йўқотмайди ва буни қатор адабиётларда чоп этилган маълумотлар тасдиқлаш мумкин [1]. Хлорофиллипт турли стоматологик касалликларда (стоматит, гингивит, стоматологик операциялардан сўнг ва бошқ.) кенг қўлланилади. Асосан оғиз бўшлиғини чайиш учун эритмалар шаклида. Хлоргексидин биглюконат ҳам стоматология амалиётида самарали

антисептик воситалар қаторидан ўрин олган ва асосан эритма шаклида қўлланилади.

Мақсад. Хлорофиллипт ва хлоргексидин биглюконат сақловчи стоматологик полимер доривор пардалар учун мўътадил полимерни танлаш ишнинг мақсадини ташкил этди.

Усул ва услублар. Фитопардаларнинг доривор компоненти сифатида хлорофиллиптнинг мойли эритмаси ва хлоргексидин биглюконат эритмаси олиниб, уларнинг мўътадил таркибини ишлаб чиқиш мақсадида турли парда ҳосил қилувчи полимерлар: метилцеллюлоза (МЦ), натрий-карбок-симетилцеллюлоза (натрий-КМЦ), поливинилпирролидон (ПВП), поливинил спирти (ПВС), желатин, агар-агар ва пластификатор сифатида глицерин ўрганилди. Полимер пардалар адабиётларда маълум бўлган эритиш усулида олинди. Тайёрланган пардаларнинг адабиётларда келтирилган усуллар бўйича ташқи кўриниши, қолипдан кўчиш хусусияти, рН кўрсаткичи, эриш вақти ва бирхиллиги аниқланди [2,3].

Натижалар. Жадвалда келтирилган тажриба натижаларига кўра фақат ПВП олинган пардаларнинг қолипдан кўчиши қийин бўлди. Аммо эластиклиги ва бирхиллиги бўйича ижобий натижалар натрий-КМЦ полимери ёрдамида олинган пардаларда кузатилди. Шу билан бирга, эриш вақти бўйича натрий-КМЦ асосидаги пардалар анча устун бўлиши аниқланди. Пардаларнинг рН кўрсаткичи 3,95-6,75 оралиғида бўлиши кузатилди. Олинган натижаларга асосланиб, мўътадил парда ҳосил қилувчи полимер сифатида натрий-КМЦ танланди.

Хлорофиллипт ва хлоргексидин биглюконат эритмалари асосида тайёрланган пардаларнинг хоссаларини ўрганиш натижалари

Таркиблар ва полимерлар	Ўрганилган кўрсаткичлар			
	Ташқи кўриниши	Қолипдан кўчиш хусусияти ва бирхиллиги	Эриш вақти, дак.	рН кўрсаткичи
1 - Натрий-КМЦ	Пардалар эластик, силлик, оч яшил рангда	Қолипдан кўчиши осон, юзаси бирхил	19,5	6,75
2 - МЦ	Пардалар эластик, оч яшил рангда	Қолипдан кўчиши осон, юзаси бирхил эмас	26,2	5,70
3 - Желатин	Пардалар эластик эмас, оч жигарранг	Қолипдан кўчиши осон, юзаси бирхил	27,4	5,30
4 - ПВП	Пардалар эластик эмас, оч яшил рангда	Қолипдан кийин кўчди, юзаси бирхил эмас	6,9	5,0
5 - ПВС	Пардалар эластик эмас, оч яшил рангда	Қолипдан кўчиши осон, юзаси деформацияланган	42,5	6,3
6 - Агар-агар	Пардалар эластик эмас, оч жигарранг	Қолипдан кўчиши осон, юзаси бирхил эмас	8,8	3,95

Хулосалар. Хлорофиллипт ва хлоргексидин биглюконат эритмаларини сақловчи стоматологик фитопардалар турли полимерлар ёрдамида тайёрланди ва уларнинг хоссаларини ўрганилди. Олинган натижаларига асосланиб, натрий-КМЦ полимерида кейинги тажрибаларни давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Адабиётлар:

1. Кищенко В.М., Верниковский В.В., Привалов И.М., Шевченко А.М. Пленки в российской медицине и косметологии: история развития, классификация, технология // Фармация и фармакология. научн-практ. журн. -2020. -Т.8, -вып. 2. -С. 124-132
2. Государственная Фармакопея РФ. – 14 изд.,М.: 2018., ОФС.1.4.1.0035.18. – Плёнки.
3. Ходжаева М.А., Туреева Г.М., Махмуджанова К.С. Подбор оптимального состава лекарственных плёнок “Левомексидин” // Фармацевтический журнал. – Ташкент, 2011. -№2. - С.48-50.

ОБОСНОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА СОСТАВА КАПИЛЛЯРОСТАБИЛИЗИРУЮЩЕГО ФИТОПРЕПАРАТА

Крюкова А.И., Вишневская Л.И., Эль Гуэдрор Бадр Эдин

Национальный фармацевтический Университет, г. Харьков, Украина
e-mail: kriukova92@gmail.com

Актуальность. Заболевания вен является чрезвычайно актуальной проблемой современности, поскольку из-за сидячего образа жизни количество пациентов с этой патологией постоянно увеличивается. На сегодня существует достаточно много подходов лечения варикозной болезни, но не все из них достаточно эффективны [1]. Средствами базисной фармакотерапии заболеваний вен являются лекарственные препараты ангиопротекторного (капилляростабилизирующего) действия. Лекарственное растительное сырье (ЛРС) проявляет данные свойства благодаря наличию таких групп биологически активных веществ (БАВ), как: флавоноиды (рутин, диосмин, гесперидин, кверцетин, изокверцетин) и сапонины (эсцин, рускозид, рускогенин) [2].

Целью нашего исследования было теоретическое и экспериментальное обоснование и разработка состава капилляростабилизирующего фитопрепарата в виде растительного сбора для профилактики и комплексного лечения венозной недостаточности нижних конечностей.

Материалы и методы. Эксперимент построен на информационном поиске и анализе литературных данных по подбору перспективных объектов лекарственного растительного сырья. Для определения содержания экстрактивных веществ в ЛРС использовали методику монографии Государственной фармакопеи Украины 2.0 [3].

Полученные результаты. Выбор составляющих компонентов сбора обусловлен их определенной биологической активностью, которые комплексно предоставляют предложенному сбору выраженное капилляростабилизирующее действие. Благодаря наличию БАВ софоры японской бутоны (*Sophorae japonicae flos immaturus*) фитокомпозиция проявляет Р-витаминное действие, снижает ломкость и проницаемость капилляров; спорыша обыкновенного трава (*Polygoni avicularis herba*) – мочегонное действие, ивы белой кора (*Salicis cortex*) – противовоспалительное действие, иглицы колючей корневища (*Rusci rhizoma*) – сосудосуживающее действие, улучшает микроциркуляцию [4].

Для выбора оптимального соотношения компонентов рецептуры, нами были изучены 3 экспериментальных образца сбора с различным процентным содержанием растительных компонентов (табл.).

Экспериментальные образцы сбора были исследованы по показателю «Содержание экстрактивных веществ, %». Как экстрагент использовали воду очищенную, так как данный препарат будет использоваться пациентами в домашних условиях в виде отвара. Количественное содержание экстрактивных веществ в исследуемых образцах следующее: № 1 – $15,64 \pm 0,49$; № 2 – $19,37 \pm 0,52$; № 3 – $23,28 \pm 0,42$.

Составы экспериментальных образцов фитопрепарата

№ п/п	Наименование компонентов сбора	Состав сборов (количество исходных компонентов, г)		
		1	2	3
1	Софоры японской бутоны	25,0	30,0	40,0
2	Иглицы колючей корневища	25,0	30,0	40,0
3	Ивы белой кора	25,0	20,0	10,0
4	Спорыша обыкновенного трава	25,0	20,0	10,0

На основании результатов проведенных исследований был выбран состав сбора №3, так как в нем содержится наибольшее количество водорастворимых экстрактивных веществ. Также, во внимание принимались литературные данные относительно фармакологической активности каждого отдельного растительного компонента, так как, основное фармакологическое действие разрабатываемого фитопрепарата направлено на проявление капилляростабилизирующих свойств.

Выводы. В результате проведенных исследований разработан и экспериментально обоснован состав капилляростабилизирующего фитопрепарата в виде сбора. Данная работа является одним из этапов разработки растительного лекарственного препарата для профилактики и комплексного лечения венозной недостаточности нижних конечностей.

Литература:

1. Богачев В.Ю. Современная фармакотерапия хронической венозной недостаточности нижних конечностей. Фармацевтический вестник, 2006, 10(2): 54-59.
2. Rabe E, Agus GB, Roztocil K. Analysis of the effects of micronized purified flavonoid fraction versus placebo on symptoms and quality of life in patients suffering from chronic venous disease: from a prospective randomized trial. *Int Angiol*, 2015. Oct, 34(5): 428-36.
3. Державна Фармакопея України: в 3 т. / ДП «Український науковий фармакопейний центр якості лікарських засобів». 2-е вид. Харків: Державне підприємство «Український науковий фармакопейний центр якості лікарських засобів», 2014. Т. 3. 732 с.
4. Сучасна фітотерапія: навч. посіб. / С. В. Гарна та ін. Харків: «Друкарня Мадрид», 2016. 580 с.

TECHNOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GRANULES FROM THE DRY EXTRACT “UROLEXAN-F” WITH AUXILIARY SUBSTANCES

Maulenberganova G, Sharipova S.T., Akromova M.O.

*Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent city
e-mail: saodat.67@list.ru*

Abstract: The development of new medicines is one of the main problems of modern medicine. In this situation, the creation of complex drugs is one of the particular interest. Their uses make it possible to expand the range of pharmacotherapeutic action, strengthen certain aspects of the therapeutic effect, and reduce undesirable toxic manifestations.

Purpose: The aim of the research was to study the pharmacological and technological aspects of the development of the technology of individual domestic diuretic drugs and preparations and the introduction of the developed dosage forms into the domestic production. The purpose of this work was to study the technological characteristics of the compositions of the dry extract “Urolexan-F” with excipients.

Methods: The dry extract “Urolexan-F” was used as the objects of the study. Dry extract “Urolexan-F” is a dry hygroscopic, fine powder from red to dark brown color with a specific smell. The analysis of the technological characteristics of the dry extract and excipients was carried out on devices of the instrument called “ERWEKA” (Germany), the particle size was estimated by microscopy using the Video Test program. For the development of granules, we tested compositions with different compositions of excipients and their ratios. The main requirements for this group of excipients are: stability during storage, the ability to quickly and completely release the active substance and form granules. The analysis of pellets was carried out according to the current regulatory documentation.

Results: The results of the obtained data showed that the flowability and moisture absorption of the composition is most significantly affected by the presence of “Aerosila”. In addition, close values of the bulk mass and bulk density of this mixture predict that it will not condense under different conditions - during transportation and storage. The next stage of research was devoted to the study of the dependence of the flowability of dry extract compositions with various auxiliary substances on their moisture content [2,3]. The obtained data clearly showed different dynamics of moisture growth in the studied mixtures and a corresponding decrease in the flowability of the compositions. Calcium carbonate, magnesium oxide, and basic magnesium carbonate in granules with a dry extract allowed us to obtain compositions that preserve the flowability of the masses at high humidity. Positive values of flowability were observed in the composition with “Aerosila”. Therefore, it is known that it is able to bind water in an amount of up to 40% relative to its mass without loss of flowability. Also, at a concentration of 0.05–1%, aerosil improves the flowability of the powder mixture, and in 1-2% it is a good loosening agent. Therefore, it was advisable to determine the optimal concentration of aerosil, which would allow to obtain the required mass. For this purpose, the effect of different concentrations of aerosil on the flowability of the dry extract “Urolexan-F” was studied.

The results of the studies showed that when adding 0.3-0.5% aerosil, the flowability of the composition increases from 1.2 to 1.6 times. The increase in the content of aerosil did not improve the flowability by more than 1.6 times. Therefore, as an antifriction agent, aerosil is sufficient to take in an amount of 0.3-0.5%. Furthermore, the moisture-absorbing properties of the compositions of the dry extract "Urolexan-F" were studied depending on the concentration of aerosil. At a concentration of 2%, aerosil contributes to a significant decrease in the moisture-absorbing properties of the extract. A further increase in the content of aerosil (more than 2%) does not lead to significant changes in the moisture-absorbing properties of the composition. Therefore, the most optimal concentration of aerosil is 2%.

Conclusion: To conclude, as a result of the conducted research, the composition of granules with dry extract "Urolexan-F" and excipients 0.010 g was developed. When developing the technology, the properties and condition of the dry extract, the losses during grinding and the quantitative ratio of the ingredients were taken into account.

References:

1. State Pharmacopoeia XI, vol. 2. General methods of analysis. - Moscow: Meditsina, 1990. - 398 p.
2. Kachalina, T.V. Development of technology for obtaining solid dosage forms containing plant extracts: abstract. dis. PhD. pharm.science / T.V. Kachalina.- M, 2005. - 26с.
3. Miroshnikov V.M. Medicinal plants and preparations of plant origin in urology. - M.: MED press-inform, 2005. – 240 s.

ЯИЧНАЯ СКОРЛУПА КАК ОБЪЕКТ ПОЛУЧЕНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ДОБАВОК

Менглиева Ш.Ю, Заирова Х.Т

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: shani.menglieva.94@gmail.com*

Актуальность. В настоящее время недостаток кальция и хондропротекторных веществ в организме человека вызывает заболевания в основном опорно-двигательной системы такие как остеохондроз, артроз, остеоартрит, гонартроз, бурсит остеопороз. Большинство препаратов, используемых при лечении этих заболеваний, импортные. В Республике Узбекистан препараты против этих заболеваний и субстанции закупаются у иностранных компаний. Вышеуказанные проблемы можно решить, используя местное сырье, то есть отходы птицефабрик - яичную скорлупу. Тем самым можно решить экологические проблемы и можно добыть необходимые нам биологические активные вещества.

Цель. Целью данного исследования является краткий обзор, существующий литературы для определения необходимых условий изучения биодоступности объекта. Объектами данного исследования является яичная скорлупа и мембрана яичной скорлупы в качестве вторичной переработки отходов для получения биологически активных добавок.

Материалы и методы. В данное время в Узбекистане куриная скорлупа утилизируется и не используется в качестве сырья для получения биологически активных добавок. Яичная скорлупа составляет 11% от общей массы яйца. А сама скорлупа содержит 94% CaCO_3 , 1% $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$, 1% MgCO_3 , 4% другие органические веществ. Мембрана яичной скорлупы содержит 10% коллагенов типа I, V, X, гликозаминогликан, гиалуроновая кислота, хондроитин сульфат и 29 белков. Коллаген, полученный из мембраны яичной скорлупы, имеет очень низкий уровень аутоиммунных и аллергических реакций, а также высокий уровень безопасности. В данное время разработаны разные способы получения БАД из мембраны яичной скорлупы. Кальций – основной компонент организма человека. При нехватке кальция в организме возникает разные признаки дефицита кальция (гипокальциемия). При несвоевременном лечении возникает хронический дефицит кальция, а затем развивается остеопороз. Постменопаузальный остеопороз составляет около 80% всех случаев остеопороза у пожилых женщин.

В разных исследованиях были приведены высокая эффективность кальция, полученных из скорлупы яиц. Например, в своих исследованиях Al Mijan M., Lee Y. K., Kwak H. S. изучали поло-

жительное влияние нанопорошка яичной скорлупы на постменопаузальный остеопороз у крыс с остеопорозом. Эти крысы были подвергнуты овариэктомии. Результаты исследования показали, что нанопорошок яичной скорлупы понижает уровень биомаркера N-концевого телопептида (NTX) в моче и, следовательно, уменьшает потери костной массы. То есть у крыс получившие нанопорошковую скорлупу показали большую минерализацию плотности костной ткани на 6,6% [1]. Кроме того, биодоступность кальция из порошка яичной скорлупы был выше, чем из коммерчески доступного карбоната кальция.

Neunzehn J., Szuwart T., Wiesmann в своих исследованиях продемонстрировали высокую эффективность частиц яичной скорлупы вместе с гиалуроновой кислотой в регенерации костей, то есть эти вещества усиливали остеогенную дифференцировку клеток. А это означает что порошок яичной скорлупы может использоваться в качестве компонента костного трансплантата. Полученные из гладких костей карбонат кальция не имеет такой же биодоступности как карбонат кальция из скорлупы яиц. Кроме того, яичная скорлупа не содержит токсичных элементов как свинец, алюминий, ртуть и кадмий.

Результаты. Основываясь на найденных материалах, можно считать, что яичная скорлупа является уникальным биологическим материалом, который может использоваться в разных отраслях, в особенности в пищевых, медицинских и косметических отраслях.

Выводы. На основании полученных данных можно сделать следующие выводы. Исследования показывают, что биодоступность кальция полученного из яичной скорлупы является выше чем у других; яичная скорлупа- лучший альтернативный объект чем раковины устриц, потому что раковины устриц содержит такие токсичные вещества как свинец, ртуть, алюминий и кадмий; полученные препараты из скорлупы яиц будут дешевле и даже люди низшего класса смогут себе позволить приобрести их; создание безотходной технологии, а также биодоступный кальций поможет в обеспечении экологической устойчивости нашей планеты.

Литература:

1. Al Mijan M., Lee Y. K., Kwak H. S. Effects of nanopowdered eggshell on postmenopausal osteoporosis: a rat study // Food Science and Biotechnology. – 2014. – Т. 23. – №. 5. – С. 1667-1676.
2. King Ori A. M. A review of the uses of poultry eggshells and shell membranes // International Journal of Poultry Science. – 2011. – Т. 10. – №. 11. – С. 908-912.
3. Neunzehn J., Szuwart T., Wiesmann H. P. Eggshells as natural calcium carbonate source in combination with hyaluronan as beneficial additives for bone graft materials, an in vitro study // Head & Face Medicine. – 2015. – Т. 11. – №. 1. – С. 1-10
4. Waheed M., Butt, M. S., Shehzad, A., Adzahan, N. M., Shabbir, M. A., Suleria, H. A. R., & Aadil, R. M. Eggshell calcium: A cheap alternative to expensive supplements // Trends in Food Science & Technology. – 2019. – Т. 91. – С. 219-230.
5. Пигарова Е. А. Роль кальция в профилактике и лечении остеопороза // Эффективная фармакотерапия. – 2015. – №. 46. – С. 34-39.

ТИКАНЛИ АРТИШОК АСОСИДА ОЛИНГАН “ГЕПАТОНОРМ” НАСТОЙКАСИ ТАРКИБИДАГИ РУТИННИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Миррахимова Т.А., Исмоилова Г.М.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: Mtanzila_1986@mail.ru*

Республикамизда, айниқса кейинги йилларда яратиб берилаётган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда, доривор ўсимликлар хомашёси асосида дори воситаларни ишлаб чиқариш, жумладан: жигар ва ўт йўллари касалликларни даволашда қўланиладиган препаратларни яратиш, уларни ҳар томонлама такомиллаштириш бўйича катта қўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимликлар хомашёси асосида гепатопротектор ва сафро хайдовчи юкори самарали дори воситаларини ишлаб чиқиш ва сифатини назорат қилиш учун янги биологик фаол модда (БФМ)лар манбаини аниқлаш борасидаги тадқиқотларга катта эътибор қа-

ратилмоқда. Жигар ва ўт йўллари хасталикларини даволашда тиканли артишок (*Cynara scolymus*) кўплаб дори воситалари қаторида тиббиётда кенг қўлланилади [1,2]. Тиканли артишок ер устки қисмидан тайёрланган дори воситаларининг фармакологик таъсири уларнинг таркибида цинариннинг феноксикислоталар, флавоноидлар ва бошқа моддалар билан бирлашуви натижасидир. Ушбу препаратларнинг гепатопротектив хусусияти мазкур ўсимликнинг антиоксидант ва хужайра мембранасини барқарорлаштирувчи ва сафро ҳайдовчи таъсири билан тиушунтирилади [2].

Тиканли артишок асосидаги препаратлар қондаги холестерин миқдорини камайтирувчи, сийдик ҳайдовчи, ел ҳайдовчи, организм тонусини оширувчи, терини қаришини олдини олувчи, жигарнинг антитоксик фаолиятини рағбатлантирувчи, овқат ҳазм бўлишини энгиллаштирувчи, антиоксидант, гепатопротектор ва гиполипидемик фаоллик намоеън этади [2].

Мақсади. Тиканли артишок асосида олинган “Гепатонорм” настойкаси сон кўрсаткичлари ва рутиннинг миқдорини юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усулида аниқлаш.

Усул ва услублар. Таҳлил этилаётган намунанинг ДФ талабларига мувофиқ куйидаги сон кўрсаткичлари аниқланди: ташқи кўриниши, ранги, таъми ва ҳиди, препаратнинг чиқарилиш шакли, қуруқ қолдиқ, зичлиги, этил спиртининг миқдори каби кўрсаткичлари [3].

“Гепатонорм” настойкаси таркибидаги рутиннинг ЮССХ усулида аниқлаш учун Agilent Technologist 1100 русумдаги G1322A дегазатор ва эритувчиларни узатиш учун насос 1311A, G1313A автосамплер, G1316A колонка термостати ва диодматрицали DAD G 1315B детектор билан таъминланган ускунада олиб борилди. Колонка Zorbax Agilent Eclipse XDB-C8; 125x2mm, 5µm, ҳаракатчан фаза: эритма А- 0,3% фосфор кислотаси, эритма В- метанол. Чўққиларни ажратиш эритма В нинг 28 дақиқа давомида 20 дан 120% гача ва кейинги 2 дақиқа давомида бошланғич 20% ҳолатига келгунига қадар чизиклилик градиентидан фойдаланиб олиб борилган. Колонкадаги оқим тезлиги 0,5 мл/дақ, термостатлаш ҳарорати 35°C. Тажриба учун олинган намунанинг миқдори 20 мг/мл. Чўққиларни детектрлаш 254 ва 370 нм тўлқин узунлигида олиб борилган. Колонканинг инъекция ҳажми - 5 µl га тенг [4].

Аниқланган модда миқдори абсолют калибрлаш усули ёрдамида БФМнинг калибрлаш графигини тузиш учун суюлтиришни ҳисобга олган ҳолда 10мг/мл дан 1 мг/мл гача концентрациядаги стандарт намуналар эритмаларидан фойдаланилди. Таҳлилни ўтказиш учун “Гепатонорм” настойкасининг 1:10 нисбатдаги 60% ли этил спиртли суюлтирмаси қўлланилди.

Натижалар. Настойка ташқи кўриниши бўйича тўқ яшил рангдаги тиник эритма бўлиб, ўзига ҳос ҳидли ва куйдиручи аччиқроқ мазага эга бўлиб, қуруқ қолдиқ 25% ни, зичлиги 0,895 г/см³, этил спиртининг миқдори 59,0% ни ташкил этди.

“Гепатонорм” настойкаси таркибидаги рутиннинг миқдорий таҳлили тесқари фазали ЮССХ усули ёрдамида амалга оширилди. “Гепатонорм” настойкаси таркибидаги рутиннинг миқдори 1,781 мг/мл ни ташкил этиб, чўққи майдони 9885,05 mAU*S га ҳамда ушланиш вақти 15,446 дақ. га тенглиги аниқланди.

Хулосалар. Тиканли артишок настойкасини ДФ талабларига мувофиқ ташқи кўриниши, ранги, таъми, ҳиди, зичлиги, спиртининг миқдори ва қуруқ қолдиқ каби сон кўрсаткичлари аниқланди. Тиканли артишок асосида олинган “Гепатонорм” настойкасининг таркибидаги рутиннинг миқдорини аниқлашнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Настойка таркибидаги 1,781 мг/мл ни ташкил этди.

Адабиётлар:

1. Миррахимова Т.А., Набиева Н.М. Исследование эмбриотоксичности и тератогенности сухого экстракта артишока колючего //Фармацевтический журнал.-Ташкент, 2015.- №1.-С.108-110.
2. Миррахимова Т.А. Перспективы использования артишока колючего в фармации. Монография. Ламберт академик паблишинг.-2019.-208 с.
3. Doğan S., Turan Y., Ertürk H., Arslan O. Characterization and Purification of Polyphenol Oxidase from Artichoke (*Cynara scolymus* L.) // J. Agric. Food Chem., 2005.- vol. 53, N 3.-pp. 776-785.
4. Alonso M.R., Garcia M.del C., Bonelli C.G.: Validated HPLC Method for Cynarin Determination in Biological Sample //Acta Farm. Bonaerense, 2006.- vol. 25, N 2. – pp. 267–270.

АНТИРЕТРОВИРУС ДОРИ ВОСИТАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ОИД

Мухамадиева М.М., Кариева Ё.С.


Тошкент фармацевтика институти
e-mail: yosk@mail.ru

Долзарблиги. БЖССТ маълумотларига кўра, одам иммунитетни танқислиги вируси жаҳон соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда: 2018 й. якунида касалланганлар сони 37,9 миллионни, вафот этганларни сони эса 32 миллиондан ортиқни ташкил қилган. Аммо сўнги йигирма йилда ушбу глобал эпидемияни кечишида ижобий тенденциялар кузатилаётган. Масалан, 2000 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ушбу касалликка чалинган беморлар сони 37%га, вирус билан боғлиқ бўлган ўлим ҳолатлари 45%га камайган. Ижобий тенденцияларни асосий сабаби ҳам профилактика чораларини, ҳам антиретровирус терапиясини (АРВТ) қўллашдир. Жумладан, АРВТни қўллаш натижасида ушбу давр ичида 13,6 миллион инсонлар ҳаёти сақланиб қолди [1,2,3].

Аммо ўтказилган маркетинг таҳлили ушбу гуруҳ дори воситалар Ўзбекистонга асосан хорижий давлатлардан кириб келишини кўрсатди. Шу сабабли, антиретровирус терапиясида қўлланиладиган препаратларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий корхоналарга жорий қилиш республика фармацевтика соҳасининг долзарб муаммоларидан бири.


Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муаллифлар томонидан антиретровирус терапиясида қўллашга мўлжалланган эфавиренз дори воситасини таблетка шаклида технологиясини яратиш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш режалаштирилган.

Мақсади. Ушбу тадқиқот мақсади эфавиренз субстанциясининг структура-механик хоссаларини аниқлаш бўлди.



а)

б)



в)

г)

Эфавиренз субстанцияси намуналарининг микрофотографияси:
Катталаштириш: а) 140 марта; б) 200 марта; в) 280 марта; г) 400 марта

Материаллар ва усуллар. Структура-механик хоссаларни аниқлаш учун аналитик ишларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган BA210 Digital рақамли камерали микроскоп қўлланилди. Микроскоп 3 мегапикселли ўлчамлари бўлган CMOS чип билан жиҳозланган. Бунда заррачалар 20дан 400 мартагача катталаштириштирилди.

Олинган натижалар. Эфавиренз субстанцияси заррачаларининг микрофотографияси расмда келтирилди.

Микрофотография натижалари эфавиренз субстанцияси кристаллик тузилишга эгалигини исботлади. Бунда улар узун тўрт бурчак тайёқчалар шаклидаги кристаллар бўлиб, узунлиги - 3,49 мкмдан 33,72 мкмгача, эни - 1,16 мкмдан 4,65 мкмгача бўлди. Заррачаларнинг ўртача узунлигининг ўртача энига бўлган нисбати 6.4 га тенг бўлди, яъни заррачалар чўзилган шаклга эга.

Шундай қилиб, эфавиренз субстанциясининг заррачалари анизодиаметрик бўлиб, бундай кукунлар умумий ҳажмда майда фракцияларнинг улуши кўплиги билан таърифланади, уларнинг прессланувчанлиги ижобий бўлиб, ғоваклиги ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлади.

Хулосалар. Эфавиренз субстанцияси заррачаларининг шакли ва ўлчамларини аниқлаш натижасида ушбу субстанциядан тўғридан-тўғри пресслаб таблетка дори шаклини олиш имкони йўқлиги маълум бўлди, яъни сифатли таблеткаларни олиш учун ёрдамчи моддалар мажмуасидан фойдаланиб, прессланадиган массани нам донадорлаш усулини қўллаб тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. ВИЧ/СПИД // Информационный бюллетень ВОЗ.- 25 июля 2019 г.
2. Всемирная организация здравоохранения. Сводное руководство по использованию антиретровирусных препаратов для лечения и профилактики ВИЧ-инфекции // Клиническое руководство: антиретровирусная терапия.– 2016. – С. 71-150.
3. Розенберг В.Я. Высокоактивная антиретровирусная терапия (ВААРТ). Available from: <http://www.spidcentr38.com>

ФАРМАКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ТАБЛЕТОЧНОЙ МАССЫ НА ОСНОВЕ ЛОПЕРАМИДА ГИДРОХЛОРИД

Назаркулов М.С., Илхамова Н.Б.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: pharmi@pharmi.uz*

Актуальность. Среди основных проблем фармации ведущими являются расширение ассортимента лекарственных препаратов и улучшение биофармацевтических свойств существующих. Необходимо отметить всё более возрастающую роль препаратов-дженериков на мировом фармацевтическом рынке, что объясняется высокими затратами на разработку и внедрение оригинального препарата. Учитывая это, правительства многих развитых стран стремясь снизить затраты на производство лекарств, сохраняя при этом их безопасность и высокую терапевтическую эффективность, увеличивают долю генерических препаратов в ассортименте лекарственных средств.

Вышеперечисленные факты подтверждают актуальность разработки новых и усовершенствования существующих лекарственных препаратов.

В данном сообщении приводятся результаты изучения технологических свойств таблеточных масс с целью прогнозирования выбора состава и технологии таблеток противодиарейного действия.

Целью нашей работы являлось изучение фармако-технологических свойств прессуемой массы рекомендуемых таблеток на основе лоперамида гидрохлорид.

Материалы и методы: Для разработки технологии и подбора состава рекомендуемых таблеток были изучены размер частиц и их форма, пористость, фракционный состав, сыпучесть, насыпная плотность, остаточная влажность, прессуемость, коэффициенты уплотнения и др.

Эксперименты проводились приведенными в литературе методами.

Для разработки таблеток на основе лоперамида гидрохлорида нами были апробированы составы с различными композициями вспомогательных веществ и их соотношениями. Для исследований использовали специальный комплект из 5 сит, расположенных одно над другим, с диаметром

отверстий 2, 1, 0,5, 0,25, мм. Определение насыпной плотности порошка проводили на приборе модели 545 Р-АК-3. Для определения сыпучести использовали прибор Эрвека марки ВП 12-А. Угол естественного откоса определяли с помощью прибора ВП 12-А. Для определения коэффициента прессуемости взвешивали навеску 0,5 г порошка, прессовали в матрице с диаметром отверстий 11 мм при давлении 120 МПа. Коэффициент прессуемости вычисляли по формуле делением массы полученной таблетки на ее высоту. Коэффициент уплотнения определили в матрице диаметром отверстие 11 мм. Массу навески 0,5 г прессовали при давлении 120 МПа. Затем измеряли высоту таблеток. Определение пористости проводили по методу, рекомендованному С.М. Махкамовым. Для этого навеску прессуемого материала в количестве 0,3 г прессовали в матрице диаметром отверстий 9 мм при давлении прессования 680 МПа. По разнице объема порошка до прессования, который вычисляли исходя из показателей насыпной плотности, и объема таблеток после прессования вычисляли процентное содержание пористости материала. Для определения остаточной влажности в порошке и грануляте использовали влагомер фирмы «Кетт», а также определяли по методу высушивания до постоянной массы по ГФ XI.

Результаты: В результате проведенного анализа, введение вспомога-тельных веществ приводит к изменению фракционного состава и соответственно других технологических показателей. Результаты гранули-рования указывают на значительное укрупнение размеров частиц, где основная часть массы соответствует фракции -1000+500 мкм. Прессуемость в смеси понизилось от 80 до 41. Использованные вспомогательные вещества улучшали некоторые технологические свойства субстанции лоперамида - сыпучесть, насыпную плотность. Также сыпучесть субстанции в прессуемых гранулах увеличивалась, вдвое возросла насыпная масса. По результатам исследований, угол естественного откоса составляет 52,4 градуса, который в дальнейшем был сопоставлен с показателями отдельных прессуемых масс для анализа приемлемости подобранного состава и рекомендуемой технологии таблеток.

Такие технологические показатели, как насыпная плотность (543 кг/м^3), сыпучесть ($7,4 \cdot 10^{-3} \text{ кг/с}$), коэффициент прессуемости (1,22), уплотняемости (2,4) и др. имели более позитивные значения у прессуемой массы, чем у субстанции, что свидетельствует о правильном подборе вспомога-тельных веществ и хода технологического процесса. Оптимальной является остаточная влажность в пределах 3,2 - 3,4%. В результате проведенных исследований определены основные критерии подхода к разработке состава и технологии таблеток против диареи. Также, порезультатом проведенных исследований по изучению технологических свойств таблеточных масс прогнозировали о качестве готовой продукции после прессования.

Выводы: Таким образом, благодаря сочетанию технологических свойств вспомогательных веществ нами получена таблетированная форма следующего состава: лоперамида гидрохлорид, лактоза гранулированная, крахмал кукурузный и магния стеарат.

Литература:

1. Борискина Т.Б. Инновационный подход в реализации средств маркетинговых коммуникаций на фармацевтическом рынке / Т.Б. Борискина // Транспортное дело России. – 2008. – №4. – с.82-85.
2. Н.Б. Шодиева, Х.М. Юнусова. Состояние регистрации таблеток Пирацетама в Республике Узбекистана и перспективы их производства // Фармацевтический вестник Узбекистана. - 2011.- №4.- С.9-14.
Xulosalar. Ta’limni bugungi kun talablari asosida qayta tashkil etish uchun o’quv materiallarini qayta ishlab chiqish talab etiladi. Bunda modul uchun belgilangan mavzularning o’quv materiallarini talabalarda sohaga doir qiziqish uyg’otuvchi misollar bilan boyitish, aniq maqsadga qaratilgan bo’lishini ta’minlash, amaliy mashg’ulotlar uchun aniq, hayotiy masalalar tuzish, ularga hodisalar, faktlar va qonuniyatlarni o’rgatishda xamda ma’lumotlarni tahlil qilishda atroflicha yondoshish, oddiy va sodda tushunchalardan foydalanish, o’zlashtirishga va eslab qolishga oson misollar keltirish, fanning xar bir bo’limi uchun alohida, mutaxassislik fanlari bilan xamkorlikda integrallashgan darslar o’tish talabalarning zamonaviy bilim va yuksak ma’naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib xissa qo’shadigan, mehnat bozorida o’z o’rnini topa oladigan yuqori malakali mutaxassislar bo’lib yetishishlarida o’z xissamizni qo’shgan bo’lamiz.

Adabiyotlar:

1. ”O’zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojantirish konsepsiyasi to’g’risdagi” O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni/ Toshkent. 2019-yil, 8-oktyabr.
2. Abduraxmonov B.A., Xurramov SH.R. Oliy matematika// O’quv qo’llanma.1- va 2- jildlar. T.: ”O’quv-ta’lim metodika”. 2018 y. 251 b.
3. Павлушков И.В. Основы высшей математики и математической статистики. М.: GEOTAR-Media, 2008.
4. Баврин И.И. Краткий курс высшей математики для химико-биологических и медицинских специальностей. М.: ФИЗМАТЛИТ, 2003.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ
1992-2017 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА РИВОЖЛАНИШИ.
А.К. ИСЛОМБЕКОВ НОМЛИ АЖ “УЗФАРМСАНОАТ”**

Азимова М.Т.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: muniraa77@mail.ru*

Долзарблиги. Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг ривожланиш тарихи ва фармацевтика корхоналарининг фаолияти босқичма босқич ўрганилмоқда.

Мақсад. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, 1992-2016йй. мобайнида А.К. Ислombeков номли “Ўзкимёфарм” акционерлик жамияти фаолияти мисолида, фармацевтика саноатини ривожланиши, ишлаб чиқарилган дори воситаларни, уларни ассортиментни каби долзарб муаммолари ўз ечимини топганлиги ушбу тезисда келтирилган.

Мустақил Ўзбекистонда ўзбек фармацевтика саноатининг ташкил этилишида ва ривожланишида айнан шу уюшма энг бошида турган. Ушбу фармацевтик корхонаси билан хамкорликда бўлган бошқа корхоналар ўртасида мунособатлар узилиб кетган эди, янги боғланишларни тикланиши эса долзарб масалаларидан бири эди. Шартномалар тузиш, корхонани модернизациялаш ишларини олиб бориш-энг мухим масалалардан бири эди. Бутун мамлакат бўйича иктисодиёт янги даврга йўл бошлади.

1998-2017 йиллар мобайнида 27 та гален препаратлари жумладан “псорален”, “фитин”, “галантамин” қиёмлари ишлаб чиқарилиши ташкил қилинган. 27.10.1995 йили С.К. Ислombeков номли ишлаб чиқариш уюшмаси-акционер жамиятга қайта номланди ва Тошкент шаҳар Миробод тумани хокимиятининг 27.10.1995 й №518\9 сонли қарори билан тасдиқланди. Бу оддий бўлмаган вақтда энг кекса фармацевтик корхона иш тезлигини ошириб, янги дори воситалар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш билан банд эди. А.К. Ислombeков номли “Ўзкимёфарм”

акционерлик жамиятини бошлиғи ва ходимларини жонкуярлиги, харакатлари сабабли Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикасида корхонанинг фармацевтик махсулотларини реализация қилиш мақсадида дорихоналар очилиб, ишга тушди

Тошкент шаҳар Миробод тумани Хокимиятни 20.05.1999 йили №880 сонли қарори билан С.К. Исломбеков номли “Ўзкимёфарм” корхонаси очик акционер жамияти номига эга бўлди (ОАЖ).

Корхона 2000 йилдан бошлаб “Галеника” фармацевтик ишлаб-чиқариш корхонасига таъсислик қилди. Ушбу “Галеника” корхонаси гален препаратларни чиқаришга мослашган эди, булардан: йодни спиртли эритмаси, бриллиант кўки, стрептоцид, цинк, қуритилган дўлана, анжир тиндирмалари, боғлов материаллар.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2007 йил 19 ноябрь №ПП-731 сонли қарорига ишлаб чиқилган “Фармацевтик йўналишдаги барча корхоналарни 2021 йилгача катта модернизациялаш, техник ва технологик ўзгартириш дастури”га асосан ушбу фармацевтик корхонанинг ампула цехини таъмирлаш ишлари, режада кўрсатилган муддатларга бажарилди. Хатто 2012 йилини ўзида цех ишга тушиб қатор сууюқликлар: новокаин 0,5%, натрий хлорид 0,9% эритмаларини чиқиши таъминланиб, унда ампулаларни шприц ёрдамида тўлдириш усули қўлланилди.

26.06.2014 йили “Узфармсаноат”ни Очик Акционер жамияти республика қонуни” Акционер жамиятини ҳуқуқини химоя қилиш”(янги тахрирларда- 6.05.2014 й) “Ўзкимёфарм” Акционер жамиятига айлантирилди ва Миробод Хокимиятини тадбиркорлик субъектларни рўйхатига олиш инспекцияси томонидан 26.06.2014 йили рўйхатга олинди (№ 001011-03)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридаги “Республикани фармацевтик саноатини ривожлантириш ишлари” бўйича дастури 2016-2020 йилларда(11 сентябрь 2016 йил) корхона раҳбарияти томонидан фитопрепаратлар цехини технологик ускуналарини модернизациялашда алохида эътибор берилмоқда.

Бизни мамлакатимиз маҳаллий ўсимлик флорасига жуда бой, гиёҳлар асосида тайерланган инсон организмга зарарсиз дори дармонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хозирги кунда фитоцех қуруқ қуқунларни олиш учун технологик йўл ишга туширилмоқда. Бунинг ютуғи, самараси шундаки, ушбу қуруқ қуқунларда биологик фаол моддалар тўла сақланиб қолади.

Кўп йиллардан бери фармацевтик корхона ўсимлик моддалари кимёси институти билан ҳамкорлик қилади: “Аксаритмин” антиаритмик дори воситаси, стенокардия хуружини олдини олиш учун яратилган “Кардиоэффект” яратилди.

Фармацевтик корхона Тошкент тиббиет академияси билан биргаликда ўсимликлар асосида ишланган ва амалиётга тадбиқ этилган тинчлантирувчи “Фитопассит” дори воситаси бўлиб у хорижий препарати “Новопассит” ни аналогидир. “Стронгер-Нео-Минофаген С” аналог, мазкур корхонада ишлаб чиқарилган “Эффор” препарати-ёғли гапатоз, жигар циррози, жигар шикасланганида ва тери касаллигида ва аллергияда қўлланилади.

Хулосалар. Хозирги кунда корхона аҳоли учун зарур бўлган “Микройодия” таблеткалари чиқарилмоқда, Бу препарат йод етишмовчилигида профилактикада, буқоқ ривожланишини олдини олишда, айниқса хомилдорлар ва эмизувчи аёллар, ўсмирлар ва болалар орасида самарали ёрдам кўрсатади. Алохида этиб ўтиш лозимки фитин асосида биофаол қўшимчалар яратилди, булар: “Йодофитат”, “Аскофитат”, “Феррофитат” каби дори воситалар.

“Ўзкимёфарм” АЖ корхонасининг Ўзбекистон мустақиллигидан аввал 1990 йиллар ва хозирги кунгача ҳаётини ёритиб беришга харакат қилдим.

Адабиётлар:

1. <http://www.uzkimyopharm.uz>, medlibrary.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГРИПП КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ВАКЦИНАЛАР БОЗОРИНИ ЎРГАНИШ

Алимова Б.Р., Садикова Г.Э., Саидова М.Я.

*Тошкент фармацевтика институтини
e-mail: bilioner5000@gmail.com*

Долзарблиги: Вакцинация гриппнинг оғир асоратларининг олдини олишнинг энг самарали чораси ҳисобланади. Гриппга қарши эмлаш ҳафсиз ва самарали бўлиб, гриппни олдини олиш ва эпидемиялардан зарани камайтиришнинг асосий воситасидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра Европа минтақасида мавсумий грипп билан боғлиқ нафас йўллари касалликларидан 44000дан ортиқ одам вафот этади ва дунё бўйлаб бундай ўлимлар сони 650000 кишини ташкил қилмоқда.

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси бўйича грипп касаллигини олдини олиш вакциналарнинг бозорини ўрганиш.

Усул ва услублар: ассортимент таҳлил, 2015-2020 йилларнинг DRUG AUDIT маълумотлар базаси натижаларининг таҳлили, статистик маълумотлар таҳлили.

Натижалар: Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган грипп касаллигини олдини олишда ишлатиладиган вакциналар таҳлили DRUG AUDIT маълумотлар базасининг 2015-2020 йиллардаги натижалар асосида олиб борилди (1-жадвал). Бунда маълумотлар базасидаги натижалар ҳар бир

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган грипп касаллигини олдини олишда ишлатиладиган вакциналар таҳлили

Т/р	Дори воситанинг номи	Ишлаб чиқарувчи	Дори воситанинг шакли	Микдори	Суммаси USD
1.	Ваксигрип инакт. сплит-вакцина 0,5мл	Франция	вакцина	126 000	768 500
2.	Ваксигрип инактив сплит-вакцина 0,25мл	Франция	вакцина	250 216	1 991 719,36
3.	Ваксигрип Тетра сусп. 0,5мл	Франция	вакцина	68 000	408 000
4.	Вакфлю 0,5мл №5	Хитой	вакцина	80 000	1 120 000
5.	Вакфлю вакцина гриппга сусп. 0,5мл №1	Хитой	вакцина	70 000	868 000
6.	Вакфлю вакцина гриппга сусп. 0,5мл №1	Хитой	вакцина	70 000	980 000
7.	Вакцина ротавирусли 1 доза 2,5мл №50	Хиндистон	порошок	1 500	4 500
8.	Вакцина ротавирусли 2 дозы 5мл №50	Хиндистон	порошок	328 537	624 220,30
9.	Инфлювак QIV сусп. 0,5мл №1	Нидерланд	суспензия	16 504	117 343,44
10.	Инфлювак сусп. 0,5мл	Нидерланд	суспензия	597 424	3 471 519,92
11.	Назовак-С вакцина 2020/21 мавсум	Хиндистон	вакцина	35 000	224 000
12.	Насовак-С вакцина 2019 20 доз	Хиндистон	вакцина	1 200	6 000
13.	Ротарикс сусп. 1,5мл	Бельгия	суспензия	3 809 460	7 997 954,40
14.	Совигрипп р-р 0,5мл №10	Россия	вакцина	85 004	1 601 706,48
15.	Ультрикс Квадри 2020/21 мавсум	Россия	вакцина	350 000	1 676 200
16.	Флю М сезон 2020/21 р-р 0,5мл №10	Россия	вакцина	4 000	117 400

йил учун ўрганилиб чиқилди, грипп касаллигини олдини олишда вакциналар халқаро патентланмаган номлари бўйича рўйхати тузилиб, уларнинг миқдори ва умумий суммаси аниқланди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики Ўзбекистон Республикасига энг кўп кириб келган “Ротарикс сусп. 1,5мл 1 дозали” вакцина Бельгия мамлакатидан 3 809 460 ўрамда умумий ҳисобда 7 997 954,40 USDда 2015-2020 йилларда олиб кирилган бўлиб умумий сумманинг 36,4%ни ташкил этган. Энг кам миқдордаги “1 дозали Вакцина ротавирусли 2,5мл” №50 Хиндистон вакцинаси 4 500 USDда олиб кирилганлиги аниқланди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган грипп касаллигини олдини олишда ишлатиладиган вакциналар 2015-2020 йиллар миқдори бўйича ва умумий суммадаги таҳлили

Т/р	Йиллар	Миқдори (ўрам)	Суммаси USD
1.	1 йил	2 377 547	15 093 532
2.	2 йил	2 035 649	14 697 347
3.	3 йил	2 345 467	15 927 804
4.	4 йил	1 271 876	11 621 276
5.	5 йил	2 592 162	16 983 153
Жами:		10 622 701	74 323 112

Хулосалар: Ўзбекистон Республикасига DRUG AUDIT маълумотлар базасининг натижаларига кўра 2015-2020 йилларда умумий миқдордаги ҳисобда 10 622 701та ўрам вакциналар 74 323 112 USDда олиб кирилган бўлиб, улар ичидан грипп касаллигини олдини олишда ишлатиладиган 5 779 445та ўрам вакциналар 21 977 063,90 USDда бўлиб, бу эса 29,6%ни ташкил этди.

Адабиётлар:

1. Ш.Ф.Шодманов, Ш.З.Умарова. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган офтальмологик касалликларидида қўлланиладиган дори воситаларни таҳлили. 76-илмий анжуман материаллари. 23-24 май, 2019 й.
2. Алимова Б.Р., Ашуров А.А., Садыкова Г.Э. анализ ассортимента противогриппозных вакцин в Республике Узбекистан. Менеджмент и маркетинг в составе современной экономики, науки, образования, практики. - Материалы IX Международной научно-практической дистанционной конференции. 18 февраля 2021года - стр 165-167.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОНТЕНТ ТАҲЛИЛИ


Алимухамедова С.А., Фозилжонова М.Ш., Хатамов Х.М.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: malikapharmi@mail.ru*

Ўзбекистон Республикасининг Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрининг навбатдаги наشري Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» давлат унитар корхонаси томонидан 2021 йил январга қадар давлат рўйхатидан ўтказилган маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ҳамда субстанцияларнинг тўлиқ рўйхатларини ўз ичига олган.

Мақсад: шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрининг 2021 йил ҳолатига кўра аллергия касаллигида қўлланиладиган дори шакллариининг контент таҳлилини ишлаб чиқишдан иборат.


Ушбу мақолада аллергияга қарши дори препаратларининг Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги ҳолатининг комплекс таҳлили натижалари келтирилди. 2021 йилда регистрация қилинган аллергияга қарши дори воситаларини миқдори ўрганилди, бу дори препаратларини ишлаб чиқарган фармацевтик фирмалар улуши қиёсий ўрганилди ва республика худудига олиб келинган миқдори аниқланди.



1-расм. Аллергияга қарши препаратлар регистрациясининг давлатлар кесимидаги таҳлили (2020 й.)

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Республикамизда жами 377 та аллергияга қарши препаратлар рўйхатдан ўтган бўлиб, шулардан 217 таси чет эл, 60 таси МДХ давлатлари ва 100 таси маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади.

2021 йилги 25-сонли Давлат Реестрида қайд этилган аллергияга қарши дори воситаларининг 65 та Ҳиндистонда, 34 та Туркияда, 14 та Италиядан, Белгия, Хитой, Венгрия, Покистон 9 тадан ишлаб чиқарилиши аниқланди (2 – расм).



2-расм. Аллергияга қарши дори воситаларини олиб киришга рухсат олган хорижий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг улушлари.

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикасида қайд этилган Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрида қайд этилган аллергияга қарши дори воситалари ассортимент кенглигининг ўзгариш динамикаси ўрганилганда, бу муддат оралиғида ассортимент кенглиги ошган. Умумий ўсиш ассортимент кенгайиши йилдан йилга мунтазам ўсиб бориши кузатилмоқда (жадвал).

Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги 2020 йилда хорижий давлатлар фармацевтик корхоналар томонидан регистрация қилинган аллергияга қарши дори препаратлари таҳлил қилинди ва улар томонидан аллергияга қарши турли дори шакллари ичида энг катта фоизни таблеткалар, инъекция учун эритмалар, ичиш учун томчилар, кўз томчилари ҳамда назал спрейлар ташкил қилиши маълум бўлди.

Аллергияга қаршидори воситаларининг дори шакллари бўйича ассортимент структураси (2020 й)

Дори шакли	Хорижий фармацевтик корхоналартомонидан
Таблеткалар	65
Инъекция учун эритмалар	19
Лиофилизат	4
Сироплар	21
Кўз томчилари	22
Ичиш учун томчилар	10
Аэрозол	6
Назал спрейлар	24
Гель, крем, лосьон	2, 15,3
Капсулалар	-
Драже	-
Суртмалар	17
Суспензия	8
Плёнка	1
Жами	217

Хулоса: Ўзбекистон фармацевтика бозорининг аллергияга қарши дори воситалар сегменти ўрганилди ва таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилда Республикада хорижий давлатлар фармацевтик корхоналар томонидан регистрация қилинган аллергияга қарши дори препаратлари жами 217 та препаратлар рўйхатдан ўтганлиги қайд этилди.

Адабиётлар:

1. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №25, 2021 г.
2. Колхир П.В. Доказательная аллергология-иммунология. М.: Практическая медицина, 2010. - 528 с.
3. Аллергология и иммунология: национальное руководство / под ред. Р.М. Хаитова, Н.И. Ильиной. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2009. - 656 с.

НООТРОП ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ КОНТЕНТ ТАҲЛИЛИ

Алланазарова М.К., Умарова Ш.З., Содикова Н.А.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: malikapharm.mail.ru.*

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 30-августда ПҚ-3925-сонли “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди, республика бўйича ва ҳар бир ҳудудда неврологик касалланиш тенденцияларини ўз вақтида аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ва таҳлилий ишларни амалга ошириш, соғлиқни сақлаш муассасалари учун мазкур касалликларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш ва даволаш схемаларини ишлаб чиқишни вазифа этиб белгилаганлар [1]. Бугунги кунга келиб, айниқса, болаларда асаб тизимининг шикастланиши, мия ярим фалажи, диққат етишмовчилиги, ақлий фаоллик пасайиши, ривожланишида, ўзини тутишида ва ўрганишдаги қийинчиликлари ортиб бормоқда. Ноотроплар бу миянинг юқори интеграл функцияларига самарали таъсир кўрсатадиган дорилардир. Ноотроплар бу боланинг хотирасига, ақлий фаолиятига таъсир қилувчи, шунингдек мияни ташқи муҳитнинг салбий таъсирига чидамлилигини оширишга ёрдам берадиган дорилар гуруҳидир.

Мақсад. Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестридан рўйхатдан ўтган ноотроп дори воситаларининг ассортимент таҳлилини ўтказиш.

Усул ва услублар. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри”дан 2020-йилдаги №24-сонда рўйхатдан ўтган ноотроп дори воситаларининг ассортиментининг контент таҳлил усуллари.

Натижалар. “Дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри”нинг 2020-йил №24-сонли ҳолатига кўра ноотроп дори воситалари 33 хил халқаро патентланмаган номда рўйхатдан ўтган. Улар 135 хил савдо ном билан қайд этилган. Ноотроп дори воситалари дори шакли, дозаси ва қадок шакллари ҳар хиллигини инобатга олганда, умумий ҳисобда 193 тани ташкил этди.

Ноотроп дори воситалари Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ва 15 та давлат томонидан рўйхатдан ўтган. Шулардан 36% (69 та) и - маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига, 33% (64 та) и хорижий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига, 31% (60 та) и - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳиссасига тўғри келди. Рўйхатдан ўтган дори воситаларининг миқдори жиҳатидан лидер давлатлар қаторини Ўзбекистон (36%), Россия (18%), Ҳиндистон (12%), Украина (8%) эгаллади.

Моно таркибли ноотроп дори воситалари 78% (151 та) ни, бирикмали дори воситалари 22% (42 та) ни ташкил этди. Дори шакллари бўйича таҳлил қилинганда умумий 11 хил дори шаклида ишлаб чиқарилган бўлиб, 35,8% и – қаттиқ (капсула, таблетка, кукун, гранула, лиофилизат мушакка юбориш учун) дори шакллари, 64,2% и – суyoқ (сироп, томчи, инъекция учун эритма, ичга қабул қилиш учун эритма, инфузия, суспензия) дори шакллари. Улардан инъекция учун эритмалар (48,7%) асосий ўринни, иккинчи ўринни таблеткалар (20,2%), учинчи ўринни капсула (11,9%) дори шакли эгаллади.

ноотроп дори воситалари ичида келиб чиқиши бўйича синтетик бўлганлари кўп миқдорда бўлиб - 97,9% ни, доривор ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари эса - 2,1% ни ташкил этди.

Ноотроп дори воситалари ичида халқаро патентланмаган номдаги цитиколин (70 та) ва пираретам (33 та) таркибли дори воситалари рўйхатдан ўтганлиги аниқланди.

193 хилдаги ноотроп дори воситалари умумий 117 та ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг 41,9% (49 та) и - хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчиларига, 27,4% (32 та) и - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ишлаб чиқарувчиларига ва 30,7% (36 та) и - маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган.

Дорихонада рецептсиз бериладиган ноотроп дори воситалари - 3,6% ни эгаллаган бўлса, 96,4% - ноотроп дори воситалари эса шифокор рецепти асосида берилиши аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 23-мартдаги 3289-сонли “Асосий дори воситалари рўйхати”га ноотроп дори воситаларидан 8 хил халқаро патентланмаган ном (пираретам, пептид комплекси, гопантен кислотаси, цитиколин, қаҳрабо кислотаси + никотинамид + инозин + рибофлавин фосфат натрий) да, 6 хил дори шаклида киритилган. Бу 2020-йил ноябр ойи сонда халқаро патентланмаган номи бўйича рўйхатдан ўтган умумий ноотроп дори воситаларининг 24% и дегани.

Хулосалар. Ўзбекистон Республикасида “Дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри”дан рўйхатдан ўтган ноотроп дори воситаларининг ассортименти таҳлил қилинганда, 193 та ноотроп препарати қайд этилди. Халқаро патентланмаган номда юқори кўрсаткич билан цитиколин (70 та) ноотроп дори воситалари бозорининг асосий сегментини эгаллаши аниқланди.

Адабиётлар:

1. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3925 сонли 30.08.2015 санадаги қарори.
2. Дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестрининг 2020-йил ноябр ойидаги №24 сони.
3. 2021-йил 23-мартдаги 3289-сонли “Асосий дори воситалари рўйхати”.

АССОРТИМЕНТНЫЙ АНАЛИЗ ВИТАМИННЫХ ПРЕПАРАТОВ

Ахмедова Х.Т., Садыкова Г.Э., Убайдуллаева Н.У.

Ташкентский фармацевтический институт

Актуальность. Витамины – незаменимые питательные микроэлементы. Они не дают энергии, но жизненно важны для нормальной работы организма и поддержания здоровья. При дефиците витаминов развиваются различные обменные нарушения, которые приводят к сбоям в работе организма и формированию патологий. Дефицит возникает при нарушении их поступления в организм или проблемах с их всасыванием и усвоением.

Цель: изучение ассортимента витаминных препаратов, зарегистрированных в Республике Узбекистан за период 2018-2020 годы.

Материалы и методы: данные Государственного реестра лекарственных средств и медицинских изделий Республики Узбекистан №22 2018г, №23 2019г, №24 2020 года, ассортиментный анализ, статистический метод анализа данных.

Результаты: проанализирован ассортимент витаминных препаратов, зарегистрированных в Государственном реестре лекарственных средств и медицинских изделий Республики Узбекистан №22-24 2018-2020 годы. Этот анализ витаминных препаратов в 2018 году почти одинаковые доли регистрации по производственному признаку лекарств по зарубежным и отечественным лекарственным средствам с небольшой разницей в 3 позиции– 136 и 133 наименования, что составляет 40% и 39%, по странам СНГ – 74 наименований, что составляет 36% и по странам СНГ – в количестве 21,5% (рис.1).




Рис.1. Анализ регистрации витаминных препаратов за 2018-2020 годы по производственному признаку.

Анализ витаминных препаратов в 2019 году регистрации по производственному признаку лекарств по зарубежным и отечественным лекарственным средствам показал с небольшой разницей в 5 позиций– 138 и 133 наименования, что составляет 40% и 38%, по странам СНГ – 75 наименований, что составляет 21,6%. Анализ структуры ассортимента витаминных препаратов по составу показал, что локальный рынок составляет моно компонентные препараты в количестве 245 и доля их 44% и комбинированные препараты в количестве 317 и доля процентного содержания - 56%.

Анализ витаминных препаратов по составу показал, что ассортимент витаминных препаратов делиться на монокомпонентные препараты, что на локальном рынке 2018 года составил в количестве 166 и доля их 51,6%, а комбинированные препараты в количестве 177 и доля процентного содержания – 48,4%. В 2019 году ассортимент составил в количестве 168 и доля их 51,4%, а комбинированные препараты в количестве 178 и доля процентного содержания – 48,6%. В 2020 году ассортимент витаминных препаратов составил в количестве 245 и доля их 44%, а комбинированные препараты в количестве 317 и доля процентного содержания – 56%.




Рис. 2. Структура витаминных препаратов по составу.

Выводы: Проведение ассортиментного анализа витаминных препаратов по производственному признаку, выявил преобладание доли лекарств по отечественным лекарственным средствам в 2018 году-39%, в 2019 году-38%, а в 2020 году-48% наименований, это говорит о динамике роста регистраций отечественных препаратов. Структурный анализ витаминных препаратов показал, что ассортимент препаратов за три года увеличился и в 2020 году составил по монокомпонентным препаратам 44%, а по комбинированным 56% это показывает, что спрос на препараты с каждым годом растет.

Литература:

1. Садыкова Г.Э., Ахмедова Х.Т., Убайдуллаева Н.У. Ассортиментный анализ витаминных препаратов. Менеджмент и маркетинг в составе современной экономики, науки, образования, практики. - Материалы IX Международной научно-практической дистанционной конференции 18 февраля 2021года. 386-389 стр.
2. Государственный реестр лекарственных средств и медицинских изделий Республики Узбекистан – 2018год №22, 2019 год №23, 2020 год №24.

О ПРЕДПОСЫЛКАХ ПОЯВЛЕНИЯ ПРАВИЛ GMP

Бекчанов Х.К., Камбаров Х.К., Облокулов Ф.Ф.

*Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: bekchanov.xamd@mail.ru*

Актуальность. В последние годы в нашей республике особое внимание уделяется вопросам реализации комплексных мер по улучшению системы обеспечения населения фармацевтической продукцией (ФП) - лекарственными средствами (ЛС), изделиями медицинского назначения и медицинской техникой, созданию благоприятных условий для развития отечественной фармацевтической отрасли. В частности, в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707: подчеркнута важность вопроса внедрения на отечественных предприятиях международных стандартов, обеспечивающих возможности производства конкурентоспособной на внешних рынках ФП и повышение экспортного потенциала отрасли; установлен срок прохождения всеми отечественными производителями ЛС обязательной сертификации на соответствие национальным требованиям надлежащей производственной практики (Good manufacturing practice – GMP). Перевод отечественных фармацевтических производителей на стандарт GMP требует, в свою очередь, разъяснения сути и причин возникновения концепции GMP.

Цель – изучение причин появления и признания правил и концепции GMP.

Методы и методики. При изучении литературы, содержащей релевантную информацию, были использованы системный, исторический, логический и сравнительный методы анализа.

Результаты. Установлено, что фундамент будущих правил GMP начал создаваться в конце

40-х гг. прошлого века в результате осознания ведущими мировыми производителями ЛС важности накопления и обобщения опыта в данной области. Впоследствии появились отдельные методические указания, основанные на этом опыте (Канада, 1957 г.). Концепция GMP сложилась, начала быстро развиваться и получила широкое международное признание в результате совместного влияния ряда факторов, основными из которых являются: А) «Терапевтическая революция»; Б) Структура и характер мирового фармацевтического производства. А) «Терапевтическая революция». По окончании Второй мировой войны в Западной Европе, Северной Америке и Японии началась научно-техническая революция. Многие предприятия большой химии стали вкладывать значительные средства в поиск, производство и вывод на рынок новых терапевтически активных молекул. В результате арсенал фармакотерапии начал ежегодно пополняться десятками новых, как правило, высокоэффективных ЛС. Появилось выражение «терапевтическая революция», наступила «эпоха чудесных лекарств» - лекарств против любой хвори, даже против неудач в личной жизни или бизнесе. Часть новых препаратов создавалась по принципу «молекулярной рулетки», т.е. путем незначительной модификации химической формулы известных лекарственных субстанций. Это давало возможность запатентовать препарат и использовать признак формальной новизны в рекламных целях. Часто химические аналоги инновационных соединений имели сходные с ними терапевтические свойства, т.е. создавались ради патента, а не ради пациента. В этот период лекарствами стали считать чистые активные субстанции, произведенные промышленным способом. Содержащие их лекарственные формы рассматривались как дополнительная услуга медработникам и потребителям. Б) Структура и характер мирового фармацевтического производства. Огромный экономический успех разработки и выпуска в продажу новых ЛС привел к возникновению категории производителей, специализировавшихся на этом виде бизнеса. Большинство таких фирм, в том числе крупнейших германских и швейцарских компаний, а также американских корпораций, отпочковались от химических концернов, производивших красители, гербициды и т.п. Эти фирмы, учитывая высокую прибыльность своего бизнеса, не экономили на качестве своей продукции и акцентировали свое внимание на разработку и финансирование инновационных продуктов, развитие и совершенствование методов лабораторного контроля качества. Часто на таких предприятиях недостаточно внимания уделялось общему санитарному состоянию, мало учитывался риск случайного и перекрестного загрязнения, а также перепутывания и пересортицы исходных материалов, полупродуктов и готовой продукции, т.к. предыдущий опыт работы с красителями и продуктами агрохимии не способствовал пониманию необходимости работать чисто и аккуратно, «как в аптеке». Иная ситуация наблюдалась на предприятиях отрасли, выросших из аптек (Squibb в США, многие французские фирмы). Здесь, несмотря на увеличение масштабов изготовления медикаментов, сохранялась культура «фармацевтического порядка», иначе говоря, работы в соответствии с надлежащей аптечной практикой. Они могли отставать от филиалов химических концернов в части развития контрольно-аналитических лабораторий. В 60-е прошлого столетия в фармацевтической отрасли появилась новая категория предприятий - производители т.н. дженериков, которые не располагали ни опытом, ни финансовыми возможностями инновационных фирм. Их основным оружием стала ценовая конкуренция, основанная на принципе «экономии на всем», даже на качестве. Начиная с середины 60-х гг. с ростом объемов производства готовых ЛС и расширением их номенклатуры стали учащаться потенциально опасные для потребителей случаи перекрестного и случайного загрязнения препаратов, пересортицы этикеток, нестабильности, а с начала 70-х гг. и не биоэквивалентности препаратов. Соответственно, в этот период преимущественное развитие в управлении качеством продукции в отрасли получил профилактический и комплексный подход. Качество стало не только контролироваться, но и обеспечиваться мерами профилактики ошибок и отклонений в процессе производства.

Выводы. Таким образом, концепция GMP сложилась, начала быстро развиваться и получила широкое международное признание в результате совместного влияния ряда объективных факторов.

БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ганиева Н.Р., Султонова Г.А., Азимова Н.А., Абидов А.А.

Долзарблиги: Бачадон бўйни саратони аёллар саломатлигига таҳдид қилувчи жиддий касалликлардан бири ҳисобланади. 2018 йилда дунёда бачадон бўйни саратони билан қарийб 570 000 янги касалланганлик ҳолати қайд этилган. Ҳар йили шу касалликдан 311 000 дан ортиқ аёллар вафот этади. Саратоннинг бу турининг олдини олиш борасида синалган ва самарали стратегиялар мавжуд. Улардан бири – одам папилломавируси (ОПВ) га қарши эмлаш. Ўзбекистон бу борада биринчи қадамни қўйди, яъни мамлакатимиздаги 9 ёшли қизлар ушбу касалликка қарши эмлана бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2017 йил ПК-2866 сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида Онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида» қарори аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш имкониятини берди [1].

Бачадон бўйни саратони тарқалишига кўра жаҳонда аёлларда учрайдиган саратон касалликлари орасида тўртинчи ўринда туради. Дунёда бўлгани каби, мамлакатимизда ҳам бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида тарқалиши бўйича кўкрак беи саратонидан кейинги ўринда туради. Касалликлардан ўлим кўрсаткичи бўйича эса, ушбу хасталик барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак беи ва ошқозон саратонидан кейин учинчи ва туғиш ёшидаги аёллар (15-44 ёш) орасида эса иккинчи ўринни эгаллайди. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили юртимизда 1660 нафар аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда [2]. Шу боис бутун дунёда ушбу касалликнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Мақсад: Ушбу тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилоят филиали (РИО ва РИАТМ ТВФ) бўйича бачадон бўйни саратонинининг касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини таҳлил қилишдир.

Усул ва услублар: Илмий изланишлар контент - таҳлил, мантиқий, статистик, солиштирма таҳлил тадқиқот усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Натижалар: 2020 йил ҳолатига Тошкент вилояти аҳолиси 2 941 372 ни ташкил қилади. Вилоятда сўнгги йилларда ҳавфли ўсма касалликлар билан бирламчи касалланиш ҳолати 2326 тадан 2522 тага (108%), диспансер ҳисобида турувчи беморлар сони 9534 тадан 10396 тага (110%), даволанган беморлар сони 10753 нафардан 11672 нафарга (108%) ошган. Беморларнинг 70% (7350 таси) нур терапиясига муҳтож.

2018 йилда бачадон бўйни саратони ташхиси билан бирламчи рўйхатга олинган беморлар сони - 161, 100 000 аҳоли сонига нисбатан касалланиш кўрсаткичи 5,61 ва профилактик кўриқда аниқланганлар сони - 51(31,68%) ни ташкил қилган. Ўлим интенсив кўрсаткичи 100 000 аҳоли сонига нисбатан -127 га тенг бўлиб, бу бошқа ҳавфли ўсма касалликларининг 4,43% тенг.

2019 йилда бачадон бўйни саратони ташхиси билан бирламчи рўйхатга олинган беморлар сони - 169, 100 000 аҳоли сонига нисбатан касалланиш кўрсаткичи 5,83 ва профилактик кўриқда аниқланганлар сони - 60 (35,50%) ни ташкил қилган. Ўлим интенсив кўрсаткичи 100 000 аҳоли сонига нисбатан -118 га тенг бўлиб, бу бошқа ҳавфли ўсма касалликларининг 4,07% тенг.

2020 йилда бачадон бўйни саратони ташхиси билан бирламчи рўйхатга олинган беморлар сони - 165, 100 000 аҳоли сонига нисбатан касалланиш кўрсаткичи 5,61 ва профилактик кўриқда аниқланганлар сони - 51 (31,68%) ни ташкил қилган. Ўлим интенсив кўрсаткичи 100 000 аҳоли сонига нисбатан -136 га тенг бўлиб, бу бошқа ҳавфли ўсма касалликларининг 4,62% тенг.

Барча турдаги ҳавфли ўсмалар дастлабки босқичлари қанча эрта аниқланса, касалликни самарали даволаш имкони шунча юқори бўлади. 2020 йил маълумотларига кўра бачадон бўйни саратонининг I босқичида аниқланганлар сони - 3 (1,82%), II босқичида - 80 (48,48%), III босқичида - 64(38,79%) ва IV босқичида - 18 (10,91%) ни ташкил қилган.

Республикаимиз ҳудудида “COVID - 19” инфекцияси тарқалишини олдини олиш чора - тадбирлари давомида филиал 31-март 2020 й №27 Буйруқ асосида 14 кунлик карантинда, сўнг вилоят санитария эпидемиология осойишталиги марказининг 2020 йил 17 апрелдаги 01/1409 - сонли хатига асосан ўтказилган санитария тозалов ишлари якунига етганидан сўнг жорий йилнинг 24 апрель кунидан ўз фаолиятини ўрнатилган тартибда давом эттирди. Бу ҳолат юқорида келтирилган кўрсаткичларда ўз аксини топганлини кўришимиз мумкин.

Хулоса: Профилактик кўриқлар сифат ва самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет сайтларида) аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш ҳамда РИО ва РИАТМ Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассислари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессорлари томонидан ҳудудларда касалликни эрта аниқлаш бўйича мунтазам чуқурлаштирилган тиббий кўриқларни ташкил этиш керак.

Адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2017 йил ПҚ-2866 сон «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида Онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида» қарори.
2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Бачадон бўйни саратонисиз келажак” халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. 20.08. 2019 йил.

АЛЬЦГЕЙМЕР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ КАСАЛЛАНИШ КУРСАТКИЧИ ТАҲАЛИЛИ

Жаннатиллаев Р.Т., Султонова Г.А., Суюнов Н.Д.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: dr.gulnora61@gmail.com.*

Долзарблиги: Альцгеймер бу – олий руҳий фаолиятнинг кучайиб борувчи бузилиши билан кечувчи ва йиллар ўтиб оғирлашади, ва тугалланувчи нейродегенератив касаллик ҳисобланади. Ушбу хасталик айрим адабиётларда Алсхаймер касаллиги, Пресенил деменция, деб ҳам юритилади. Касаллик илк маротаба 1906-йил немис психиатри Алоис Альцгеймер томонидан аниқланган ва кўпинча ўлим билан якун топиши, олимларнинг уни янада чуқур ўрганишга туртки бўлган. Альцгеймер касаллиги юзасидан бутун жаҳон олимлари ҳозирги кунгача илмий изланишлар олиб бормоқда.

2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш [1] каби вазифалар белгиланиб берилган.

Альцгеймер касаллигида асосан деменцияни даволаш учун қўлланиладиган дори воситалари ишлатилади. Бу дори воситалари марказий миорелак таъсирга эга бўлиб, дорихонада рецепт асосида бериладиган ва ҳисобда турувчи воситалардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ-4438-сон “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида”ги қарори тасдиқланди [2].

Қарорда дори воситаларининг ноқонуний айланиши ва уларнинг суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслик, кучли таъсир қилувчи моддалар айланишини тартибга солишни такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг соғлигини таъминлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун қўшимча имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш белгиланган.

Мақсад: Ушбу тадқиқотнинг мақсади Тошкент Давлат Тиббиёт институти асаб касалликлари ва физиотерапия бўлимида Альцгеймер касаллиги бўйича касалланиш кўрсаткичи таҳлилини ўтказиш.

Усул ва услублар: Илмий изланишлар контент-таҳлил, мантиқий, статистик, солиштирма тадқиқот усуллари ёрдамида амалга оширилди

Натижалар: Бизнинг тадқиқотимиз натижаларига кўра, когнитив бузилиш эркаларнинг 40 фоизида ва аёлларнинг 60 фоизида учрайди ва аёлларда эркаларникига нисбатан 1,5 баравар кўп учрайди. Беморларнинг 70 фоизи ўрта ва кекса ёшдаги беморлар бўлиб, эркаларнинг ўртача ёши (ўртача ёш - $69,27 \pm 10,60$ ёш), аёлларнинг ўртача ёши $65,5 \pm 13,03$ ёшга тенглиги аниқланди. Беморлар ва уларнинг қариндошлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, энг кўп

учрайдиган шикоятлар хотирани йўқотиш, бош айланиши ва бош оғриғи эканлиги аниқланди. Касаллик кўринишлари тузилишида бир томонлама ёки икки томонлама пирамидал етишмовчилик ва постурал бузилишлар устунлик қилди. Аффектив бузилишлар орасида ҳиссий турғунсизлик ва кайфиятнинг пасайиши, хулқ-атвор ва психологик ҳодисалар орасида - идрок етишмовчилиги кузатилди. Беморларнинг аксарияти ижтимоий ва касбий мослашишда, беморларнинг деярли ярми кундалик ишларни бажаришда қийналган.

Кузатув олиб борилган беморлар орасида артериал гипертензия кўпинча 21 (78%) беморда, юрак ишемик касаллиги - 7 (27%), диабетнинг иккинчи тури - 2 (8%) да учрайди. 11 (42%) бемор инсултни бошидан кечирган, улардан 4 таси (16%) эрта тикланиш даврида, 14 (52%) - кеч тикланиш даврида, 8 (32%) қолдиқ инсултни бошдан кечирган. 21 (77%) киши биттадан инсултни бошдан кечирган, 6 (23%) беморларда инсулт такрорланган.

Хулоса: Юқорида баён қилинганларга биноан, тадқиқотда Альцгеймер касаллиги, когнитив бузилиши ва когнитив танқисликнинг бир хил босқичида аралаш когнитив бузилиш билан оғриган беморларнинг нейрпсихологик кўрсаткичларини таққослаш усули қўлланилган бўлиб, ушбу гуруҳлар ўртасидаги когнитив кўрсаткичларнинг фарқлари жараённинг босқичига боғлиқ. Альцгеймер касаллиги ва томирларнинг когнитив бузилишининг дифференциал диагностикасида хотирани баҳолаш энгил ва ўртача деманс босқичида ҳам етакчи аҳамиятга эга, регулятив дисфункция эса ўртача деманс босқичида диагностик аҳамиятини йўқотади. Семантик кодлашнинг етишмаслиги, шунингдек, энгил ва ўртача даражадаги деманс босқичида аралаш томирлар ва қон томирларининг когнитив бузилиши диагностикасида асосий фарқ қилувчи мезондир.

Адабиётлар:

1. 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ-4438-сон “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида”ги қарори.

ДИУРЕТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТЕМЕНТ ТАҲЛИЛИ

Жўраева Н.Д., Суюнов Н.Д.


*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: l1hom-9229@mail.ru*

Долзарблиги. Жаҳонда диуретик дори воситалари асосан юрак-қон томир касалликларида қўлланилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлаши бўйича катта ёшдаги (60-65 ёш) дунё аҳолисининг 50-65% да артериал гипертония кузатилади. Бу гуруҳ дори воситаларга ҳам йилдан йилга талаб ошиб бормоқда.

Мақсад. Диуретик дори воситаларининг ассортиментини ўрганиш, нархларини қиёсий таҳлил қилиш, харажатларни минималлаштириш таҳлили.


Усул ва услублар. 2016 йил Ўзбекистон Республикасига МДХ давлатларидан 20 турдаги, Махаллий ишлаб чиқариш қорхоналаридан эса 9 турдаги диуретик дори воситалари рўйхатга олинган. Бу кўрсаткичлар 2020 йилга келиб республикамизга МДХ давлатларидан 15 турдаги, Европа ва бошқа давлатлардан 35 турдаги, Махаллий ишлаб чиқариш қорхоналаридан эса 11 турдаги диуретик дори воситалари рўйхатга олинган. Бу кўрсаткичларни 1-диаграммада келтирилган.

2016-2020 йиллар



1-диаграмма. 2016-2020 йилларда рўйхатдан ўтган диуретик дори воситаларни фойз кўрсаткичларида келтирилган.

Диуретик дори воситаларини қуйидаги гуруҳлар буйича таснифланади: Бензотиазидлар (гипотиазид, хлортиазид) дори воситалари киради. Гидротиазидлар (гидрохлортиазид) дори воситалари киради. Эплереноне, хлортулидон (эсперо, эпнон, еплирин, диакарб). Маннитол hexanitrate (маннитол, маннит) Хлорбензамид (индапамид, индап, клопамид) генли қовузлоғига таъсир қилувчи(петлевой)лар (фуросемид, торсид, торсимед). 6 та турдаги Халқаро патентланмаган номлари бўйича дори воситаларнинг йиллар кўрсаткичи 2-диаграммада келтирилган.



Натижалар. Бугунги кунда диуретик воситалар асосан синтетик йўл билан олинади ва улар бир қатор ноўя таъсирлар келтириб чиқаради. Шунинг учун маҳаллий доривор ўсимликлардан диуретик таъсирга эга препаратларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида организмда суюқлик йиғилиб қолиши билан кечадиган касалликларни сифатли даволаш учун юқори самарадорликка эга бўлган диуретик дори воситалар технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида доривор ўсимликлар асосида дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан: Farangiz ЧА, Asel ЧП, Zamona Ra'no ООО, GERBOFARM ЧП, Mehriyoyo МП, So'qoq gilosi ФХ ва б.

Хулоса. Келажакда даволаш-профилактика муассасаларига диуретикларнинг энг самарали дори воситалари гуруҳларини ва сарф-харажатларнинг энг минимал усулларини тавсия этиш.

Адабиётлар:

1. Ички касалликлар. Бобожанов С.Т: Янги аср авлод 2008.
2. 2016-2020 йил РЕЕСТР.
3. www.medlook.ru

CONTENT ANALYSIS OF THE ASSORTMENT OF THE CARNITINE-CONTAINING MEDICINAL SUBSTANCES

Zakirova R.U., Rakhimova G.R., Mirzakhitova I.M.

*Tashkent Pharmaceutical Institute
e-mail: ruxsonaz@gmail.com*

Abstract. During last 30 years, a new, so-called metabolic direction has been actively developing in medicine. There have been appeared scientific data, according to which the cause of many diseases is a violation of the energy supply of cells at the level of mitochondria. Such diseases are called mitochondrial. L-carnitine plays an important role in suppressing inflammatory reactions, oxidative stress and apoptosis and coronary heart diseases. Long-term taking carnitine stimulates the oxidation of pyruvate, which promotes myocardial remodeling and improves myocardial function, while mitochondrial membrane dysfunctions are eliminated, oxidative stress is suppressed [1,2].

Aim: *The aim* of the given work is studying the carnitine-containing preparations, registered in the Republic of Uzbekistan; to make the content analysis of carnitine-containing substances in the “State Register of Medicinal Substances and Medical Products of the Republic of Uzbekistan” during the period of 2018-2020.

Methods: A prerequisite for creating new dosage forms, as a rule, is a marketing analysis of the existing drugs assortment and their comparative assessment in order to study the perspectives for further developing the range under study. Therefore, with the aim to study the feasibility of further developing the existing nomenclature of carnitine-containing medicinal preparations, there has been carried out a marketing analysis of given assortment in the Republic of Uzbekistan [3].

Results: The marketing researches were carried out by the using the methodology of the content analysis of the assortment of the studied group [5,6], by decomposing the data of the “State Register of Medicinal Substances and Medical Products of the Republic of Uzbekistan” for the years of 2016-2020. There has been given data for 2020 in this work (№24) [4].

In the process of studying the data in the Register for 2020, there has been found that of the total number of registered drugs (10388 items), the share of carnitine-containing medicinal substances accounts for 0.57% (60 preparations). The subsequent analyzing the assortment was carried out according to the data of the State Register for 2020 (№ 24). At the same time, there have been studied the quantitative indices (depth, breadth and index of assortment renewal), as well as qualitative indicators by structuring the assortment.

In 2020, the studied group included 60 assortment positions. At the same time, it was revealed that the share of domestic medicinal substances accounts for 38.33%, respectively, the share of preparations from foreign countries was 58.33% and the CIS countries amounted to 3.33% of the total number of registered carnitine-containing drugs.

An important marketing indicator is the calculation of the assortment renewal index, which characterizes the degree of novelty for the period under study.

The calculation of the update index of the group assortment for foreign and domestic preparations was carried out according to the following formula:

$$In = Qn / Qt \times 100\%$$

where, *In* - the index of the range renewal,
Qn - the number of new drugs registered for year,
Qt - the total number of drugs in this range.

When calculating the update index, it was revealed that in 2020 the foreign assortment was updated by 42.86% (15 new preparations were registered), the CIS assortment was updated by 50.00% (1 new preparation), the domestic assortment renewal index was 43.47% (10 new preparations). There has also been revealed that the renewal of the general group assortment was 43.33%. There have been obtained the following results during calculating the depth of carnitine-containing preparations. In foreign countries, the assortment depth is 6 positions (17.14%), in the CIS countries, the assortment depth is not detected, and, the assortment depth of domestically produced preparations is 4 positions (17.39%).

Further marketing analysis of the assortment was directed to study the indicators of the representing medicinal substances in various dosage forms, which determines the convenience of their use for consumers. Based on the conducted analysis, there has been carried out the research with a breakdown of the assortment into subgroups, such as: by the number of components, by the way of administration, by the dosage form, by the active substance.

Conclusions: Thus, there has been conducted a marketing research using the methodology of content analysis of the assortment of carnitine-containing medicinal substances, by decomposing the data of the “State Register of Medicinal Substances and Medical Products of the Republic of Uzbekistan” for 2020. In the given year, you can see that the main part of the assortment is related to solutions for injections (68.33%) and liquid preparations for internal use (30.00%). Moreover, solid medicinal substances account for only 1.67%. Based on the received results, it can be concluded that the assortment of carnitine-containing medicinal substances in the market is small and the developing new solid medicinal substances in this range is of current interest.

Literature:

1. И. Хорошилов. Карнитин: роль в организме и возможности терапевтического применения при разных заболеваниях // Врач Россия 2017 № 3. -С. 2-4.
2. Р.М. Раджабқадиев, М.М. Коростелева, В.С. Евстратова, Д.Б. Никитюк, Р.А. Ханферьян. L-карнитин: свойства и перспективы применения в спортивной практике // Вопросы питания. Том 84, № 3, 2015. С. 4-12.
При изучении показателей распространённости заболевания за 2020 год по областям выявили самое большое количество заражения вирусным гепатитом С в Бухарской области – 15%, относительно меньше за изучаемый период выявлено в Республике Каракалпакстан- 13%, третье место занимают Навоийская и Наманганская области. Низкие результаты обнаружены по заболеваемости в Сырдарьинской и Самаркандской областях. [Диаграмма 2].




Диаграмма 2. Долевое распределение заболеваемости по областям на 2020 год.




Диаграмма 3. Показатели заболеваемости по республике в разрезе регионов.

Как видно в диаграмме 3 заболевание распространено в Республике Каракалпакстан в большом количестве.

Выводы. В результате проведенного анализа выявлено распространение гепатита С по областям республики. Заболевание распространено в большом количестве в Республике Каракалпакстан и Бухарской области, третье место – Кашкадарьинская область и по сравнению с предыдущими областями в городе Ташкент. В отличие от других областей в Сырдарьинской области самый низкий показатель заболеваемости по гепатиту С.

Литература:

1. Оковитый С.В. Клиническая фармакология гепатопротекторов. // Гепатология. 2002, №3. С.20-24.
2. Статистические данные Института Здоровья и медицинской статистики Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАР АССОРТИМЕНТ ТАҲЛИЛИ

Сайдалиева Х.Х., Умарова Ш.З., Султанбаева Н.М.У.


*Тошкент фармацевтика институту
e-mail: nargiz6985@gmail.com*

Долзарблиги: Бугунги кунда дунёда 463 миллиондан ортиқ одам қандли диабет билан касалланган. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, 2015 йили мамлакатда қандли диабет билан касалланган 170 536 та бемор рўйхатга олинган эди. Бугунги кунга келиб эса 230 610 та бемор рўйхатга ва назоратга олинган. Шундай қилиб, қандли диабетга чалинганлар охириги 3 йилда деярли 60 мингтага кўпайган. Дунё бўйича 2012-йил 2,2 миллион одам 2016-йил 1,6 миллион одамда ўлим ҳолатлари юз берган [2]. Қандли диабет касаллиги билан асосан катталар касалланади бу эса 99%ни ташкил этди, 2018 йилда қандли диабет касаллиги билан касалланиш 45%га усди, 2019 йилда эса бу курсаткич манфий курсаткичга эга булди (-7% ни ташкил килди). уртача ҳисобда 10 йилда қандли диабет билан касалланиш 12%га усди. Вилятлар кесимида усиш курсаткичи таҳлил қилинганда касалликнинг юкори усиш курсаткичи Сирдарё вилятига тугри келди бу эса 30% ни ташкил килди.[1]

Мақсад: 2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг дори воситалар ва тиббиёт буюмлар давлат реестрида рўйхатдан ўтган қандли диабет касаллигида қўлланиладиган дори воситаларнинг ассортимент таҳлили олиб бориш.

Усул ва услублар: Ассортиментнинг маркетинг тадқиқот усуллари, таҳлилнинг квалиметрик усуллари, хусусан, гуруҳлаш усули, устуворлини аниқлаш.


Натижалар: Ўзбекистон Республикасининг дори воситалар ва тиббиёт буюмлар давлат реестрида 2015 йилда 116 номда қандли диабетга қарши дори воситалар рўйхатдан ўтган. 2020 йилга бу кўрсаткич 139 номга тенг булди. Қандли диабетга қарши дори воситаларнинг сони 6 йил давомида 20% га ошганлиги кўрсатади. Ҳар йили ўртача ҳисобда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситалар 3,8% ўсган.



Расм 1. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган қандли диабетга қарши дори воситаларни умумий сони.

Давлатлараро таҳлил қилинганда ассортиментнинг асосий қисмини хорижий давлатлар ишлаб чиқариладиган қандли диабетга қарши дори воситалар эгаллаган. 2015 йилда хорижий ишлаб чиқарувчилардан 100 номдаги дори воситалар рўйхатдан ўтган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 109 номга тенг булди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда ҳам қандли диабетга қарши дори воситалар ассортимент сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда, агар 2015 йилда 4 номдаги дори воситалар рўйхатдан ўтган бўлса, 2020 йилга 15 номни ташкил қилди.

Қандли диабет касаллигида қўлланиладиган дори воситаларини асосий қисмини бир компонентли дори воситалар ташкил қилади. 2020 йилда бир компонентли дори воситалар умумий рўйхатдан ўтган диабетга қарши воситалар ичида салкам 83% ни ташкил қилди (расм 2).



Расм 2. Қандли диабетга қарши дори воситаларнинг таркиби бўйича таҳлили.

Қандли диабет касаллигида қўлланиладиган дори воситалар иккига бўлинади биринчи тури бу қандли диабетга қарши перорал дори воситалар иккинчи тури инсулин сақловчи дори воситалар бўлинди. Таҳлил натижаси шуни кўрсатади, қандли диабетга қарши перорал дори воситалар 2020 йилда 77%ни ташкил қилди бу эса 108 номга тенг бўлди, 31 ном эса яъни 23% ни инсулин сақловчи дори воситалар эгаллади.

Хулоса: 1. Қандли диабетда қўлланиладиган дори воситаларнинг ассортименти ўрта ҳисобда 1 йилда 3,8% ўсади.

2. Қандли диабетга қарши перорал дори воситалар 2020 йилда 77%ни ташкил қилди бу эса 108 номга тенг бўлди, 31 ном эса яъни 23% ни инсулин сақловчи дори воситалар эгаллади.

Адабиётлар:

1. Сайдалиева Х.Х., Умарова Ш.З., Султанбаева Н.М.У., Садикова Н.А. Қандли диабет касаллигининг фармакоэпидиологик таҳлили. //“Фармацевтика соҳасининг бугунги ҳолати: муаммолар ва истиқболлар” (халқаро илмий-амалий анжумани материаллари).
2. <https://kun.uz/news/2019/08/14/ozbekistonda-qandli-diabet>

АНАЛИЗ ЗАКУПА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ ПРИМЕНЯЕМЫЕ ПРИ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ

Султанбаева Н.М.У., Самарходжаева Л.Ф., Умарова Ш.З.

Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: nargiz6985@gmail.com

Актуальность: Сердечно сосудистые заболевания (ССЗ), наравне с онкологическими заболеваниями и диабетом занимают ведущие места по инвалидности и смертности среди взрослого населения. Сердечно-сосудистые заболевания по-прежнему являются основной причиной смерти в мире (до 30–35% от общего числа смертей) [1]. Только в прошлом году от сердечно-сосудистых заболеваний умерло около 9 млн. человек [2].

Сердечно-сосудистые заболевания, обусловленные атеросклерозом, и их осложнения являются основной причиной инвалидизации и смертности среди взрослых лиц в развитых странах мира.


Цель: в связи вышеизложенным, целью настоящей работы является полноценное и своевременное обеспечение больных сердечно сосудистыми заболеваниями необходимыми лекарственными средствами.

Материалы и методы: для достижения поставленной цели нами проведен анализ закупа лекарственных средств, применяемых при сердечно сосудистых заболеваниях. Материалом для

анализа послужили отчетные данные DRUG AUDIT за 2010 - 2020 гг. При этом, для анализа были использованы квалиметрические методы анализа, в частности, метод группировки экспертных оценок, расстановка приоритетов, маркетинговый анализ ассортимента лекарственных средств [3].

Результаты: Анализ потребления лекарственных средств, применяемые при сердечно-сосудистых заболеваниях по данным DRUGAUDIT показал что, закуп за 2010 год составил 20,13 млн. упаковок препаратов из них комбинированных 3,55 млн. упаковок и 16,58 млн. упаковок монопрепаратов.

В 2018 году в республику поступило 42,57 млн. упаковок препаратов применяемые при ССЗ, это на 8,6 млн. упаковок (8,6%) больше, чем в предыдущем году, из них комбинированные препараты 5,9 млн. упаковок и 36,66 млн. упаковок монопрепаратов. Закуп за 2020 год составил 32,54 млн. упаковок, из них комбинированных 5,54 млн. упаковок и 27,2 млн. упаковок монопрепаратов.



Анализ закупа лекарственных средств за 2010-2020 гг.

Далее нами проведен анализ поступления лекарственных средств по странам производителям. Из общего количества закупа кардиологических препаратов 40% поступают из зарубежных стран. 36% препаратов местных производителей и 24% стран СНГ.

Анализ закупа по фармакотерапевтическим группам показал, что основное количество закупа приходится антигипертензивным средствам. На втором месте антиагреганты.

На следующем этапе нами был проведен анализ закупа по международным непатентованным наименованиям. Ацетилсалициловая кислота, эналаприл, пропранолол и бисопролол занимают основное количество закупа.

Вывод: Общий закуп кардиологических лекарственных средств за 2010-2020 гг. составил 319,18 млн. упаковок. Закуп лекарственных средств, применяемых при сердечно-сосудистых заболеваниях увеличилась в среднем на 5,84%. Анализ по странам производителей показал, что основное количество закупа приходится на зарубежные страны.

Литература:

1. Дохова, Д.А. Заболевания сердечно-сосудистой системы. Журнал Молодой ученый. 2017 г. № 24 (158) С. 60-62.
2. https://countrymeters.info/ru/World#population_2019
3. Данные DRUGAUDIT за 2010-2020 гг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА СУТ БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Султонова Г.А., Алланазаров Р.С., Сатторова Д.Н.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: dr.gulnora61@gmail.com*

Долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиға кўра, онкологик

касалликларига чалиниш кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Дунёда ҳар йили 16 миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 100 мингдан зиёд бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туради. Онкологик касалликлар ичида сут бези саратони етакчилик қилади. Кейинги ўринларда меъда, бачадон бўйи ва ўпка саратони қайд этилади. Шунини афсус билан таъкидлаш жоизки, 50 фоиздан ортиқ ҳолатларда ушбу касаллик кечки, яъни учинчи ва тўртинчи босқичларда аниқланмоқда, бунда эса уларни тўлақонли даволаш мушкул бўлади [1]. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда дастурил амал бўлмоқда.[2] Қарорда белгиланган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида вилоятлардаги 15 та онкология диспансери Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиалларига айлантирилди.

Бугунги кунда аёллар орасида сут бези саратони (СБС) касаллиги энг кўп ва кенг тарқалган ўсма касалликлари гуруҳига киради. ЖССТ маълумотларига кўра «...жаҳонда сут бези саратони ташхиси билан 1,38 миллион касаллик қайт қилган бўлса, соатига 158 та касалликнинг янги кўрсаткичларининг қайт қилиниши, касаллик сонининг ҳамда ўлим ҳолатларининг қайт этилиши...» кузатилмоқда. GLOBACAN 2018 ташкилотининг маълумотларига қараганда «...сут бези хавфли ўсмасидан ўлим даражаси мамлакатнинг иқтисодий даромадига қараб кескин ўзгариши, яъни иқтисодий самардорлиги юқори бўлган мамлакатларда ўлим даражаси 24%, паст ва ўртача даражали мамлакатларда 38-48%ни ташкил этади. 2018 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган бўлиб, бу меъёрий ҳужжат СБС касаллигининг олдини олиш ва даволаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади. [3]

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолиси ўртасида сут бези саратони билан касалланиш кўрсаткичи таҳлилини ўтказиш.

Усул ва услублар: Дори воситаларининг қиёсий таҳлили, контент таҳлил.

Натижалар: Аҳоли умумий сони, ёш таркиби ва уларнинг биргаликдаги таъсирига боғлиқ ўсиш (65,2%), касаллик хавфининг ошишига – 34,8%, янги ёки бор эпидемиологик факторларнинг жадаллашиши туфайли касаллик хавфининг «соф» ошиши – 54,6% ташкил қилган. СБС билан касалланган аёлларнинг ўртача ёши $53,2 \pm 0,2$ йилни ташкил қилган. Популяцияда касалланишнинг максимал ўсиши 60-69 ёшлиларда 2009 йилда касалланишнинг (интенсив кўрсаткичлари ИК) ИК 28,9 ташкил қилган, 2019 йилда 42,4 гача ошди, шу билан биргаликда репродуктив ёшдаги аёллар улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (мос равишда 18,9 ва 25,8). СБС билан янги аниқланаётган беморлар ўртасида қишлоқ жойларда яшайдиган аёллар улуши камаймоқда (2009 йилда 53,1%, 2019 йилда эса. – 52,3%). 2009-2019 йиллари Ўзбекистонда сут бези саратонидан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларидаги ўсиш бу одатий ҳаётнинг ўзгариши, овқатланиш, урбанизация ва аҳолининг саноат ривожланган худудларга миграцияси билан боғлиқдир. 2009-2019 йиллардаги касалланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда касалланиш башорати ҳисоблаб чиқилган. Аниқланган қонуниятларга асосан СБСдан касалланиш миқдори республикада 2020 йилга бориб, 2009 йилга нисбатан 1,5 бараварга кўпайганлиги аниқланди. Касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳрида (22,5), Навоий (12,4), Бухара (11,1), Тошкент вилоятларида (11,0), энг паст — Сурхандарё (6,3) ва Қашқадарёда (7,5) қайд қилинган. Республика территориясида, шаҳарларда истикомат қилувчи аёллар сут бези саратони билан (13,2), қишлоқдагиларга нисбатан (8,5) кўпроқ касалланиши кўрсаткичи аниқланди. Касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари қуйидаги ёш гуруҳларида қайд қилинган: 50-59 ёшда- 32,9%, 60-69 - 42,4%, 70 ёш ва ундан катталарда - 19,3%.

Хулоса: Ўзбекистон аҳолисининг онкологик касалликлар билан касалланиш таркибида сут бези саратони 1- ўрнини эгаллайди (13,9%). Тадқиқот даврида (2009-2019 йй.) касалланишнинг стандарт кўрсаткичи 26% ошган 2009 йилда 9,2дан (ИИ 8,8- 9,5) 2019 йилда 11гача ошган. Умумий ўсиш суръати 19,5% ташкил қилди, ўртача йиллик ўсиш – 1,05%. Республика аҳолисининг хавфли ўсмалардан ўлим таркибида СБС биринчи жойни (11,4%) эгаллайди.

Адабиёт:

1. Г.А. Султонова, Н.А. Азимова, Г.А. Султонова, Р.С. Алланазаров. «Анализ показателей заболеваемости раком молочной железы в Ташкентской области Республике Узбекистан» Материалы IX международной научно-практической дистанционной конференции. 2021 год, Харьков. 120 стр.
2. 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
3. 2018 йил 7 декабр ЎзР Президентининг 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ I-II ВА III-IV БОСҚИЧЛАРИДА ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ

Султонова Г.А., Содиқова Н.А., Мусаходжаева И.Н.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: dr.gulnora61@gmail.com.*

Долзарблиги: 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш [1] каби вазифалар белгиланиб, унда турли ёшдаги аёлларда сут бези саратонини(СБС) ташхислашда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш, касалликнинг эпидемиологик тарқалиш хусусиятларини таҳлил қилиш орқали хасталанган аёллар орасида ўлим даражасини камайтириш ва умр кўриш давомийлигини узайтириш имкони туғилади. GLOBACAN 2018 ташкилотининг маълумотларига қараганда «...сут бези хавфли ўсмасидан ўлим даражаси мамлакатнинг иқтисодий даромадига қараб кескин ўзгариши, яъни иқтисодий самардорлиги юқори бўлган мамлакатларда ўлим даражаси 24%, паст ва ўртача даражали мамлакатларда 38-48%ни ташкил этади. Бунда сут бези хавфли ўсмасидан юзага келадиган ўлимнинг 1,5 миллионга яқинини бартараф этиш мумкинлиги...» қайт қилинган [2].

Мақсад: Ушбу тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилоят филиали (РИО ва РИАТМ ТВФ) кимёвий терапия бўлимида дори терапиясини оқилона танлашни асослаш учун сут бези саратонини даволаш харажатларини иқтисодий баҳолаш бўйича интеграл услубий ёндашувни ишлаб чиқишдир.

Усул ва услублар: Илмий изланишлар контент-таҳлил, мантиқий, статистик, фармакоиктисодий ("касаллик таннархи" ва "харажат-фойда" таҳлили) тадқиқот усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Натижалар: Саратон бугунги кунда бошқа касалликлар ичида хавфлилиги ва ўлим кўрсаткичи юқорилиги жиҳатидан дунё бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Аянчлиси, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан беморларнинг аксарияти касалликнинг охириги босқичларида шифокорга мурожаат қилмоқда, бу эса ўз навбатида даволаш самарадорлигининг пасайиши ва ўлим кўрсаткичи ошишига сабаб бўляпти.

РИО ва РИАТМ ТВФ бўйича СБС нинг турли босқичларида аниқланган беморлар сони 2017-2019 йиллар бўйича таҳлил қилинди. Унга асосан, 2017 йилдаги 186 нафар барча хавфли ўсма касалликларига СБС билан I босқичда аниқланган беморлар сони -40 (12,3%), 2018 йилдаги 145 нафар барча хавфли ўсма касалликларига нисбатан – 30(1,8%), 2019 йилдаги 189 нафар барча хавфли ўсма касалликларига нисбатан -37(2,1%) тани ташкил қилган.

2017 йилдаги 692 нафар барча хавфли ўсма касалликларига нисбатан СБС билан II босқичда аниқланган беморлар сони -157(48,3%),, 2018 йилдаги 722 нафар барча хавфли ўсма

касалликларига нисбатан - 183(10,0%), 2019 йилдаги 746 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан -185(10,5%), тани ташкил қилган.

2017 йилдаги 660 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан СБС билан III босқичда аниқланган беморлар сони -79 (24,3%), 2018 йилдаги 701 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан - 77 (4,2%), 2019 йилдаги 759 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан -106 (6,0%), тани ташкил қилган.

2017 йилдаги 592 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан СБС билан IV босқичда аниқланган беморлар сони -46 (14,3%), 2018 йилдаги 602 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан - 60 (3,2%), 2019 йилдаги 651 нафар барча ҳавфли ўсма касалликларига нисбатан -58 (3,0%), тани ташкил қилган.

Иқтисодий нуқтаи назардан СБС эрта аниқланган беморларни даволаш анча манфаатли эканлиги аниқланди. СБС нинг III-босқичидаги беморларни даволаш, I-босқичидагиларни даволашга нисбатан 15-30 мартага қимматроқдир, шу билан биргаликда маблағларнинг фақат 5% ташхис қўйиш учун, 95%-эса беморларни даволашга сарф қилинади. Бошланғич босқичида 40-49 ёшли аёлларда 17% га, 50 ёшдан ошганларда эса 30% гача ўлим кўрсаткичларининг камайганлиги аниқланган. Даволашга кетадиган умумий харажатлар операция ҳажмининг секторал резекциягача кичрайиши ҳисобига беморларнинг госпитализацияси, ишга яроқсизлик муддати ва ногиронлик даражаси камади.

Хулоса: Юқорида баён қилинганларга биноан, скринингнинг иқтисодий жиҳатдан қиммат бўлмаган, аёлларнинг катта гуруҳларини қамраб оладиган, кам сонли тиббиёт ходимларни жалб қиладиган самарали турларини кидириш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу муамманинг ечимларидан бири сўровнома усули орқали индивидуал хавфни баҳолаш асосида, юқори хавфга эга бўлган гуруҳларни шакллантириш ҳисобланади.

Адабиёт:

1. 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
2. Суянов Н.Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания // Монография. – Ташкент. Фан, 2013. – 240 с.

МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИК КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ АССОРТИМЕНТИНИ ЎРГАНИШ

Султонова М.Н., Фозилжонова М.Ш., Нусратова Н.Н.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: .naukapharmi@mail.ru*

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили нашр этилади ва дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника муомаласи билан шуғулланувчи барча муассаса, ташкилотлар учун расмий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.


Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрининг ушбу нашрига маҳаллий ва 78 хорижий давлатларнинг 1300 дан ортиқ фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган 10257 номдаги дори воситалари, жумладан 5325 номдаги хорижий дори воситалари, МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчиларининг 1842 номдаги дори воситалари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 3090 номдаги дори воситалари, 686 номдаги субстанциялар, 20 номдаги in vivo ташхис воситалари, 4198 номдаги тиббий буюмлар ва тиббий техника рўйхати, жумладан 685 номдаги in vitro ташхис воситалари, 1410 номдаги тиббий буюмлар ва 2103 номдаги тиббий техника рўйхати киритилган.

Тадқиқот ишимиз мақсади шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида қайд этилган

дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрининг 2021 йил ҳолатига кўра аллергия касаллигига қарши қўлланиладиган дори воситаларининг ассортимент таҳлилини ўрганишдан иборат.


Усул ва услублар. 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикасида қайд этилган Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрида қайд этилган аллергияга қарши дори воситалари ассортимент кенглигининг ўзгариш динамикаси ўрганилганда, ассортимент кенгайиши йилдан йилга мунтазам ўсиб бориши кузатилмоқда.

25-сонли Давлат Реестрида қайд этилган аллергияга қарши дори воситаларнинг дори шакли бўйича таҳлил қилинганда, маҳаллийфармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори шакллари 100 тани ташкил қилиб, улар орасида таблеткалар, инъекция учун эритмалар ва сироплар улуши юқорилигини кўрсатди (1-расм).



1-расм. Аллергияга қарши дори воситаларининг дори шакллари бўйича таҳлил натижалари (сонда).

Кейинги босқичда Ўзбекистон республикаси миқёсидаги 2020 йилда маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан регистрация қилинган аллергияга қарши дори препаратларни ишлаб чиқараётган корхоналар таҳлил қилинди (2-расм).



2-расм. Маҳаллий корхоналар томонидан аллергияга қарши дори воситалар ишлаб чиқарувчи фирмалар рўйхати.

Тадқиқот ишимизда аллергияга қарши дори препаратларнинг ассортименти тўғрисидаги маълумотлар ўрганилиши билан бир қаторда аллергияга қарши ва даволаш учун ишлатиладиган дори шаклларининг таблеткалар, инъекциялар, капсулалар, эритмалар кўринишидаги савдо номлари рўйхати шакллантирилди ва қуйидаги жадвалда келтирилди (жадвал).

Маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган аллергияга қарши дори препаратларнинг ассортименти

Кимёвий таркиби	Препаратноми
Betamethasone	MER СУПРАЛГИН (MER Supralgin), MR ДИМЕДРОЛИНИ (MR Dimedrolinium), АЛЕРГИД (Alergidum)
Cetirizine	АЛЕРГИД (Alergidum), АЛЕРЗИН (Alerzin), АЛЕРКУР (Alerkur), АЛЕТОРИН, АЛЕТОРИН БЕЙБИ (Aletorin, Aletorin Baby), АЛЛЕГРА (Allegra), АЛЛЕР-IS (Aller-IS), АЛЛЕРГОН (Allergon), АЛЦЕТ (Allset), АЛЬЦЕТРО (Alsetro), АЦЕТ-ЛИК (Atset-LIK), ДЕЗАЛЕРТ (Dezalert), ДЕЗЕФ (Dezef)
Cetirizinedihydrochloride	ДЕЗЕФ-5(Dezef-5)
Chloropyramine	ДЕЗЛОРГИН (Dezlorgin), ДЕЗЛОРЕМ НЕО (Dezlorem Neo) ДИАЗОЛИН (Diazolin), ДИАЗОЛИН (Diazolinum)
Clobetasol	ДИАЗОЛИН (Diazolinum)
Desloratadine	ДИАЗОЛИН-S (Diazolin-S), ДИМЕДРОЛ (Dimedrol)
Dexametason	ДИМЕДРОЛИН (Dimedrolum), ДИМЕДРОЛИН (Dimedrolum) ДОТАЛ (Dotal), ЗЕФТИЗИН (Zeftizin), ЗИНТЕР (Zinter) ЗОДОГС (Zodogs), КЕТОПРОФЕН-РЕМЕДЫ (Ketoprofenum-Remedy), КЕТОТИФЕН (Ketotifen)
Diphenhydramin	КЕТОТИФЕН-РЕМЕДЫ (Ketotifenum), КРОМОВИЗ (Kromoviz), КРОМОСТАБ (Kromostab), ЛЕЦЕТАЛ (Letsetal), ЛОРАТАДИН SD (Loratadin SD), ЛОРАТАДИН (Loratadin), ЛОРАТАЛЬ®(Loratal), ЛОРДЕС (Lordes), МЕРЛОРАТАД (MerLoratad)
Fluocinoloneacetonide	ПОЛИНОСА (Polinosa)
Hydrocortisone	РЕКАСТИН (Rekastin)
Ketoprofen	СИНАФУЛЛ НЕО (SinafullNeo)
Ketotifen	СИНАФУЛЛ НЕО (SinafullNeo), СУПИРАМИН (Supiramin) СУПРА (Supra)
Loratadine	МЕР ДЕКСАМЕТАЗОН (MER Deksametazon), NPP ПРЕДНИЗОЛОН (NPP Prednizolon), ГИДРОКОРТИЗОНА АЦЕТАТ (Gidrokortizonatsetat), ДАМЕТАЗАЛОН (Dametazalon), ДЕКСАМЕТАЗОН (Deksametazon)
Mebhydrolin	ДЕКСАМЕТАЗОН (Deksametazon), ДЕРМАВАЙТ (Dermavate), ДИРМОВЕЙТ (Dirmoveyt), мер ДИРМОВИЙК (mer Dirmoviyk), МЕРДИПРОСПОМ (Merdiprosptom) МЕРСЕЛЕСТОДЕРМ (MERSelestoderm)
Prednisolone	ПРЕДНИЗОЛОН (Prednizolon), ДЕКСАМЕТАЗОН (Deksametazon)

Натижалар. Тадқиқотларимиз натижасида Республикаимиз фармацевтика корхоналарида суртма дори шакли ишлаб чиқарилмаётганлиги маълум бўлди. Суртмаларнинг маҳаллий таъсир қилиши, қулайлигини, организмни ортиқча захарламаслигини ҳисобга олсак бу ниҳоятда долзарб вазифадир. Айниқса, юртимиз доривор ўсимликларга бойлигини, бугунги кунда кўплаб синтетик дори препаратларидан воз кечилиб, табиий ўсимликлар асосида олинган дори препаратларига қизиқиш кундан-кунга ортаётганлигини, бу каби препаратлар кам захарлилиги, юқори терапевтик таъсир кўрсатиши ҳамда арзонлигини ҳисобга олиб захираси етарли бўлган қорақиз (*Bidens tripartita L.*) доривор ўсимлигидан аллергия касаллигида қўлланиладиган суртма дори воситаси технологиясини ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинди.

Хулоса: Ўзбекистон фармацевтика бозорининг аллергияга қарши дори воситалар сегменти ўрганилди ва таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилда Республикаимизда маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан жами 100 та аллергияга қарши таъсирга эга препаратлар рўйхатдан ўтганлиги қайд этилди. Ассортименти ва уларнинг кенлиги бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу йўналишдаги улуши йил сайин ўсиб бориши кузатилди. Ўзбекистон фармацевтика бозоридан аллергияга қарши дори препаратларнинг ассортименти ҳамда савдо номлари рўйхати шакллантирилди.

Адабиётлар:

1. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №25, 2021 г.
2. Аллергология и иммунология: национальное руководство / под ред. Р. М. Хаитова, Н. И. Ильиной. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2009. - 656 с.
3. Клинические рекомендации. Аллергология / под ред. Р. М. Хаитова, Н. И. Ильиной. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2006. - 240 с.

БОЛАЛАР УЧУН БРОНХИАЛ АСТМАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ГЛЮКОКОРТИКОИД ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ АССОРТИМЕНТ ТАҲЛИЛИ

Суюнов Н.Д., Шарипова Д.У.

*Тошкент фармацевтика институту
e-mail: suyunovn.d.5555@gmail.com*

Долзарблиги. Жаҳонда шифокор томонидан бронхиал астмани ташҳиси қўйилган беморлар ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бронхиал астма ташҳиси қўйилган катталар ва болаларнинг 30–35% айни вақтда бронхиал астмадан азият кўрмаяптилар. Бу ҳолатдан жамиятда бронхиал астмани ташҳислаш кенг йўлга қўйилганлигини тахмин қилиш мумкин. Бронхиал астманинг ортиқча ташҳиси – шифокорларнинг ташҳис қўйиш вақтидаги ҳаво оқимлари ўзгаришлари чегараланганлигини тасдиқлай олмаслиги ёки касалликнинг турғун клиник ремиссияси ноаниқлиги сабабли бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бронхиал астманинг тўлиқсиз ташҳиси ва гиперташҳиси ҳамда тарқалганлиги ва зарари ҳам беморларда, ҳам соғлиқни сақлаш тизими доирасида кузатилмоқда [1]. Бронхиал астманинг тарқалиши 9,8%, хириллашларни натижасида тарқалиши эса, 10,7% ташкил этган. Бронхиал астма касаллиги тарқалишининг ўсишига мойиллик Франция шарқидан ғарбигача ва денгизорти худудларида кузатилади. Бронхиал астма хириллашлар натижасида тарқалишидаги худудлараро фарқ ўтган йили кишиларнинг жинси, оила таркиби, ака ва сингилларнинг сонига қараб ўзгармас ҳолда бўлган. Ўтган йилларда нафаси сиққан ёки даволаш курси ўтган болаларнинг 42% тез-тез содир бўладиган ва оғир кечадиган симптомлардан азият чекканлар [2]. Болалар орасида бронхиал астма сонини ошиши билан унда қўлланиладиган дори воситаларига талаб ҳам ошади ва сарф-харажатлар билан боғлиқ муаммоларга тез-тез дуч келинади.

Мақсад. Болалар учун бронхиал астма касаллигида қўлланиладиган глюкокортикоид дори воситалари ассортиментининг таҳлил қилишдан иборат.

Усул ва услублар. Илмий изланишимизда болалар учун бронхиал астмада қўлланиладиган глюкокортикоид дори воситалари ассортиментининг Тиббиёт амалиётида қўлланилишига руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестридаги статистика маълумотларини қайта ишлаш, мантиқий ҳамда фикр-мулоҳазалар қилиш услублари қўлланилди.

Натижалар. Тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар қайта ишланди. Жадвалда глюкокортикоид дори воситаларини ишлаб чиқарувчилари томонидан дори шакллари бўйича қайд этилишининг энг юқори кўрсаткичи инъекцион эритмаларни ташкил этган. Глюкокортикоид дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан дори шакллари бўйича қайд этилиш сони юқори бўлиб, томчи, инъекцион эритмалар, таблеткалар, аэрозоль, суспензия, капсулалар ва эмульсияларни ташкил этди.

Глюкокортикоид дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан қайд этилиш кўрсаткичининг дори шакли бўйича таҳлили

Т/р	Дори шакли	Йиллар		
		2018	2019	2020

		Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	МДХ ишлаб чиқарувчилари	Хорижий ишлаб чиқарувчилар	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	МДХ ишлаб чиқарувчилари	Хорижий ишлаб чиқарувчилар	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	МДХ ишлаб чиқарувчилари	Хорижий ишлаб чиқарувчилар
1	Томчи	3	3	6	2	4	16	2	2	7
2	Инъекцион эритма	6	8	9	12	18	23	7	8	16
3	Таблеткалар	4	5	11	6	8	18	3	4	6
4	Аэрозоль		1	6		2	9		1	5
5	Суспензия		4	4		8	6		4	3
6	Капсулалар			1			2			1
7	Эмульсия									1

Хорижий ишлаб чиқарувчи фармацевтика корхоналари томонидан эса инъекцион эритмалар, томчи, таблеткалар ва аэрозоль дори шакллари кайд этилиши энг юкори кўрсаткичга тўғри келган. Суспензия, капсулалар ва эмульсияларни умумий сонда улуши кам бўлгани исботланди.

Хулосалар. 2018 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 6 та, МДХ ишлаб чиқарувчилари томонидан 8 та, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан 9 та дори воситаси кайд этилган. 2019 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 12 та, МДХ ишлаб чиқарувчилари томонидан 18 та, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан 23 тани ташкил этган. 2020 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 7 та, МДХ ишлаб чиқарувчилари томонидан 8 та, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан 16 та дори воситаси кайд этилганлиги аниқланди.

Адабиётлар:

1. Shawn D Aaron, Louis Philippe Boulet, Helen K Reddel, Andrea S Gershon. Rural Asthma: Current Understanding of Prevalence, Patterns, and Interventions for Children and Adolescents // Review. Am J Respir Crit Care Med. – 2018. Oct 15; 198 (8): – P. 1012-1020.
2. Delmas M.C., Guignon N., Leynaert B., Annesi-Maesano I., Com-Ruell L. Gonzalez L., Fuhrman C. Prevalence and control of asthma in young children in France // Rev Mal Respir. – 2012 May; 29 (5) – P. 688-696.
3. Ўзбекистон Республикасининг Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри. – Тошкент, 2021.

ХАЛҚАРО КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯЛАРНИ ФАРМАЦЕВТИКА ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАРМАЦЕВТИК КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚЎЛЛАШ АҲАМИЯТИ

Турсунов А.Т., Турсунова А.А., Шадманов К.К.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: tursunov_077@mail.ru, azizaabidova1994@mail.ru*

Долзарблиги. Ҳозирги кунда мамлақатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, мамлақатимизни модернизация қилиш ҳамда фармацевтика соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бандининг ижросини таъмин-лаш мақсадида юртимизда бир қанча инновацион техника ва технологиялар жорий қилинмоқда. Жумладан, ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШнинг


“McKinsey” консалтинг компанияси маслаҳатчилари гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “McKinsey 7S” моделини қўллаш фармацевтика иқтисодиётини ривожланишига яқиндан ёрдам беради.

Мақсад. “McKinsey 7S” модели ҳар қандай корxonанинг ички бизнес жараёнларини такомиллаштиришга, корхона самарадорлигини оширишга ёрдам беради ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқаришда инсон омили ёки мавжуд техника билан эмас, балки фақат корxonанинг тузилмасини тадқиқ этади, бу эса корxonанинг истиқболини баҳолашда ва таҳлил қилишда асосий вазифани бажаради.

“McKinsey 7S” модели қуйидаги етти тамаойилни ўзида жамлайди.

- корхона стратегияси; -корxonанинг таркибий қисми; -бошқарув тизими;
- корхона тасарруфидаги муносабатлар услуги; -ҳодимлар фаолияти таркиби;
- кўникма ва қадриятлар миқдори; -ҳодимларнинг малакаси.

Усул ва услублар. Модел ташкилот муҳитининг етти та асосий тамаойилни таҳлил қилиш асосида қурилган. Моделдаги барча тамаойиллар ўзаро бир-бирига боғлиқ. Бу шуни англатадики, юқорида кўрсатилган соҳаларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ўзгарса, дарҳол бошқа ўзгаришларни талаб қилинади. Қуйидаги 1-расмда “McKinsey 7S” моделининг намуна сифатида бир кўриниши келтирилган. Чизмада барча тамаойиллар бир-бирига боғланган ҳамда “юмшоқ” ва “қаттиқ” икки йирик бўлинмаларга бўлинган. Моделнинг барча бошқа қисмларини ўз ичига олган “юмшоқ тамаойиллар” эса бошқариш ва баҳолашни мураккаблаштиради, бироқ кўп ҳолларда корxonанинг асосий таркибий қисмларини шакллантиради ва улар узоқ муддатли рақобатбардошлик тамаойилларини яратиши мумкин. Модел қуйидаги схема кўринишида жойлаштирилган.



Корхона кўникмалар ва қадриятлар тизими бежизга “McKinsey 7S” моделининг марказида жойлашган эмас. Модел муаллифлари корхона фаолиятининг асосий тамаойиллари ва ваколатларини ички муҳитнинг қолган барча тамаойилларига таъсирига ва аҳамиятига алоҳида урғу беришни таъкидлаб ўтганлар.

Бундай таҳлиллар фармацевтик корxonалар ҳаёт фаолияти кенгайтиши қобилияти мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бозорнинг катта қисмини эгаллангандан сўнг уни тўлиқ қамраб олиш мураккаблашади. Ушбу ҳолатда, бозорга янги дори воситаларини киритиш ва географик экспансия(кенгайтиш) амали яхши стратегия бўлиб ҳисобланади. Бунда бошқарувнинг янги кўникмалари зудлик билан корхона тизимига тадбиқ этилишлари зарур.

Натижалар. Биз юқорида “McKinsey 7S” модели билан ишлаш усулини кўриб чиқдик. Модел оддий бўлгани билан бирга амалиётда моделда мавжуд бўлган етти та элементни мос равишда тўплаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Бундай мослик корхона тасарруфидаги қарама-қаршилиқларни олдини олиш ва бизнес жараёнларни такомиллаштириш бўйича амалларни тартибга солиш имконини яратади.

Хулосалар. Ўзбекистон Республикаси давлат рақобат шароитида фаолият кўрсатиш ҳамда кенг ассортиментга эга бўлган сифатли дори воситалари ишлаб чиқаришда таклиф этилаётган мазкур тамаойил корхона бошқарув тизимини тадқиқ қилиш ва такомиллаштиришда “ноаниқ тўпламлар” ва “юмшоқ ҳисоблашлар” математик аппаратларини қўллаш имконини яратади. Бу ҳолат эса бошқарув ечимлари элементлар сонини оширган ҳолда, ечим қабул қилувчи шахсга

кўплаб ечим вариантларини тақдим этади.

Адабиётлар

1. Дафт Р. Менеджмент. 6-е издание/ Пер. с англ. – Спб.: Питер, 2017. – 864 с.
2. Итан М. Расиел. Метод McKinsey. Использование техник ведущих стратегических консультантов для решения личных и деловых задач. М.: Альпина Паблишер, 2017. - 192 с.

ФАРМАЦЕВТ КАДРЛАРНИ ЎҚИТИШДА МАТНСАД ДАСТУРИДАН Фойдаланиш Самарадорлигини ошириш

Турсунов Ў.Т., Байдуллаев А.С., Ражабов Э.Э.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: uktam_1@mail.ru*

Долзарблиги: Бугунги кунда дастурлаш тиллари жадал суръатларда ривожланиб бормоқда, ва ҳамма соҳаларда кенг фойдаланилмоқда шунга қарамай соҳа мутахассислари дастурлаш тиллари билан яқиндан таниш бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқаришда, математик ва математик-статистик, иқтисодий ва муҳандислик масалаларни аналитик ва сонли ечиш жараёнларида АПД (Амалий Пакет дастурини)дан фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Математик ва илмий-техник ҳисоб-китобларда MathCAD дан фойдаланишнинг долзарблиги.

Компютер алгебра билан ишлаш услублари ва услубларини компютер ёрдамида лойиҳалаштириш синфидан ўрганиш, интерактив ҳужжатларни тайёрлаш ва визуал таъминлаш [1].

Мақсад: Муҳандислик ва иқтисодий табиатнинг математик муаммоларини ҳал қилиш учун мўлжалланган воситалардан фойдаланиш ҳозирги пайтда кучли компютер пакетлари пайдо бўлиши билан боғлиқ тўртинчи инкилобий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда: Mathcad, Mathematica, Matlab, Derive, Theorist ва бошқалар (дастлабки уч босқич) уларнинг давридаги ушбу инкилоб, мос равишда, ҳисоблаш тахтаси, бухгалтерия ҳисоби ва микрокалькулятор пайдо бўлиши билан белгиланди. [2] Улар талабани оғир, одатий ҳисоб-китобларни, бир хил турдаги ҳисоб-китобларни бажаришдан озод қилади ва ўрганилаётган материалга диққатини жамлашга имкон беради. MathCAD бизга рақамли ва аналитик (рамзий) ҳисоб китобларни бажариш имконини беради, натижада фойдаланувчи томонидан белгиланадиган аниқлик жуда қулай математик йўналтирилган интерфейсга ва илмий графикларнинг ажойиб воситаларига эга.

Усул ва услублар: Ўқитиш интуитив интерфейсга ва кўп қиррали имкониятларга эга бўлган компютер пакетига асосланган бўлиши керак. Математик ҳисоб-китобларни автоматлаштиришнинг яхлит тизими бўлган MathCAD ҳозирги вақтда иқтисодий оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилиш учун энг машҳур тўплам ҳисобланади. У ишчи варағини эркин тузиш, ҳисоб-китобларни бажариш, графикларни чизиш жараёнларини анъанавий тилларда дастурлашнинг мураккаблигига кирмасдан жуда тез ўзлаштира олиш қобилияти билан бошқа пакетлар билан таққосланади. [2,3]

Унинг асосий афзалликларидан бири шундаки, бугунги кунда у математик формулалар, белгилар ва белгиларнинг одатий шаклида, шунингдек махсус функцияларга мурожаат қилиш орқали масалалар ечими тавсифи берилган ягона математик тизимдир.

Ушбу методика саноат фармацияси талабаларини саноатнинг муҳандислик ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув ва илмий-тадқиқот ишларига жалб қилишга имкон беради.

Натижалар: Талабалар мустақил равишда (ҳар бири ўз даражасида, тайёргарлик даражасига қараб) берилган индивидуал топшириқни бажарадиган тарзда ташкил этилган. Кучлироқ талаба, заифроқ сингари, аниқ ҳисоб-китобларни амалга ошириши шарт. Шундан сўнг, ўқитувчи раҳбарлигида у берилган шартларнинг мантикий блокида жойлашган параметрларнинг ўзгаришига натижанинг боғлиқлигини ўрганишга киришади, ўзгаришларнинг рухсат этилган чегараларини аниқлайди, олинган натижаларнинг хусусиятларини таҳлил қилади.

Шундай қилиб, дарс охирига келиб ҳар бир талаба материални ўз даражасида эгаллайди. Методик қўлланмаларга эга бўлиб, батафсил кўрсатмалар ва одатдаги муаммоларни ҳал қилишнинг мисоллари мавжуд бўлиб, талабалар мустақил равишда тадқиқот олиб боришлари

мумкин, бу масофавий ўқитишни жорий қилиш учун айниқса муҳимдир [1,3].

MathCAD тизимидан фойдаланган ҳолда ишларни бажариш натижасида талабалар компьютерни оптималлаштириш масалаларини ўрнатиш ва тайинланган муҳандислик масалаларини ечиш маҳоратига эга бўладилар. Бундан ташқари, MathCAD -дан курс ишларида фойдаланиш талабаларга замонавий ҳисоблаш фанлари ва компьютер технологиялари ютуқларига тўлиқ қўшилиш имконини беради. Бу янги билимларни олиш жараёнини тезлаштиради, юқори даражадаги касбий малакаларни таъминлайди.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда компьютер ахборот технологиялари олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Улардан фойдаланиш компьютерда кўп меҳнат талаб қиладиган ҳисоблаш ишларини бажаришда ўқиш вақтини тежашга, таълим сифатини оширишга ва ўқувчиларда академик ва касбий қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ўқув жараёнида интеграциялашган MathCAD тизимидан фойдаланиш ўқув жараёнини сезиларли даражада бойитади, материални идрок этишни осонлаштиради, талабаларнинг мустақил ишларини рағбатлантиради, уларнинг интеллектуал ривожланишига ҳисса қўшади. Бундан ташқари, олинган билимлар келажакда ўқув-методик ишлар ва тезислар ёзишда, талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини олиб боришда қўлланилади.

Адабиётлар:

1. Кирьянов Д. В. MathCAD15/MathCAD Prime 1.0 / Кирьянов Д.В., СПб.: БХВ-Петербург, 2015. – 432 с.
2. Назаров Д.М. MathCAD 14: Основные сервисы и технологии / Назаров Д.М., Пожарская Г.И. М.: Национальный открытый университет «ИНТУИТ», 2016. – 139 с.
3. Самоучитель по MathCAD 11.- URL: <https://www.rk5.msk.ru/ Knig/Matycad11/pdf>.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ДАВЛАТ РЕЕСТРИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ИНСУЛЬТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Усмонова А.Т., Зайнутдинов Х.С.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: azizausmonova18@gmail.com*

Долзарблиги: инсулт - мия қон айланишининг ўткир бузилиши ёки умуман тўхташи билан кечадиган кассаликдир. Дунёда йилига 15 миллиондан ортиқ инсулт билан касалланиш ҳолати қайд этилади ва бундан 12.7 миллиони юқори қон босими туфайли содир бўлади, тахминан 6.2 миллиони ўлим билан яқунланади. Беморларнинг фақат 20% аввалги турмуш тарзига қайтишга муваффақ бўлади. Қолган беморлар эса умрининг охиригача ногиронликнинг маълум тури билан яшайди.

Инсулт касаллигини даволашда қўлланилаган дори препаратлари ассортиментини ўрганиш, уни оптимал равишда шакллантириш, замонавий, юқори сифатли, безарар препаратлар билан таъминлаш муҳим муаммодир [1].

Мақсад. Инсулт касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари давлат реестрида №24 2020 йилдаги (01.01.2020й. ҳолатига кўра) рўйхатдан ўтган дори воситаларининг ассортимент таҳлилинини ўрганиш.

Усул ва услублар. Ретроспектив контент таҳлил ўтказиш, Ўзбекистон Республикасида қайд этилган ва тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат этилган инсулт касаллигида қўлланиладиган дори препаратларининг номлари, ишлаб чиқарилган шакли, ишлаб чиқарувчи фирма номи ва мамлақати бўйича маълумотлар контент таҳлили учун асос сифатида олинди [2].

Натижалар. Таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган инсулт касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг умумий миқдори ишлаб чиқарувчи давлатларнинг хилма-хиллиги билан бирга ҳисобланганда савдо номи

бўйича 792 та препаратдан ташкил топгани ва бу халқаро патентланмаган номи (ХПН) бўйича 33 та дори воситасига тўғри келиши аниқланди. Ассортиментнинг 23% маҳаллий ишлаб чиқарилган дорилар, 24% МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган дорилар ҳамда 53% хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган дори воситалари рўйхатига киритилган. [3,4]

Умумий ассортиментнинг 27% парентерал йўл билан юбориладиган препаратлардан ташкил топган. 73% эса перорал йўл билан қабул қилинадиган препаратларни ўз ичига олади. [3,4]

Инсулт касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг ассортименти хорижий давлатлар ва МДХ давлатларининг 20 тасида (15 та узоқ хорижий ва 5та МДХ) жойлашган 37 та дори ишлаб чиқарувчи компаниялар (29та узоқ хорижий ва та 8 МДХ) хиссасига тўғри келади. Хориждан келтириладиган дори воситаларининг асосий улуши Ҳиндистон давлатига тўғри келиб, жами препаратларнинг 113 тасини (14%) ўз ичига олади. Шунингдек ассортиментнинг 7 таси(0.9%) Хитой, 26 та (3.2%) Германия ва 16 та (3.2%) Швейцария каби давлатларнинг ишлаб чиқарувчиларига тўғри келади. МДХ давлатлари орасидан Россия Федерацияси дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналари 73та (9%) дори воситалари Давлат реестрига рўйхатга киритилган. [4]

Таҳлил маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар миқёсида олинганда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган препаратлар сони бўйича РЕМЕДИ ГРУППИ 27 та, НОБЕЛ ФАРМ САНОАТ 14 та, МЕРРИМЕД ФАРМ 10та ва яна бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг дори воситалари қайд этилгани аниқланди.

Хулосалар. Инсулт касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг ассортименти контент таҳлили ўрганилди. Таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган инсултни даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг ассортиментининг таркибий тузилиши, дори шакли, ишлаб чиқарилган давлатлари, номенклатуранинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ишлаб чиқарувчи фирмалари томонидан инсултни даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг ассортиментини юқори самарадорликка эга бўлган комплекс дори воситалари, антиагрегантлар, антиккоагулянтлар, фибринолитиклар хисобига бойитиш, инсулт касаллигини даволаш жараёнида дори воситаларидан оқилона фойдаланишга олиб келиши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Инна Волкова. Здоровье. Всемирная организация здравоохранения заявила о глобальной эпидемии инсульта еще в 2004 году. <https://www.asi.org.ru/news/2018/10/29/vsemirnyj-den-borby-s-insultom>
2. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С., Абдуллаев З.П. Онкологияда қўлланиладиган дори воситаларини ассортиментини ўрганиш // Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси: Илмий- амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 229-230.
3. Ю.У. Нигматуллина, Г.Ф. Лозовая, М.Р. Дударенкова // Маркетинговый анализ ассортимента лекарственных препаратов, применяемых терапии злокачественных новообразований предстательной железы.//Известия Самарского научного центра Российской академии наук, том 17, №5(2), 2015, с. 394-398.
4. «Государственный Реестр лекарственных средств и медицинских изделий » № 24, 2020 й.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСУЛТ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Усмонова А.Т., Зайнутдинов Х.С., Султонова Г.А.

*Тошкент фармацевтика институти
e-mail: azizausmonova18@gmail.com*

Долзарблиги. Инсулт энг кенг тарқалган ва потенциал хавфли касалликлардан биридир. Инсулт - мия қон айланишининг ўткир бузилиши бўлиб, бу касаллик ўчоқли ёки умумий неврологик белгиларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Касаллик ўлим кўрсаткичи бўйича юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан сўнг учинчи ўринни эгаллайди (1, 2).

Статистик маълумотлар шуни тасдиқлайдики, инсулт билан касалланганлар сони тобора

кўпайиб бораётганига қарамай, сўнгги беш йил ичида ундан ўлим ҳолатлари 40 фоизга камайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, дунё буйича ҳар йили ярим миллиондан ортиқ инсулт билан касалланган беморлар рўйхатга олинади ва ушбу касалликдан ўлим даражаси дунёдаги енг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади - йилига 10 минг кишига 127 ўлим. Инсулт узоқ муддатли комага, фалажликка, ақл ва хотирани йўқотишга олиб келиши мумкин. Оғир даражадаги инсулт беморнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин (2).

Мақсади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган статистик маълумотларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсулт касаллигининг тарқалиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Усул ва услублар. Илмий изланишлар контент-таҳлил, мантиқий, статистик, солиштирма таҳлил тадқиқот усуллари ёрдамида амалга оширилди.

